O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O’RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

MUZAFFAR MAMATQULOV
Suyarov Mahmud

«Turkiy xalqlar adabiyot» fanidan
Ma’ruza matni

Guliston - 2008

МАВЗУ: КИРИШ. ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларининг ўзаро алоқалари ва ўзаро таьсир масалалари.
2. Мазкур халқлар адабиётларидаги мавзу ва образлар ўхшашлиги.

МАВЗУНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Ўзаро ўхшаш хусусиятлар, образлар ўхашашлиги, ўзаро яқин мавзулар, ўзаро алоқалар, адабиётлар ўртасидаги ўзаро таьсир.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Талабаларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, уларнинг адабиётлари, мазкур адабиётлар ўртасидаги умумий муштарак хусусиятлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ҳамда ўзаро таьсири масалалари хусусида тушунча хосил қилдириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, уларнинг адабиётлари ҳақида сўзлаб беради.
1.1.2. Мазкур халқлар адабиётлари ўртасидаги муштарак хусусиятларни шархлайди.
1.1.3. Адабиётларнинг ўзаро таьсир ва алоқаларини таҳлил қилади.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларини иқтисодий ва ижтимоий-тарихий жараённинг умумийлигигина эмас, шунингдек, географик яқинлик ҳам, тил умумийлиги ҳам ўзаро бирлаштиради. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ халқлари кўп асарлар оша бирга яшаб, бирга меҳнат қилиб келганлар.

Бу гуруҳ адабиётларидан бештаси туркий халқларникидир. Тожик халқи форс тилида гаплашувчи гуруҳга кирсада, тожик тили ва адабиёти узоқ даврлар мобайнида Ўрта Осиёнинг туркий тиллардаги адабиётлари билан яқин муносабатда бўлган. Бу адабиётлар ўзига хос миллий адабиётлар сифатида тараққий этиш жараёнида ўзаро ўзлуксиз алоқада бўлиб, бир-бирларини бойитиб келганлар. Шу билан бирга Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларида тарихий тараққиётнинг нотекислиги ҳам из олдирган. Масалан, ўзбеклар ва тожиклар азалдан ўтроқлик ва ривожланган дехқончилик шароитида яшаб келганлар. Уларнинг ёзуви ва ёзма адабиёти араб графикаси асосида ўрта асрлардаек ривожланган эди. қозоқ, қирғиз, қорақолпоқ, туркманлар эса кўчманчи халқлар эдилар, қирғизлар совет ҳокимияти ўрнатилганга қадар амалда ривожланган ёзувга ҳам эга эмас эдилар. Кучманчи бўлсалар-да рус, татар ва бошқа халқлар билан яқин муносабатда яшаган қозоқларда эса ёзма адабиёт XIX асрнинг биринчи ярмидан ривожлана бошлади.

Тарихий-маданий тараққиётнинг нотекислигидан қатъий назар, Ўрта Осие ва Қозоғистон халқлари адабиётлари тараққиётидаги умумий белгилар, Айниқса тарихий тақдир, территория, тил умумийлиги бу адабиётлар Октябрь тўнтаришидан олдинги тараққиёт йилларини белгиловчи қатор муштарак хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради. Бу муштарак хусусиятлардан бири Ўрта Осиёда ва Қозоғистон халқлари маданий ҳаётида халқ оғзаки ижодининг муҳим ўрин тутганлигидир. Октябрь тўнтаришигача ўз ёзувига эга булмаган халқларда оғзаки поэзия адабий ижоднинг ягона тури эди. Чунончи, қирғизларда оғзаки поэзиянинг улуғвор ёдгорлиги бўлмиш "Манас" эпопеяси яратилди. Бироқ ёзма

адабиётга эга бўлган халқларда ҳам, масалан, ўзбекларда ҳам фольклор ёзма адабиётнинг ривожига бевосита таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётининг иккинчи характерли ҳусусияти шуки, уларда XX асрдан илгари ва XX асрнинг дастлабки йилларида поэзия хукмрон жанр эди. Ана шу холат XX асрда туғилаётган проза ва драматургия тараққиётининг ҳусусиятини ҳам белгилайди. Бу адабиётлардаги проза ва драматургия поэзия таъсири остида алоҳида лирик оҳанг,поэтик ифодалилик ва образлилик касб этадиларки, бу нарса мазкур адабиётларга туғмалик, миллий ўзига хослик бағишлайди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги барча адабиётлар тараққиётининг учинчи умумий хусусияти улар ўртасидаги турли шаклларда намоён булувчи ўзаро алоқадир. Бу хусусият дастлаб шунда кўринадики, тожик классиклари Фирдавсий, У.Ҳайём, Саъдий, Хофиз ва бошқаларнинг асарлари бир неча асрлар давомида форс-тожик тилида сўзлашувчи халқлар учунгина эмас, балки муайян даражада Ўрта Осиёнинг туркий халқлари учун ҳам умумий маданий мерос бўлиб қолди. Ўз навбатида буюк ўзбек шоири А.Навоий ижоди Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиёти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди, ҳам туркий, ҳам форс-тожик шоирларига бирдай илҳом бағишлади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётлари ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсир Фирдавсий "Шоҳнома" сидаги Рустам, Навоий "Фарҳод ва Ширин" идаги қатор қаҳрамонлар бутун Ўрта Осиё халқлари учун бирдай яқин бўлиб кетганлигида ҳам кўринади. Ўрта Осиё халқлари орасида бир қатор муштарак сюжетлар ҳам борки, булар ҳар бир қардош халқ адабиётида шу миллат руҳига қараб ўзича ишланди, ўзининг миллий ифодасини топди. Масалан, Яқин ва Ўрта Шарқда жуда қадимдан машҳур бўлган "Лайли ва Мажнун" достонидаги Лайли ва Мажнуннинг фожиали севгиси тўғрисидаги сюжет асосида дастлаб озарбайжон классиги Низомий - Ганжавий асар яратган бўлса XV асрда Алишер Навоий, 17 асрда туркман шоири Андалиб ғоявий бадиий пишик ҳамда оригинал достонлар ижод қилдилар. XIX асрда жуда кўп ижодкорлар Низомий ва Навоийга тақлид қилдилар, улардан илоом олдилар. Ўрта Осиё халқлари адабиётлари ўртасидаги алоқа бевосита шоирлар ўртасидаги дўстлик воситасида ҳам мустаҳкамланди . Навоий билан Жомий ўртасидаги дўстлик тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик даражасига ўсиб етишди.

Иккала шоир ҳам ҳамсачилик анъанасини давом эттирдилар, бир-бирларига ўргатдилар.Навоий ва Жомий ўзбек тожик шоирларига ҳомийлик қилиб, улар орасида икки тилда ижод этиш аньанасини бошлаб бердилар. То бизнинг давримизгача сақланиб колган бу анъана С. Айний ижодида ҳам яққол кўринади.Ўрта Осие ва Қозоғистон халқлари адабиётлари фақат ўзаро эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётлари билан ҳам қалин муносабатда ривож топдилар.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, уларнинг адабиётлари хусуси-да нималар биласиз?

1.1.2. Мазкур халқлар адабиётлари ўртасидаги муштарак ҳусусиятларни сананг.

1.1.3. Адабиётларнинг ўзаро таьсир ва алоқаларига шарх беринг.

1.2.1. Ойбекнинг "Қутлуғ қон", Б.Кербобоевнинг "Дадил қадам", С.Муқоновнинг "Бўтакўз" романлари учун умумий бўлган мавзуни топинг?

а) 1916 йилгача бўлган ҳаёт манзараси ва кўзғолон мавзуси.

б) Хотин - қизлар озодлиги мавзуси.

в) Тарихий мавзу

с) Муҳаббат мавзуси.

д) Коллективлаштириш мавзуси.

2 - АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Мазкур халқлар адабиётларидаги мавзу ва образлар ўхшашлиги.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётлари ўртасидаги умумий мавзулар ва ўхшаш образлар тўғрисида талабаларга тушунча беради.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётлари орасидаги умумий мавзулар ҳақида маьлумот беради.
2.1.2. Адабиёт ўртасидаги умумий мавзуларни асарлар мисолида тушунтиради.
2.1.3. Адабиётлар ўртасидаги ўхшаш образларга баҳо беради.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган эртакларда қаҳрамонлик ва романтик достонларда хинд,форс, араб,турк эртакларидаги сюжет ва ҳолатлар,образлар ва қаҳрамонлар,грек мифлари ва таврот афсоналари қолдиқларининг учраши бунга мисол бўлади. Ўрта Осиё халқлари фольклорида арабларнинг "Минг бир кеча", ҳиндларнинг "Панчатаптра" форсларнинг "Анвори Сухайлий"("Калила ва Димна") китобларидаги сюжетларга ҳамоҳанг сюжетлар анчагина. Адабиётларимиздаги қардошлик муносабатларининг яна бир ёркин кўриниши Гўрўғли циклидаги достонлар ўзбек ,туркман ,қозоқ ,тожик ,қорақалпоқ ,озарбайжонлардан ташқари форс , афғон, турк, арман халқлари орасида ҳам машҳурлигидир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларини ижтимоий-маданий шароити ҳам, дин умумийлиги ҳам, маҳаллий эксплуатация ва зулм ҳам бир-бирига яқинлаштиради. 1916 йилги кўзғолон мавзусида ёзилган Ойбекнинг "Қутлуғ қон", Б. Кербобоевнинг "Дадил қадам", С. Муқоновнинг "Бўтакўз", А. Тукумбоевнинг икки қисмдан иборат "Қонли йиллар" ва "Тонгда" романлари жуда ҳамоханглиги тасодифий эмас, албатта.

Мазкур ҳудудларда совет ҳукумати ўрнатилгач, мазкур халқлар адабиётлари ушбу давлат мафкурасига мос ғоя ва мақсадларга хизмат қила бошлади ва уларнинг асосий мавзуси социалистик қайта куриш мавзуси бўлиб қолди. Уларда янги қурувчи инсон марказий ўринни эгаллади. Ш.Рашидовнинг "/олиблар" повести, Ойбекнинг "Олтин водийдан шабадалар", С.Муқоновнинг "Сирдарё", О.Ковшудовнинг "Копетдоғ этакларида" романлари ана шу мавзуни ёритишга бағишланган.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Ўхшаш мавзудаги асарларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида нималар биласиз?
2.1.2. Ишчилар синфининг туғилишига бағишланган ўхшаш мавзудаги асарларни сананг.
2.1.3. Мазкур халқлар адабиётларида тарихий мавзуда ҳам ўхшаш асарлар яратилганми?
2.1.4. Қозоқ ва ўзбек адабиётидаги ўхшаш хусусиятларни изоҳланг.
2.1.5. Қирғиз ва ўзбек адабиёти ўртасидаги ўзаро яқин мавзудаги асарларга шарх беринг.

АДАБИЁТЛАР.

1. Халқлар дўстлиги. Тошкент, "Фан " нашриёти, 1965 йил.
2. История литература народов Средней Азии и Казахстана. Москва, 1980

МАВЗУ: ФОРС - ТОЖИК АДАБИЁТИ.

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Халқ оғзаки ижоди

2. Ёзма адабиётнинг шаклланиши.
3. Рудакий ва Умар Ҳайём ижоди.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Қўшиқ, эртак ва достонлар, "Гўрўғли" туркуми, Рудакий ғазаллари, Умар Ҳайём рубоийлари.

1- АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. Халқ оғзаки ижоди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Форс-тожик халқ оғзаки ижоди тўғрисида тушунча ва тасаввур хосил килиш. Халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари асосида инсонпарварлик хиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Форс- тожик халқлари ва уларнинг адабиётлари хусусида сўзлаб беради.
1.1.2. Халқ оғзаки ижодининг форс - тожик адабиётидаги ўрнини изоҳлайди.
1.1.3. Халқ оғзаки ижоди жанрлари ҳақида гапириб, уларни фарқлайди.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Форс-тожик адабиёти Ўрта Осиёнинг бой ва қадимий адабиётларидан биридир. X-XV асрларда тожиклар ва форслар бир давлат таркибида яшаганликлари сабабли ўша замонда яшаб ижод этган Рўдакий, Фирдавсий, У.Ҳайём, Хофиз, Саъдий сингари машҳур шоирларнинг ижоди ҳар иккала халқнинг адабий мероси ҳисобланади.

Тожик адабиётини Ўрта Осиёда яшовчи қардош халқларнинг адабиёти, Айниқса ўзбек адабиёти билан чамбарчас боғловчи анъаналар қадимдан мавжуд. Хоразмий, К.Хужандийдан тортиб А.Навоий, Гулханий, Махмур, Маъдан, Хозиқ, Ҳамза, С.Айнийгача бўлган қатор ўзбек ва тожик ёзувчилари ўз асарларини ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида ижод этдилар.

Тожик халқининг адабиёти ва маданияти ғоят кадимийлигини бизгача етиб келган фольклор намуналари, "Авесто" сингари эски диний китоблар, Муғ тоги ва Панжакентдан топилган бой археологик материаллар, "Самани айёр","Саргузашти Хотам" сингари халқ китоблари, ниҳоят,форс-тожик ёзувчи ва олимларининг дурдона асарлари исботлайди. Тожикларнинг аждодлари бир замонлар Ўрта Осиё ва Хуросонда яшаган ўтроқ ва кўчманчи сугдий, хоразмий, шак, массагет ва парфиан кабилаларига мансуб бўлган.

"Гўрўғли" туркумидаги ишқий-қаҳрамонлик достонлари, ашула,қўшиқ ва латифаларда тожик халқининг осойишта ва адолатли ҳаёт ҳақидаги асрий орзу-умидлари, эзувчилар ва чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашлари ўз ифодасини топган. Халқ оғзаки ижодида яратилган баҳодир Рустам, Сухроб, темирчи Кова, Борзу, Фарҳод, Ширин, Гўрўғли, унинг уғиллари - Ҳасан, Аваз, доно ва тадбиркор мулла Мушфиқий, мулла Насриддин образларида меҳнаткаш омманинг олижаноб фазилатлари мужассамлашган.

XIX асрга келиб халқ оғзаки ижодида меҳнаткаш халқнинг озодлик ҳаракатини акс эттирувчи бир қанча асар яратилди.1885-1887 йилда шарқий Бухорода Восе бошчилигида кўтарилган деҳқонлар қўзғолони тўғрисидаги ашула ва қўшиқлар шулар жумласидандир.

Тожиклар орасида етишиб чиққан Бобоюнус Худойдодзода, Юсуф Вафо, Ҳикмат Ризо, Саидали Вализода каби ажойиб халқ бахшилари халқ оғзаки ижоди асарларини авлоддан-авлодга етказишдан ташқари, ўзлари яратган терма, қўшиқ ва достонларда меҳнаткаш омманинг ҳаёти ва озодлик учун курашини акс эттирдилар.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Форс - тожик халқ оғзаки ижоди хусусида нималар биласиз?
1.1.2. Халқ оғзаки ижоди асосида қандай кахрамонлар яратилган?

1.1.3. Халқ оғзаки жанрларидан қайси бири етакчи хусусиятга эга?
1.1.4. Халқ достонлари, қўшиқ, ашула ва латифаларда қандай ғоялар ифодаланган?

2- АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Ёзма адабиётнинг шаклланиши.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Ёзма адабиётнинг шаклланиши ҳусусида тасаввур хосил қилиш ва мазкур адабиётда илгари сурилган ғоялар асосида ижобий фазилатлар сари ундаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Форс - тожик ёзма адабиётининг шаклланиш йўлларини кўрсатади.
2.1.2. Ёзма адабиёт вужудга келган дастлабки пайтларда ифодаланган фикрлар, ғояларга изоҳ беради.
2.1.3. Ёзма адабиётнинг дастлабки вакиллари ижодига бахо беради.

2- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Халқ оғзаки ижодининг тараққий этиши заминида аста-секин тожик ёзма адабиёти ҳам шаклланди. Бу адабиётнинг классик даври IX асрдан бошланади.

Тожик адабиёти қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилади:

1. Кадимги тожик адабиёти (қулдорлик жамияти даври)
2. IX-XV асрлар тожик адабиёти (феодализмнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши даври)
3. XVI-XIX асрлар тожик адабиёти (феодализм жамиятининг емирилиши даври)
4. Янги тожик адабиёти (Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейинги давр)
5. Тожик совет адабиёти.
6. Мустақиллик даври тожик адабиёти.

Қадимги тожик адабиётининг бизгача етиб келган илк намуналари "Авесто" диний китоби, Рустам ҳақидаги ривоятлар,"Савдогар ва унинг хизматкори" типидаги маталлар милоддан анча олдин ва милодий IV-V асрларда яратилган.

Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши тожик халқининг илгарирок бошланган шаклланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатди. Фақат IX-X асрга келиб арабларга қарши олиб борилган керашлар тожик феодал давлати Самонийлар давлатининг ташкил топиши билан якунлади.Энди араб тили ўрнини жонли тожик тили-дарий тили эгаллаб,бу тилда ёзма адабиётлар яратила бошлади.

Дарий (тожик) тилидаги адабиётнинг йирик вакиллари Абутоқи Аббос Ибн Тархон Самаркандий, Абухафс Самаркандий, Ханзол Бадгисий,Маъсуд Марвозий, Ферўз Машрикқий,Абусолиҳ Турғоний,Бассом Курд Хорижий сингарилари бўлиб, улар ижодида халқ оғзаки ижоди таъсири кучли эди.

Абу Абдулло Рудакий тожик ва форс классик адабиётининг отаси ҳисобланади. У жуда кўп ишқий ғазаллар ва фалсафий-дидактик қасидалар ёзган инсонпарвар шоир эди. Рудакий ўрта аср классик шеъриятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиб, уни юкори пагонага кутарди. Рудакий ва унинг замондошлари Дақиқий ҳамда Абушукур Балҳийлар ижоди ўзининг хушчақчақлиги ва ҳаётбахшлиги билан ажаралиб туради.

X-XI асрга келиб тожик классик шеъриятида рубоий (Ибн Сино ва Ҳайём), ғазал (Унсурий, Фарруҳий, Манучеҳрий) ва қасида жанрлари билан бирга достончилик ҳам равнақ топди. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Асадийнинг "Гуршаспнома"си, Гургонийнинг "Вис ва Роман" достонлари бу давр форс-тожик адабиётида янгилик бўлди.

Фирдавсий "Шоҳнома"си "Зол ва Рудоба", "Бижон ва Манижа", "Баҳром Чўбин", Темирчи Кова" каби достонларини ўз ичига олади.

X-XI аср форс-тожик адабиётида Носир Хусрав ва Умар Ҳайём ижоди салмоқли ўрин тутади.Улар ўз асарларида ўша замон учун илғор бўлган ғояларни илгари сурдилар. Н.Хусравнинг "Худо билан айтишув" қасидаси, "Сафарнома", "Рушнойинома" асари, Ҳайёмнинг ўнлаб рубоийлари диққатга сазовордир.

XII асрда яшаган шоир Собир Термизий хажвнавис Сўзанийлар мавжуд ижтимоий тузумни танқид қилдилар.

XIII-XIV аср форс-тожик шеъриятида тасаввуф таьлимотининг таьсири ctзилиб туради. Ж.Румий, Х.Деҳлавий ва Саъдийлар бу шеъриятнинг етакчи вакилларидир.

Хисрав Дехлавий озарбайжон шоири Низомийнинг "ҳамса"чилик анъанасини форс-тожик адабиётида давом этдирган бўлса, ажойиб ғазаллари, "Бўстон" ва "Гулистон" асарлари билан файласуф шоир Саъдий Шерозий ғазалчиликни юқори поғонага кутарди, бадиий проза тараққиётига салмокли хисса қўшди.

XIII-XIV асрда Ўрта Осиё ва Эрон муғуллар томонидан истило этилди. Маҳаллий феодаллар ва муғуллар зулмига карши 1238 йил эса сарбодорлар кўзғолони кўтарилди. Бу воқеалар шоир ва ёзувчилар ижодига таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам Хофиз Шерозий, К. Хужандий, Носир Бухорий кабилар ижодида мавжуд тузумга нисбатан эътироз, шахс эркинлиги, дунёвий севги ғоялари куйланди. Хофизнинг замондоши Убайд Зоконий Шарқ адабиётида хажвий асарлари Билан шуҳрат топди.У ўзининг "Рисолат ахлок-ул-ашраф","Юз насиҳат","Сичқон Билан мушук" асарлари эски урф одатларга,руҳонийларга, муғул зулмига қарши кайфиятларни ифодалайди.

XV-асрга келиб феодал муносабатларини мустаҳкамлаш шароитда Самарқанд, Хирот, Бухоро шаҳарларида адабий ҳаёт жонланди. Бу даврда икки тилда асар ёзиш одат тусини олди. Абдураомон Жомий ва Алишер Навоийлар шу шароитда яшаб ижод этдилар. Бу асрда йирик насрий асрлар юзага келди. Хусайн Воиз Кошифий "Анворий Суҳайло" Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкиратуш шуаро", Хондамирнинг "Макоримул ахлоқ" асарлари шулар жумласидандир.

XVI-XIX асрларда тожик адабиёти асосан Бухоро хонлигида, қисман Кўқон хонлигида ривож топди. "Бадои-ул вақое" муаллифи Восифий, Биноий, Ҳилолий бу давр адабиётининг йирик намоёндаларидир. Булар орасида Абдураҳмон Мушфиқий ўзининг "Тақсими мерос" ва бошқа асарларида феодал жамияти камчиликлари устидан кулди. Кейинчалик у хажв устаси сифатида шуҳрат қозониб, халқ латифалари Мушфиқий номи билан боғланди.

XVII асрда хунармандлар орасидан чиққан Мулҳам Бухорий, Фитрат Зардўзи Самаркандий, Сайидо Насафийлар ажралиб туради.

Сайидо масал жанрига мурожаат қилиб, ўз илғор ғояларини шер, чумоли каби мажозий образларда талқин этди.

XVIII-XIX аср тожик шеъриятида Ҳиндистонда яшаган тожик шоири Мирзо Бедил ижодининг таъсири кучли эди.

Шундай қилиб, тожик классик ёзувчилари ўз ижодларида асосан илғор ғояларини тараннум этдилар. Адабиётда сатирик оқим кучайиб адабиёт халқ ҳаётига яқинлаша борди.

XIX аср тожик демакратик адабиётининг йирик вакили Аҳмад Дониш замонасининг илгор зиёлиси, пешқадам маърифатпарвари, прозаики эди. У мактаб-маориф, давлат идора усулини ислоҳ килишни тарғиб этди. Октябрь тўнтаришидан кейин тожик совет адабиёти шаклланди.

Тожик совет адабиётининг биринчи босқичида поэзия етакчи жанр эди.С.Айний, П.Сулаймоний, Муҳаммаджон Раҳимий, А.Лохутийнинг янги сиёсий лирикасида революция ғалабалари куйланади, турли ижтимоий масалалар майдонга ташланди. Айнийнинг "Озодлик" қўшиғи П.Сулаймонийнинг "Озодлик ва Шарқ халқлари қарашлари ", "Тожикистон баҳори ", А.Лохутийнинг "Кремль" каби шеърларида Маяковский поэзияси таъсири сезилиб туради. Бу шеърлар, шунингдек, С.Айнийнинг

"Бухоро жаллодлари", "Одина" повестлари тожик совет адабиётининг шаклланишида катта роль уйнадилар.

1930-1941 йилларида тожик адабиёти жамиятида юз берган туб социалистик ўзгаришлар қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, мамлакатни индустриаллаштириш ва маданий революция таъсири остида ривожланди. Энди шеърий асарлар билан бирга бадиий проза, драматургия жанрларида ҳам асарлар ижод этила бошлади.

Адабиётнинг тематик доираси кенгайди. Горкий, Маяковский, Айний, Лохутийлар адабий мактабида тарбия топган М.Турсунзода, Адусалом Дехотий, Хабиб Юсуфий, М.Миршакар, Р.Жалил, Ж.Икромий, Ф.Ниёзий, Б.Рахимзода сингари талантли ешлар ўз шеър, достон, роман, повест ва пьесалари билан адабиёт майдонига кириб келишди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан ва ватан ҳимояси фашизмга қарши кураш, халқлар дўстлиги мавзулари тожик ёзувчилари ижодида ҳам етакчи мавзулар бўлиб қолди. М.Турсунзода, Х.Юсуфий, М.Миршакарнинг жангавор шеърларида фашизмга нафрат туйғулари ифодаланган бўлса, Айнийнинг "Темур Малик", М.Турсунзоданинг "Ватан ўғли", Ж.Икромийнинг "Нодирнинг уйи", Ф. Ниёзийнинг "Вафо", М.Миршакарнинг "Бахт калити " каби повест, достон, романларида кишиларнинг фронт ва фронт ортидаги кахрамонликлари тасвирланди.

Ёзувчилар урушдан кейинги йилларда хилма-хил тарихий ва замонавий мавзуларда, бинобарин, тинчлик учун кўраш, халқлар дустлиги, тинч ижодий меҳнат мавзуларида асарлар ижод этдилар.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Форс - тожик ёзма адабиёти кайси даврлардан шаклланган?
2.1.2. Тожик адабиётини даврлаштириш масаласи хусусида гапиринг?
2.1.3. Дарий тили кайси даврда давлат тили макомига эришди?
2.1.4. Дастлабки давр форс - тожик адабиёти вакиллари ижодига бахо беринг.
2.2.1. Форс -тожик адабиёти тарихи неча даврга бўлиб урганилади?
а) 5 даврга
б) 4 даврга
с) 3 даврга
д) 6 даврга
е) 2 даврга

3 - АСОСИЙ МАСАЛА.

3.1.1. Рудакий ва Умар Ҳайём ижоди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Рудакий ва Умар Ҳайёмларнинг ҳаёти ва ижоди тугрисида талабаларда тасаввур хосил килиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

3.1.1. Рудакийнинг ҳаёти ва ижоди тугрисида гапиради.
3.1.2. Умар Ҳайём рубойиларини таҳлил қилади.
3.1.3; Рудакий ва Умар Ҳайёмлар ижодининг форс - тожик адабиётида тутган урнига бахо беради.

3- асосий масаланинг баёни:

Шоирнинг асл номи баьзи манбаларда Абдулхасан деб юритилса, баьзила рида Абу Абдулло Жаьфар ибн Одам ар-Рудакий аш-шоирас-Самаркандий деб берилади.

Рудакий тахминан 855-865 йиллар орасида Панжакент яқинидаги хоз. Тожикистоннинг Колхозчиен раенига карашли Панжрудал кишлогида туғилган.

Ривоятларга кўра у онадан кўр туғилган бўлсада, жуда сёзгир бола бўлиб, саккиз ешидаек Кўрьонни едлаб олади ва халқ орасида ёкимли овоз билан укиб юради.

У жуда ешлигиданок шеьрлар ижод эта бошлади. Шоир ўз шеьрларида куйга солиб, чолгу асбобларининг бирида жур қилиб укиб беради. Тёз кунда шоирнинг шухрати Бухорога ҳам етади. Рудакий Самонийлар саройига тақлиф этилди.

Самонийлар давлатида сиесий ва маданий ҳаётнинг гуллаб яшнаши Амир Наср II ибн Ахмад Самоний даврига тугри келади. Самонийлар даврида Бухоро илм - фан ва шеьрият марказига айланди. Уша даврнинг энг машхур олимлари, шоир ва саньаткорлар Бухорога тўпланадиган бўлиб колганди. Бу вактда шоҳноманавистликка асос солган Абумансур Дакикий, Абдушукўр Балхий, Шоҳид Балхий, Кисони Марвозий каби лирик шоирлар яшаб ижод этгандилар. Булар орасида Рудакий энг еркин юлдўз эди. У саройда тёз орада шоирлар рахнамоси бўлиб қолди. Рудакийнинг бу давридаги ҳаёти 1222 йил Муҳаммад Аворий томонидан ёзилган. "Рубобул ахбоб" ("Билмнинг магзи") тазкирасида шундай дейилган. "Рудакий уста чолгучи бўлиб етишгач, унинг овозаси бутун дунёга ейилди. Хуросан амири Амир Наср ибни Ахмад Самоний уни ўзига яқинлаштирди ва унинг мартабаси юкорилаб кетди, бойлиги жа хаддан зиед бўлиб кетди... Ундан
кейинги шоирлар орасида ҳеч кимнинг бундай бойлик насиб этилди ва ҳеч ким бундай бахт эгаси булолмайди.

Аммо Рудакий ҳаётлигида ҳеч ким эришмаган бахтга муяссар бўлди, дейиши тугри эмас. Оила ва болага кали булмай, навқиронлик йилларини амир хизматида утказган шоир умрининг оҳирида саройдан кувилди. Бу вокеа саройда 40 йил вазирлик килган Абулфазил Бальамийнинг ишдан четлаштириш билан алоқадор. Олим ва маданият арбоби Бальамий фотимийлик ҳаракатининг рахнамоларидан бири эди. Фотимийлар ислом динига янгича ислох бериш, қишлоқда дехконлар жамоасида мулкий тенглик ўрнатиш ғояларини илгари сурардилар. Фотимийлар бойлигида бир канча халқ кўзгалонлари ҳам бўлиб утди.

Рудакий Фақат Баьамийнинг дусти эмас, балки халқ ҳаракатининг тарафдори сифатида, ўзининг фотимийлик ғоялари ва эркин фикри учун жазоланди, мол-мулки мусодара этилиб, кўзларига киздирилган темир босилган.

Саройдаги пасткашликларни кўриб, ҳаёт сабогини олган шоир ўз кишлогига кайтиб келди ва 940-941 йилларда вафот этди. Рудакий вафоти бутун халққайгусига сабаб бўлди, бу вокеага атаб жуда кўп тарих ва марсиялар ёзилди.

Кейинги текширишлар шуни кўрсатадики, Рудакий туғма кўр эмас, балки кўр килинган экан. 1956 йил антрополог хайкалтарош проф Герасимов суякларни текшириш чогида буни, аниқларди. Шоирнинг асли соғ бўлганлигини унинг шеьрларидан ҳам билса бўлади. Масалан, бахорни тасвирлар экан, у ёзади:

Қуёш ҳар замон кўриниб қолур,
Рудакий қўрғондан муралар нигор.

онадан кўр туғилган на қўшни ва на ер юзини кўрғон деворидан бир муралаб, ғойиб бўлишини умрида кўрмаган киши бундай сатрларни ёза оладими? Бир шеьрида у:

Нишопур йўлида кўрдим,
Мен уда обод қишлоқ.

Булар Рудакийнинг онадан кўр туғилганини тамоман рад этади. "Кариликдан шикоят" номли афтобиографик қасидасида ўзини "Хазор достон" яьни булбул деб атайди.

У форс тилида 1-бўлиб девон, яьни шеьрий тўпламини қолдирган. Девони қасида, ғазал, китьа рубоий ва бошқа шеьрларидан иборат бўлган. У маснавий йўлида ёзган бир неча достоннинг автори ҳамдир. Маьлумотларга кўра Рудакий жуда кўп асарлар ёзиб қолдирган. XI аср шоири Рудакий ал-Самаркандий Рудакий ҳақида:

Жаҳон шеьриятига бошлик керак бўлса гар,
Шоирларга бош булмок Рудакий ярашар. дейди.

Афсуски, бундай бой меросдан бизга қатраларгина етиб келмаган. Аммо шу қатралар ҳам шоир ижоди ҳақида етарли тасаввур бера олади. Рудакийнинг ҳар бир сатрида буюк даҳо аломатлари мано мен деб туради.

Рудакий аввало лирик шоир. У ўз шеърларида кувнок ва бахтли ҳаёт кечиришига даъват этади, соф май, яхши куйни мадх этади, инсоний севгини улуғлайди:

Лайли юзи каби лола саҳро буйлаб қўлиб турар,
Мажнун кўзи каби булут кон ешини килур даре.
Окар сувдан келмокдадир ҳар соатда гулоб хиди.
Менинг ерим арик ичра гул юзини ювиши гўё.

каби мисраларида шоир гўзаллик, ешлик, кувноклик куйчиси сифатида намоён бўлади.

Манбаларнинг хабар беришича, Рудакий 7та маснавий яратган. Улардан айрим парчалар сақланиб колган. Булар асосан "Синбаднома" ҳамда "Калила ва Димна" маснавийсидан олинган парчалардир.

"Калила ва Димна" асари 932 йил ёзилган бўлиб 12 минг байтдан иборат бўлган.

Инсон зехни уткирлигини хурматлаган шоир одамнинг ақл - идрокини улуғлайди.

Турт нарсани берди менга окилларга уйламок,
Тансихатлик, яхши одат, яхши ном, яхши фикр.
Тангри кимга бўлса шу 4 нарсани насиб,
Мангу шоирлик билан яшаб, гам емас ҳам арзир.
Шоир дунё ва одам ҳақида уйга толаркан,

куйидаги ҳаёт программларини олга суради:

Шу оддий кўз билан бокмагил балки,
Билим кўзи билан боккил Жаҳонга.
Жаҳон даре эрур, яхши ишингдан-
Кема ясаб утгил нари киргокка.

Бу дунёда ўз такдиринг жиловини ўз қўлингга ол деган чакирикнинг ўзгинаси.

Шоирнинг фикрича, одам тинмай камолатга интилиши, ақл - идрокини ҳаёт тошида чархлаб бориши лозим:

Бахра олдим ҳаёт тажрибасидан,
Ходиса дафьига керак бўлади.

Рудакий кишига энг 1 - муаллим ҳаёти эканини таькидлайди:

Ҳаёт сабокларини этолмаса ед,
Уни урганмас ҳеч бир устод.

ҳар бир киши камолга етмоги учун машаккатлардан кўркмай, ҳаёт мушкулларини ўзи даф килмоги керак:

Каттик балоларга бардош айлаган -
Булгуси фозилу, хушер, улугвор.

Рудакий асарларининг киммати унинг халқчиллиги инсонга насихат, Муҳаббат, ўз халқи ва Ватанига чукур севги хислари, ҳаётга ишонч ғоялари билан сугорилган.

Шоир ижодида баьзи карама - каршиликлар ҳам мавжуд. Зотан, у дунёкараши ўзи яшаган даврининг билим доираси билан чекланган эди. Бундан ташқари унинг фожиали ҳаёти ҳам ана шу қарама-қаршиликларга сабаб бўлган. У саройдан ҳайдалгач, пессимизмга берилган. Шоир умри, оҳирида:

Умр бахрин кемасига кўп таянма,
Чунки бу нил ичра наханг етаркан.

деб ёзади.

Рудакий қасидалари ўз услуби, оханги ва ғояси билан,ажралиб туради.

Унинг қасидаларидаги мадх этилганлар таьмагарликдан ўзок бўлиб, асоссиз мактовлардан иборат эмас. У мадхдан усталик билан фойдаланиб шоҳларга насихат қилади, уларни инсонпарвар бўлишига ундайди.

Бирок сарой мухити билан яқиндан танишган, ижтимоий тенгсурларга ўз кўзи билан урган шоир оҳирида:

Бировга дастурхон тула турли наьмутлар,
Бировларни кўраман арпа-нонга зор.

деб афсусланади.

Рудакий "Яхши подшо" ғоясини олга сураркан, одил ва рашетпарвар шоҳ мамлакани обод эитиш, халқ аҳволини яхшилаш мумкин, деб ишонади. Аммо шоир халқнинг ох-доди шоҳ кулогига бориб етмаганини кўриб

Тердо ашулажа қулоғ доим
Эшитмассан халқнинг додини

деб ёзади.

Шоир тожик классик адабиётида инсонпаварлик байрогини баланд кутарди. Кон тўкиш одат бўлиб колган бир замонда, эзилганларни химоя қилди:

Ўз нафсин маглуб этган марддир,
Гийбатдан ўзок - ўзок кетолган марддир.
Номард тепиб утар йикилганларни,
Ожизлар қўлини тутолган марддир.

Шундай қилиб, саньаткор содда, чукур мазмунли мисраларда кайта ижтимоий масалани кутара олди. Рудакийнинг содда, равон, ихчам услуби форс адабиётчилари томонидан "Сахлу мумтанеь", яьни "Осону мумкин эмас" деган номни олади.

Рудакий шеьрларининг таьсири жуда кучли бўлганлиги тугри ривоятлар сақланиб колган. Рудакий арабча шеьр улчови аруз вазнини чукур урганиб, тожик халқ қўшиқлари куйига татбик этиб, уни бойитда ва 10 га яқин вазнлар яратди.

Ўзингга кўрмасанг раво, бировга ҳам берма озор,
Буни жуда яхши айтди хужасига бир хизматкор.
...Ҳеч ким кутара олмас,
Бир кулда икки товук.
... Бўзоклар ичида биттаси бутун,
Подани булгатиб юриши мумкин.

каби байтлари халқ маколларидан саньаткрона фойдаланиш махсумдир.

Форс шеьрларида Рудакий "Одам Ато" деб ёки "Устод" деб атайдилар. Абдулфозил Баьамий:, "Рудакийга тенг келадиган шоир арабда хали, ажамда ҳам топилмайди" деб айтганлиги маьлум.

Умуман форс-тожик адабиётининг ҳамма таниқли намоёндалари Дакикий ва Фирдавсийдан бошлаб Хофизгача, Жомийдан С.Айнийгача Рудакий номини хурмат билан тилга оладилар ва уни бутун форс адабиёти учун устод деб биладилар.

Рудакийнинг ҳамма асосий ғоявий фикрлари кейинги машхур шоирлар ижодида давом этди ва ривожланди.

Аммо шоир ўзининг олий бахтини-яьни умумхалқ Муҳаббатини Фақат кейинги йилларда топди 1958 йил Тожикистон хукумати карори билан Рудакий туғилган куннинг 1100 йилиги бутун совеи халқи ва Жаҳон прогр. Жамоси томонидан кенг нишонланмокда. Юбилей кунларида Душанбе шаҳрида шоирга хайкал ўрнатилда, Пажрудакда унинг назари устига макбара кўрилди. Хозирги кунда Рудакийнинг Асарлари мамлакатдаги кўпгина тилларига таржима этилиб, чоп килинмокда ва севиб укилмокда.

УМАР ҲАЙЁМ

Умар Ҳайём 1048 йил Нишопур шаҳрида ёки шу шаҳар атрофидаги қишлоқлардан бирида чодир (хийма) тикувчи косиб оиласида дунёга келади. Ҳайём лакаби ҳам отасининг хунаридан олинган деган фикрлар бор. Ҳайём - чордирчи, чодирдўз демакдир.

Умар Ҳайём Балхда, Бухорода, Самаркандда илм олиб, талантли олим бўлиб етишди. Уни Бухоро хокими Шамсулмулк Корахоний ўз саройига тақлиф этади, аммо Ҳайём унда кўп туролмайди. 1074 йилда Низомулмулк уни Исфахондаги расатхонага бошчилик килишга даьват этади. Истеьдодли олим бунга рози бўлади-да, сарой тўполонларининг ўзокда, аниқ фанларни чукур ўрганишга киришади. У математика, астраномия ва фалсафага оид бир канча китоблар ёзиб, қатор кашфиетлар килган. Масалан, 1077 йилда юнон олими

Эвклид китобидан бир неча геометрик шаклларни шархлаб ёзган асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўлларини кўрсатиб берган.

Ҳайём Ибн Сононинг бир қатор китоларини арабчадан форс тилига таржима килган ва шархлаб беради. Ҳайём ўзининг "Рисолат ул - кавн ва т-тақлик"("Коинот ва унинг вазифалари") китобида Абу Али ибн Синони ўзининг устози деб билади. Ҳайём бундан ташқари "Рисола фил - вужуд" ("Борлик ҳақида рисола"), "Рисола фил куллиети вужуд" ("Борликнинг умумийлиги ҳақида рисола") каби бир неча фалсафий асарлар ёзадиким, унда муаллиф ибн Синонинг фикрларини давом эттиради. Ҳайём 1079 йилда янги ислох килинган календарь тақлиф килинган. Бу колендарь Европада ундан 500 йил кейинрок кабул килинган Грегорий календариданҳам аниқрок бўлган.

1092 йилда Маликшоҳнинг улимидан кейин мамлакатда яна тахт талашлари, низолар ва кон тўкишлар авж олди. Ҳайём ўзининг "Рисолаи жабр" китобининг мукадимасида жохил ва мутаассиб уламоларга карши каттик кўраш олиб боришга тугри келганлигини кайд қилиб, "Биз илм ахлининг инкирозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган Фақат бир кичик гуруҳгина қолдик, холос..." деб ёзган эди. Ҳайёмни динсизликда айблашга ҳаракат қиладилар. Жумладан, унинг ракибларидан бири Ибн Кифти "Тарих ул -хукамо" китобида Ҳайём ҳақида гапириб, "замон ахли унинг динсизлигини таьна қилиб, яширин сирлари очилиб кетгач , ўз жонидан кўркиб, калами ва тилининг жиловини тортди ва художуйликдан эмас, балки кўркканидан хажга жунаб, ўзининг нопок сирларини ошкор қилди", деб ёзади.

Улуг олим кариган чогида маккага боради ва Нишопурга кайтиб келиб, факирликда умр кечиради. Умар Ҳайём 1131 йил 4 декабрда вафот этади.

Умар Ҳайём рубоийлари билан оламга машхур бўлган. Унинг рубоийлари ғоят пурмаьно ва хикматларга лиммо-лим. Шоир рубоийларидаги "Май", "Майхур", "Сокий" образлари мажозий маьнога эга. Умар Ҳайёмни худосиз шоир деб ҳам талкин этишган. Бу мутлоко нотугри. Ҳайём Аллохга каттик ишонган. Унинг жамолига интилган. Лёкин, унинг назарида, Аллохга етишиш учун Фақат тоат -ибодат кифоя эмас. Уни дил билан, ақл билан, эзгу амаллар билан едлаш керак. Шоир шеьрларидаги "Май" Аллохга, ҳаётга, инсонга Муҳаббатнинг тимсолидир. Шунингдек, "Май" тоат - ибодатнинг урнига ҳаётни севиш, уни яхшилаш йўлига кирган киши кунглининг ифодаси ҳамдир.

"Майхур" кўпинча лирик кахрамонни ифода этади. У Аллохга Муҳаббат "май" идан ичгани, тинимсиз майхурлик килгани учун ҳамиша сархуш.

Баьзилар, ҳар кимнинг такдири Аллохдан, одамнинг яхши ёки емон фазилатларга эга бўлиши ўзига боглик эмас, бинобарин, одам ўз килмишлари учун жавобгар булмаслиги керак деб хисоблашади. Шоир ўзининг маьсулиятини такдири азалга боглаб камолот сари интилмайдиган, покланишга уринмайдиган шахсларнинг карашларини "Лойимни ўзинг корган экансан... " рубоийсида истехзо билан акс эттиради.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

3.1.1. Форс-тожик шеьриятида нима учун Рудакийни "Одам Ато" ёки "Устод" деб атайдилар.

3.1.2. Умар Ҳайём рубоийларини ғоявий-фалсафий жихатдан шархланг.

3.1.3. Саьдийнинг ахлокий-таьлимий рухда яратилган қандай асарлари бор?

3.1.4. ғазал жанрининг Хофиз шеьриятида тутган урнини аниқланг?

3.2.1. Кайси шоир форс-тожик адабиётида ғазал жанрининг асосчиси хисобланади?

а) Саьдий

б) Фирдавсий

с) Хофиз

д) Жомий

е)Рудакий

3.2.2. ғазал жанри шақлан кайси шоир ижодида жанр талаблари даражасига эришган?

а)Жомий

б) Хофиз
с) Саьдий
д) Рудакий
е) Фирдавсий

3.2.3. ғазал жанри ғоявий жихатдан кайси шоир ижодида ўзининг мукаммал даражасига эришган?

а) Саьдий
б) Хофиз
с) Жомий
д) Рудаки
е) Умар Ҳайём.

АДАБИЁТЛАР:

1. Х.Ҳамидов. "Форс - тожик адабиёти классиклари", Тошкент- 1964 й.
2. Рудакий. Тошкент - 1957 йил.
3. У.Ҳайём. Рубоийлар, Тошкент - 1976 йил.
4. У.Ҳайём. "Наврўзнома". Тошкент - 1990 йил.

Мавзу: АБУЛКОСИМ ФИРДАВСИЙ

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Шоирнинг хаёт йўли.
2. «Шоҳнома»нинг тузилиши ва ғоявий хусусиятлари.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Илм олиши, ижодга кириб келиши, «Шоҳнома»нинг яратилиши, «Шоҳнома»нинг яратилиши ҳақидаги ривоятлар, достоннинг тўзилиши, достоннинг ғоявий хусусиятлари,.

1- АСОСИЙ МАСАЛА.

1.1. Шоирнинг хаёт йўли.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Фирдавсийнинг хаёти ва фаолияти тугрисида талабаларга маьлумот бериш. Шоир хаётининг ибратли томонларини ўрнак қилиб кўрсатиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ:

1.1.1. Фирдавсий туғилган оила тугрисида сўзлайди.
1.1.2. Шоирнинг ёшлик йиллари ва илм олиши қандай утганлигини тушунтиради.
1.1.3. Фирдавсий яшаган даврдаги ижтимоий – сиёсий ва тарихий шароитни изохлайди.

1 – АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Абулкосим Фирдавсий 940 (ёки 941) йилда Табарон вилоятининг Тус шаҳридан у кадар ўзок булмаган Бож кишлогида дунёга келди. Айрим манбаларда шоирнинг номи Шарафшоҳ деб таькидланади. Чунончи, Мавлона Фахриддин Али Сафий «Латойиф – ут - тавоиф» китобида куйидагича ёзади: «Туслик Фирдавсий ўз замонасининг беназири эди. «Шоҳнома» асари унинг фазлу камолотини тасдиклайдиган ёркин далил ва муносиб шоҳиддур. Унинг номи Хасан бини Шарафшоҳ бўлиб, Тус дехконзодаларидан эди. Ўз вактини дехкончилик ишлари билан утказади. Айтишларича, Тус хокими Фирдавс номли ғоятда гўзал бир бог бунёд этган бўлиб, шоирнинг отаси Исхок бинни Шарафшоҳ ана шу

богнинг богбони эди. У мана шу нисбат ва муносабат билан ўзига Фирдавсий тахаллусини олган экан …»

Фирдавсий оиласи мансуб бўлган ўрта хол ер эгалари – дехконлар X асрда янги ва йирик мулкдорларнинг сикуви билан аввалга мавкеларини йукотиб, хийла кашшоклашиб колган эди. Отасининг вафотидан сунг богнинг тасарруфи Фирдавсийга колади.

Фирдавсий халк оғзаки ижодини, ёзма адабиёт ва тарих китобларини иштиёк билан урганади, кадимги афсона ва ривоятларни марок билан тинглайди, уларни ёзиб боради, араб ва пахлавий тилларини мукаммал эгаллайди. Илмга чанкок ва захматкаш Фирдавсий Ўрта Осиё, Эрон, Юнон, Хиндистон ва Араб олимларининг асарларини кунт билан урганади ва замонасининг пешкадам донишмандларидан бири бўлиб етишади.

Фирдавсий ўз ижодини лирикадан бошлади. У шеьриятда катта тажриба тўплаб, истеьдодли каламкаш сифатида шухрат козонган бир пайтда – 35 ёшида «Шоҳнома»ни яратишга киришди.

«Шоҳнома»нинг вужудга келиш тарихи ўзок ва мураккаб. X асрда наср ва назмда бир неча «Шоҳнама» вужудга келди. Шулардан бири «Шоҳномаи Мансур» дир. Йирик амалдор лашкарбоши Абумансур Муҳаммад Абдураззок Тусийнинг буйруги билан 957 йилда Абумансур ал – Маьмарий деган кишининг назорати ва иштирокида насрий «Шоҳнома» яратилди. Тахминан 963 – йилда Абулмуайяд Балхий ҳам насрий «Шоҳнома» яратади. Шу асар билан деярли бир вактда Маьсуд Марвазий ҳам шеьрий «Шоҳнома» яратади. Мана шу тажрибалардан сунг бухоролик шоир Дакикий Сомоний хукмдорлар топшириги билан ўз «Шоҳнома»сини яратишга киришади, бирок уни тугаллашга муяссар булолмайди. Дакикий жами минг байтдан иборат Зардушт, Гуштасп, Аржасп достонларини ёзишга улгуради. Тасодифий фожиали улим (у базмда улдирилади) катта ижодий режани амалга оширишга имкон бермайди. Кадимий афсона ва ривоятларни, тарихий китобларни мукаммал билган Фирдавсий Дакикий бошлаган ишни давом эттириш ва нихоясига етказишга карор қилади.

Фирдавсийнинг таъкидлашича, дустларидан бири уни «Шоҳнома» ёзишга кистаб рагбатлантиради. Дастлаб дустидан моддий ёрдам олиб иш бошлаган Фирдавсий «Шоҳнома»нинг давомини деярли мухтожликда ва алам – мусибатда ёзади. У 20 йил захмат чёкиб, 994 йилда асарини тугатади. Бирок шу орада Сомонийлар сулоласининг хукмронлиги емирилиб, тахтни Султон Махмуд эгаллаб олган эди. Султон Махмудга шу холда «Шоҳнома»ни манзур килишга кўзи етмаган Фирдавсий уни тахрир килиш ва Султон Махмудга «мувофиклаштириш» га киришади. Шоир яна 10 йилдан зиёдрок меҳнат қилиб, хижрий 400 (мелодий 1010-1011) йилда «Шоҳнома» нинг 2 – тахририни нихоясига етказади.

Фирдавсий 30-35 йиллик мураккаб ижодий меҳнатининг махсули булмиш 60000 байтдан иборат (бундан минг байти Дакикий каламига мансуб) «Шоҳнома»ни Султон Махмудга тақдим қилади. Бирок шоирнинг умид – орзулари пучга чикади. «Шоҳнома » Султон Махмудга маькул булмади .

Шундан сунг 30-35 йиллик меҳнати тақдирланмаганини айтиб, Султон Махмудга карши лаьнат тошларини ёгдиради:

Уттиз йил тинмайин умр сарф этдим,
Сўз билан Ажамни олиб тиритдим.

Шоҳ аждоди асли эмасди тождор,
Шунингчун тождорни этаётир хор.

Унинг отаси бўлганда агар,
Куйган булур эди бошим ўзра зар.

Насаби буюклик кўрмаганидан,
Юксақлик кўринмас ундан.

«Шоҳнома » устида уттиз йил тамом,
Тиришдим, олмокка хазина, иньом.

Менга ҳам султоним айлар деб ниёз,
Этар деб йигитлар ичра сарафроз.

Армугон олмадим, бўлдим дарбадар,
Армугоним бўлди бир чака кадар.

Хажвнинг оҳирида шоир мен бу аччик сўзларни айтиш билан бошқа хукмронлар бундан ибрат олсинлар, шоирларга озор ва зиён-захмат етказмасинлар,дейди.

Ривоятларга кўра, Султон Махмуд Фирдавсийни филнинг оёги остида топтатиб улдиришга карор қилади. Шоир Газнадан кочиб кетишга мажбур бўлади. У Хиротга, у ердан Тусга йўл олади. Тусдан Табаристон (Мозандарон) га, кейин Ирокка утди. Манбалардаги маьлумотларга кўра, Фирдавсий Багдодда «Юсуф ва Зулайхо» достонини битади. Умрининг оҳирида Фирдавсий ватани- Божга кайтади. Бир неча йил ўз богида яшаб, 1025 – 1026 йилларда уша ерда вафот этади. Реакцион гуруҳлар уни кофир, деб мусулмон мозорига кумишга ижозат бермайдилар. Шоирнинг жасади ўз богига дафн килинади.

Фирдавсий билан Султон Махмуд орасидаги зиддият заминида бир канча афсоналар пайдо бўлган. Уларда тарихий хакикатнинг канчалик берилишига карамай, улуг шоир фожиасининг халк фантазиясидаги ифодасини кўрамиз. Шулардан бирида куйидагича хикоя килинади:

Фирдавсийнинг богидан катта арик утар экан. Шоир кўпинча арик буйида утириб, шеьр битар, бог ва сув унга илхом багишлар экан. Шоир арикни тошкиндан сақлаб колиш учун тугон кўрмокчи бўлади. Лёкин маблаги йук экан. Бунинг устига бокка катта солик солинар экан. Шоир арз – хол айтмок учун Султон Махмуднинг пойтахти Газнага йўл олибди.

Газнада у бир бокка кирибди. У ерда Султон Махмуднинг уч шоири: Унсурий, Фаррухий, Асжадий сухбатлашиб утиришган экан. қишлоқи йигитни кўрган шоирлар бошлиги Унсурий «Биз шоирлармиз, шоирлардан ўзга кишини мажлисимизга якин йўлатмаймиз, ҳар кайсимиз бир мисрадан шеьр айтамиз, туртинчи мисрани сен айта олсанг, бу ерда коласан, булмаса йўлингга кетасан», - дейди. Фирдавсий кабул қилибди.

Унсурий:

Чун орази ту мох набошад равшан,
(Ой ҳам жамолингдек булолмас равшан)

Фаррухий:

Монанди рухат гул набвад дар гулшан
(Юзинг рухидек гул тополмас гулшан)

Асжадий:

Мужгонат ҳами гўзар кунад аз жавшан
(Мужгон укингдан тешилур жавшан)

Фирдавсий:

Монанди синони Гив дар жанги Пашан.
(Гив найзасидек ул кунки жанг қилди Пашан)

Унсурий туртинчи мисрани эшитиши билан Фирдавсий дан ўзур сураб, ундан:

-Сен Ажам шоҳлари тарихини биласанми? – деб сурабди. Фирдавсий:

-Ха, у тарихни биламан, - деб жавоб берибди.

Гуё Султон Махмуд Унсурийга Ажам шоҳлари тарихини назм билан битиш вазифасини топширган экан. Бирок у топширикни бажаришга ожизлик килбди. Фирдавсийнинг донишмандлиги ва истеьдодидан мамнун бўлган Унсурий уни саройга олиб

борибди. Султон Махмуд Фирдавсийга «Шоҳнома» ёзишни топширибди. Шоирга катта ваьда (айрим ривоятларда, ҳар байтга бир мискол олтин) берган Султон ўз ваьдасига вафо килмабди, шоирни такдирламабди. Бундан газабланган шоир Султонни хажв қилиб, кочиб кетибди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Фирдавсий қандай оилада вояга етди?
1.1.2. У ёшлигида кўпрок нималарга кизикар эди?
1.1.3. Фирдавсийни ким «Шоҳнома » ёзишга кистади ва рагбатлантириб турди?
1.1.4. Форс-тожик адабиётидаги «Шоҳнома» яратиш тарихи ҳақида нималар биласиз?
1.1.5. Фирдавсий ва Султон Махмуд орасидаги муносабат қандай эди.
2.1.1. Шоирнинг отаси қандай иш билан шугулланар эди?
а) косиб эди.
в) богбон эди
с) лашкар боши эди
д) кози эди
е) дурадгор эди
2.1.2. Шоир ёшлигида кайси тилларни мукаммал эгаллаган?
а) Хинд, Афгон
в) Эрон, Турк
с) Араб,Пахлавий
д) Санскрит,Араб.
е) Турк, Хинд

2– АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. «Шоҳнома»нинг тўзилиши ва ғоявий хусусиятлари

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Фирдавсий «Шоҳнома»сининг яратилиши ва унинг тўзилиши, ғоялари дунёси ҳақида тасаввур хосил килиш. Достондаги ижобий кахрамонлардан ўрнак олишга дават килиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг яратилиш тарихи ҳақида сўзлайди.
1.1.2. Шоир достонни яратишда нималарга асосланганлиги изохлайди.
1.1.3. Достоннинг тўзилиши тугрисида гапириб, унинг ғоялари дунёсини кахрамонлар мисолида таҳлил қилади.

2– АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

«Шоҳнома» карийб турт минг йилни ташкил килувчи жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Бу даврда афсонавий ва тарихий шахслар «ҳаракат қиладилар», сунгги булимида ифодаланган 500 – 700 йиллик тарихий вокеалар ғоят катта аниқлик ва изчиллик билан тасвирланади.

«Шоҳнома»да эллик подшолик тасвир этилади ва достоннинг композицион кўрилиши шу билан белгиланади. Бунда баьзи шоҳликлар бир неча йил давом этган бўлса, баьзилари неча юз йиллаб давом этади, баьзиларига шоир 10-20 байт багишласа, баьзиларига минглаб байтлардан иборат айрим достонлар багишлайди. Масалан, Сухроб ҳақидаги минг байтдан ортик достон, Сиёвуш ҳақидаги уч минг байтдан ортик достон, Кайковус шоҳлиги давридаги вокеаларни ўз ичига олса, бир неча минг байтдан иборат бўлган Исфандиёр ҳақидаги достон Гуштасп шоҳлиги даврининг бир кисминигина тасвирлайди. Ҳар бир

шоҳлик давринининг тавсифи ҳам , ҳар бир достон ҳам «Шоҳнома» учун конунлаштирилган услубда ёзилган бўлиб , уларнинг ҳар бири дебоча, асосий кисм ва хотимадан иборат.

Барча Ўрта аср адабиётида бўлганидек «Шоҳнома»да ҳам кисса муаллифи тилидан олиб борилади.

«Шоҳнома» кадим кабилалар тукиган афсоналар, кахрамонлик достонларини ва Эрон, Ўрта Осиёнинг Искандар Зулкарнайн давридан тортиб то араблар бостириб келгунгача, яъни охирги Сосонийлар шоҳи Яздигирт учнинг улимигача (651йил) бўлган тарихини ўз ичига олади.

«Шоҳнома»даги киссалар шоҳликларга булиниб олиб борилади. Ўзи ҳам «шоҳлар ҳақида китоб» деб аталади.

«Шоҳнома»нинг бош кахрамонлари Рустам, Сухроб, Кова, Исфандиёр, Бахром, Гив, Сиёвуш , Бежан, Маздак, Лумбак кабилардир. Шоҳлардан эса Фақат Искандар ва Бахромнигина бу кахрамонлар сирасига киритиш мумкин.

«Шоҳнома»нинг бош кахрамони Сейистонлик баходир Рустами достондир. Рустам Эрон ҳарбий кучларининг таянчи, у ўз ватани ва шоҳига чексиз садокати билан яккол кўзга ташланиб туради. Фирдавсий Рустам портретини ёркин буёкларда тасвирлайди, уни йирик планда кўрсатади. Масалан, у букирса тоглар ларзага келади, юрганида залворидан оёги тошга ҳам ботиб кетади, утирган чогида ҳам буйи ҳаммадан баланд ва хоказо.

«Шоҳнама»нинг бош ғояси – ватаннни улуглаш, халк кудратини кўз-кўз килиш, халк баходирларини васф этишдир.

Шоир подшоларни ўз раияти холидан огох булишга, унга мехрибонлик кўрсатишга чакиради, халкни ортикча соликлардан озод этиб, золимлар зулмидан химоя этиш лозимлигини уктиради.

«Шоҳнома»нинг асосий ғояси яхшилик ва ёмонлик орасидаги азалий ва абадий кўрашдир. Уни укиган кишида одамзод ёмонлик, коронгулик, зулмат панжасидан ўзок колмаслигига имон келтиради. Кеча орқасидан кундўз келиши, ёругликнинг коронгулик, эзгуликни ёвўзлик устидан тантана килишига ишонади.

«Шоҳнома» муаллифи меҳнат ахлига улкан мехру-Муҳаббат билан караб , одил шоҳлик ғояларини илгари суради. Барча шоҳлар тахтга чикиш муносабати билан бўлган нуткларида ва ё улим олдидан ворисларга килган васиятларида хукмдорларни кашшоклар ва меҳнаткашларга зулм килмасликка ундайдилар. Лашкар бошилар ҳарбий юришга отланар эканлар , уруш бўладиган жойларда экинзорларни пайхон килмаслик, оддий халкни ранжитмасликни буюрадилар.

«Шоҳнома» олий даражада тартибга солинган асар. Композицияси жуда ҳам пухта Фирдавсий ўзининг бу улкан асарида жуда кўп фалсафий ғоялар, хаётий муаммоларни илгари суради, кўп ҳарактерлар яратади, пейзжалар чизади.

«Шоҳнома» мазмун – мундарижаси ва тўзилиши жихатидан мураккаб эпос. У унлаб афсона ва ривоятларни, севги-саргўзашт, кахрамонлик достонларини ўз ичига олади. Унда мингдан зиёд персонажлар образлари яратилган. Бу персонажлар пахлавонлар, шоҳлар, амалдорлар, лашкарбошилар,олимлар, саньаткорлар, хунармандлар, дехконлар, чупонлар ва бошқалардир. «Шоҳнома»ни мазмуни ва тасвир обьектига караб уч кисмга – мифологик, кахрамонлик ва тарихий кисмларга булиш аньанага айланган. Шунга мувофик унинг персонажларини шартли равишда; мифологик образлар, афсонавий халк кахрамонлари ва тарихий персонажларга ажратиш мумкин. Каюмарс, Хушанг, Тахмурас, Жамшид, Сом, Наримон, Зол, Рустам, Гев, Бижон ва бошқалар афсонавий халк кахрамонлари образидир. Тарихий персонажларга Маздак ва Сосонийлар сулоласидан чиккан Ануширвон, Бахром, Хисрав Парвиз ва бошқалар киради.

Фирдавсий кадимги афсонавий образларни кайта ишлайди, уларни ўзи яшаган мухитнинг мохиятига якинлаштиради ва унга реалистик деталларни киритади. Шоир афсонавий халк кахрамонлари образини яратишда халк оғзаки ижоди бойликларига таянади, фантастик тасвирга реалистик рух беради, халк кахрамонлиги, унинг ватанпарварлиги ва донишмандлигини мужассамлаштириб, пахлавонларни «Шоҳнома»нинг

асосий ва етакчи образлари қилиб олади. У машхур халқ кахрамони Маздакка хайрихох бўлиб, уни ижобий кахрамон сифатида талкин қилади. Шоир Сосонийлар сулоласидан чиккан барча шоҳларнинг ҳам солномаларини баён этавермайди. У бир неча шоҳларни ё бадиий образ сифатида маьлум даражада ишланган Анушировон, Бахром Гур ва Хисрав Парвиз каби шоҳларни олади. Анушировон адолатли шоҳ образи сифатида, Бахром Гур пахлавон ва Хисрав Парвиз шавкатли шоҳ ва ошик сифатида гавдалантирилади. Шундай қилиб «Шоҳнома»да миф, афсона, эпос ва тарих маьлум даражада чатишиб, уйгунлашади.

«Авесто»да афсонавий кахрамонлар сифатида тасвирланган кўпгина образлар «Шоҳнома»да ривоявий образ киёфасини олади. Шундай образлардан бири Каюмарсдир. Мифологияга кўра, олам яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кўрашдан иборат бўлиб, яхшилик кучларига Хурмўз, ёмонлик кучларига Ахриман бошчилик қилади. Фирдавсийнинг талкинича, Хурмўз ёмонлик кучларининг бошлиги Ахриман ва унинг девларига карши кўрашда кишиларнинг галабасини таьминлаш учун биринчи шоҳ Каюмарсни яратади. Каюмарс кишиларни вахшийлик хаётидан куткариб, уларни меҳнат килишга ва маданий хаёт кечиришга, дехкончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шугулланишга одатлантиради.

Каюмарснинг фаолиятини Хушанг ва Тахмураслар давом эттирадилар. Хушанг даврида ут кашф килинади, кишилар темирчиликни ва арик, канал очиб, суньий сугоришга асосланган экин майдонларини кенгайтиришни урганадилар. 700 йил хукмронлик килган Жамшид даврида кишилар Ахриманнинг зулмидан кутиладилар, мухтожлик, касаллик ва улим йуколади. Бирок Жамшид такаббурлик қилиб, ўзини худо билан тенглаштиради, бутун борликнинг яратувчиси мен, деб даьво қилади. Фирдавсий Жамшид киёфасида бир - бирига бўлган икки шоҳ образини яратади. Бири адолатли ва маьрифатпарвар шоҳ Жамшид бўлиб, шоир уни улуғлайди, иккинчиси магрур ва мутакаббир шоҳ Жамшид бўлиб, шоир уни коралайди, улимга махкум қилади. Шоир биринчиси оркали хукмронларни ундан ўрнак олишга, эл-юрт учун хизмат килишга, кўпга таянишга чакирса, иккинчисининг такдири билан уларни огохлантиради.

Халкнинг жабр – зулмга карши нафрат ва газаби, унинг золимларга карши исёнкорлик рухи хусусан темирчи Кова образида бурттириб тасвирланган. Кова кабохат ва кулфат, улим ва офатнинг тимсоли бўлган Заххокка карши халк галаёнини уюштиради, у Фаридун бошчилигида Заххок ва унинг аьёнларини тор - мор қилади.

Ахриманнинг фитнаси билан тахтга чикиб, 199 йил хукмронлик килган Заххок эл-юртни кон какшатади, кишиларни улдириб, уларнинг мияси билан елқасидан усиб чиккан илонларни бокади, инсон ва унинг тафаккўрини махв килмокчи бўлади. Бирок у бунга эриша олмайди. Халкнинг сабр косаси тулиб, бир учкун ҳам халк галаёни алангасини ловиллатар эди. Бу учкун оддий меҳнаткаш Кова бўлди, унинг пешбанди халк галаёнининг ялови бўлди. Кова бутун эл – юрт қатори Заххокнинг дахшатли зулми ва котиллигига дучор бўлади. Унинг ун етти угли улдирилади, ун саккизинчисининг хаёти хавф остида колади. У Заххокдан хайикмайди, сарой, тож-тахт, аркони давлат унга дахшат сололмайди.

Кова Заххок ва унинг саройидан нажот топиш кийинлигини тушунди. Ягона чора газабкор халкни галаёнга чакириш ва Заххокни емириб ташлаш. Кова халкка мурожаат қилади, халк исёнкор тулкини Заххок ва унинг аьёнларини тор – мор келтиради. Заххок образи барча ёмонликларнинг, Кова эса халк куч-кудратининг рамзи бўлиб қолди.

Рустамнинг пайдо бўлиши билан эпос ғоявий мазмуни жихатидан ҳам, бадиий жихатидан ҳам янги ва юксак погонага кутарилди. Рустам «Шоҳнома»нинг кахрамонлик кисмининг бош кахрамони , марказий фигураси, у барча вокеаларда бевосита ёки билвосита иштирок этади, мислсиз пахлавон ва фидокор ватанпарвар сифатида муьжизалар яратади. Рустамнинг бутун фаолияти ва куч - кудрати кишиларнинг бахти ва осойишталигига каратилган. У инсониятнинг душмани бўлган реал ва хаёлий ёвўз кучларга, девларга карши мардона кўрашади, йирткичларни енгади. Мамлакатни дахшатли боскинчиларнинг хужумидан химоя қилади. Мансабпарастлик , тож-тахт даьвоси Рустамга ёт, у буни хаёлига

ҳам келтирмайди. Афсуски , подшоларга садокат билан хизмат килган Рустам ўзи билан улар ўртасидаги зиддиятларни тушунмайди, хатто баьзан уларни пайкаб олаолмайди ҳам.

«Шоҳнома» нинг учинчи кисмидан Фирдавсий Сосонийлар хукмронлиги тасвирлайди. У «Хватай – намак » материалларига таянади, лёкин ундаги маьлумот ва мулохазалар билан кифояланиб колмайди, баьзан ундан йироклашади, ривоятларга мурожаат қилади, афсонавий ва тарихий материалларни ижодий кайта ишлайди. Фирдавсий Сосонийларга, хусусан, Анушировн ва Хисрав Парвизларга катта урин беради. Шоир бу образлар тасвирида тарихий фактлардан фойдаланса ҳам, лёкин кўпрок афсона ва ривоятларга мурожаат қилади, улар тимсолида адолатли подшолар сиймосини яратишга интилади. Шунинг учун ҳам Анушировн ва Хисрав Парвизлар тарихийдан кўра, кўпрок бадиий – фантастик образлардир. Искандар (Александр Македонский) образи ҳам худди шундай. Лёкин шуларга карамай «Шоҳнома» маьлум даражада тарихий манба сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Абдулкосим Фирдавсий «Шоҳнома»нинг хотимасида ўз умри, шеьрий даҳосининг бокийлиги ҳақида бундай деган эди.

Кўп олий касрлар булурлар ҳароб,
Уруб кору ёмгир, шамол, офтоб.

Вали шеьридин бу бинойи Жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бурон.

Сухан тухмин экдим чекибмеҳнатим,
Мен улмам, асрлар яшайдур отим.

Фирдавсий янглашмади. Замонлар утди. Башарият тарихи не-не ходиса ва вокеаларни бошидан кечирди… Бирок айрим ғоя ва тушунчаларнинг умри тугаётганига карамай, Фирдавсийнинг юксак шеьрий касри – «Шоҳнома» минг йилдан бери авлоддан-авлодга утиб, яшаб келмокда.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ.

2.1.1. «Шоҳнома»даги вокеалар канча даврни ўз ичига олади?
2.1.2. Достон кахрамонлари хусусида нималар биласиз?
2.1.3. Достон тўзилиши ҳақида гапиринг.
2.1.4. Достонда илгари сурилган ғояларни таҳлил килинг.
2.1.5. «Шоҳнома»даги мифологик кахрамонлар тугрисида нималар биласиз?
2.1.6. Достондаги афсонавий халк кахрамонларини сананг.
2.1.7. Достондаги тарихий кахрамонлар ҳақида гапириб, уларнинг тасвирланишини изохланг.

3.1.1. «Шоҳнома»да нечта подшолик тасвир этилади?
а) 45 подшолик
б) 50 подшолик
с) 30 подшолик
д) 80 подшолик
е) 100 подшолик

3.1.2. Достонда неча йиллик тарихий вокеалар ғоят аниқлик ва изчиллик билан ёритилган?
а) 400 йиллик
б) 600 йиллик
с) 500-700 йиллик
д) 400 – 800 йиллик
е) 300 йиллик

3.1.3. Кайси подшолик даврида олов кашф килинган?

а) Хушанг.
б) Тахмурас
с) Заххок
д) Каюмарс
е) Сиёмак

МУСТАҚИЛ ИШ.

1. Х.Ҳамидов «Шоҳнома» нинг шухрати, «Ўзбёкистон» нашриёти, Тошкент – 1991 йил.

АДАБИЁТЛАР.

1. Фирдавсий «Шоҳнома», Тошкент- 1984 йил.
2. Ш.Шомуҳаммедов. «Форс -тожик классиклари шеьриятидан», Тошкент -1963 йил.
3. Х.Ҳамидов .«Шоҳнома» нинг шухрати, Тошкент -1991 йил.
4. Н.Маллаев .«Абулкосим Фирдавсий», Тошкент - 1972 йил.

МАВЗУ: АБДУРАХМОН ЖОМИЙ
МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Шоирнинг ҳаёт йўли.
2. Жомий шеьрияти ва ижодий мероси.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Илм ўрганиши, шоир ҳаётида Саьдиддин Кошгарийнинг тутган урни, илк ижоди, ғазалиети, Жомий ва тасаввуф, достонлари.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти тугрисида талабаларда тасаввур ва тушунча хосил килиш. Жомий ҳаётининг ибратли томонларидан ўрнак олишга даьват этиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Жомийнинг ешлик йиллари ва илм олиши тугрисида сўзлайди.

1.1.2. Шоирнинг тасаввуф таьлимоти ва Накшбандия окимига бўлган муносабатини тушунтиради.

1.1.3. Шоир яшаган даврдаги ижтимоий - сиесий ҳаётни изохлайди.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Нуриддин Абдурахмон Ибни Ахмад 1414 йил 7 ноябрда Хирот вилоятига карашли кичкинагина Жом шаҳрида тугилди. Жомий ешлигидан ота-онаси билан Хиротга кучиб келган.Жомий болалигидаек хат укишни урганиб олган, мактабда укишни ҳам жуда эрта бошлаган.Абдурахмон Хиротда Дилкаш мадрасасига катнаб,ундан араб тили грамматикаси ва араб тилида ёзилган арўз,кофия илмларига доир рисолаларни урганади.Бадиият илми ҳақидаги китобларни шарху изохлари билан ургана бошлайди.Бу даврда Жомийнинг устозлари унинг истеъдодига жуда юкори бахо берадилар. У энди билимини такомиллаштириш учун Самаркандга жунайди. Бу даврда Улугбек давлатининг пойтахти Самаркандда аниқ фанлар, айникса, математика, физика, астраномия фанлари жуда тараққий этган эди. Жомий Самаркандга келиб, машхур олим Козизода Румий маърўзаларни эшитишга муяссар бўлади.Хиротга кайтгач, машхур олим Али Кушчига имтихон топширади.Унинг бадиий ижод билан шугулланиши 15 асрнинг 40-йилларига Шоҳрух мирзо салтанатининг охирги йилларига тугри келади.Улуг адиб тахсилнинг сунгги

такдирини уша замоннинг машхур маънавий арбоби Саъдиддин Кошгарий (1456 йил вафот этган) билан боглайди.Накшбандия окимининг тарафдори ва таргиботчилиги билан Саъдиддин Кошгарий Низомиддин Хомуш ва Зайниддин Хавофийлар таълимотининг давомчиси эди.

А.Жомийга Накшбанд таълимоти маъкул тушади ва Саъдиддин Кошгарий тарикатини давом эттиради.Накшбандия тарикати адолатни,ўз меҳнати асосида бунед этилган тирикчиликни маъкуллаган дабдаба, гирром йўллар билан мол-мулк тўплашни эса коралаган.Бертельс таъкид этганидек,у инсонсеварлик, яхши фазилатлар ростгуйлик, халоллик, меҳнаткашлик, маънавий поклик,камтарлик,самимиятни улуглаш тарафдори бўлган.

Саъдидин Кашгарий вафотидан сунг Жомий Хуросон давлатининг эътиборли сиймолардан бирига айланди.Хатто ўз кароргохини уша маънавий устози макбараси енига кучирди.15-аср 60-йилларида А.Жомий катта илмий ва диний арбоб сифатида шухрат козонди.Шоир дунёкараши ва ижоетида унинг Шарк мамлакатлари буйлаб килган сафари катта роль уйнайди .У 1472 йилнинг 21 августидан 1473 йилнинг 7 январига кадар хаж бахонасида Макка,Мадина,Нишопир,Сабзавор, Бистом, Домгон, Симнон, Казвин, Ҳамадон, Кўрдистон, Багдод, Насаф, Карбало, Дамашк, Халаф, Табрёз, Рай каби шаҳарларда бўлди.Шубхасиз ,сафар Жомий ижодида катта таассурот қолдирган.У 1491 йилнинг 9 ноябрида,78 ешида Хиротда вафот этган.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Шоирнинг илм ўрганиши ҳақида сўзланг.
1.1.2. Нима учун Жомий тахсилдан кейинги такдирини Саьдиддин Кошгарий билан боглади?
1.1.3. Жомий ва Навоий ўртасидаги дустлик ҳақида нималарни биласиз?
1.1.4. Нима сабабли Жомий Накшбандия таьлимотига эьтикод куйди?
1.1.5. Нима учун Жомий Шарк мамлакатлари буйлаб саехатга отланди? Сафар таассуротларини изохланг.
2.1.1. Жомий Самаркандда кайси машхур олим қўлида укиган?
а) Козизода Румий.
б) Саьдиддин Кошгарий.
с) Али Кушчи.
д) Улугбек.
е) Абу Наср Фаробий.

2 - АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Жомий шеьрияти ва ижодий мероси.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Шоир шеьрияти ва адабий мероси тугрисида маьлумот бериш. Жомий достонларидаги кахрамонлардан рухланиб, ижобий инсоний фазилатлар таркиб топтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Шоирнинг илк ижоди хусусида сўзлайди.
2.1.2. ғазалларини таҳлил қилади.
2.1.3. "Хафт авранг" нинг илмий - фалсафий асар эканлигини изохлайди.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Абдурахмон Жомий ўз замонасининг кўп тармокли истеъдод ва иктидор сохибидир. Унинг тил, адабиёт назарияси,шархлар,иншо саньати, мусика илми, илохият каби ранг-баранг сохаларга багишланган 46 тадан ортик асарлари мавжуд.қатъий назар,А.Жомий энг аввало,ўз замонасининг йирик адиби,теран мушоҳадали шоиридир .

"Бахористон", "Силсилат ўз-заххаб", "Саломон ва Абсол", "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Хирадномаи Искандарий" достонларидан таркиб топган "Хафт авранг","Фотихат уш-шаббоб","Воситат ул-икд","Хотимат ул-ҳаёт "тўпламларидан тўзилган лирик асарлар куллиети ўз муаллифининг салохияти, ғоявий концепсияси, бадиият бобидаги камолотидан гувохлик беради. Адибнинг "Нафохат ул-унс","Арбайин"сингари асарлари ҳам унинг ижод кирраларини кашф этиш калитини беради.Жомий илм,адабиёт, саънат бешиги-Хиротдаги жуда кўп ижод ахли балогатида катта хисса кушган.Айникса, унинг А.Навоий билан биродарлиги тилларда достон. Мирза Турсунзода таъкидлаганидек ,"бу икки сиймо улуг ўзбек шоири А.Навоий ва форс-тожик шоири А.Жомийлар кухна Машрик шухратини янада оширганлар".

Жомий шеърияти.

Жомий лирик шеърларнинг кўпгина кисмини ғазаллар ташкил этади. Улар ошикона ва орифона ғазаллардан иборат.Муҳаббат мавзуида ёзилган, севгувчи калбнинг барча кечинмаларини нафосат ва саломият билан ифода этувчи шеърларни - ошикона шеърлар деймиз.Ҳар бир бундай шеърда ер жамолининг гўзаллиги туфайли вужудга келган оловли севги, унинг оташин тафтида енмокда бўлган ошик калбининг ҳарорати, чекаетган изтироблари, ҳар қандай аламли дардларга ҳам тобе берувчи фидокор ва садокатли ошикнинг мураккаб холати баён бўлади.

Маро кор аз гами ишки ту зараст Дилам рафтосту чан наздики кораст
Агар аз сина пурси дарнок аст В- агар аздида пурси ашкбораст...

Маъноси:

Менинг ишим севгингда йигламок
Дилим кетгану жон ҳам шунга яқин
Агар куксимни сурасанг,у дардли
Агар кўзимни сурасанг у еш билан жик тула ...

Ушбу ғазалда севгувчи кунгилнинг хаяжонлари, дардлари, чукур кечинмалари канчалик таъсирли берилган, улар тушунарли ифодаларда баён этилган. Ҳар бир байт ўзига хос бадиият билан тула. Жомий ўз давр шеъриятида кулланилган барча шеърий шақлларда лирик асарлар яратган. Унинг девонида ғазаллар билан бирга мураббаъ, таржеъ, китъа, рубоий, қасида, марсия каби шеърлар ҳам анча бор. Жомийнинг неча ешда шеър ёза бошлагани хозирча бизга маълум эмас. Аммо унинг то ўз ҳаётининг охиригача бу дил берган машгулот билан банд бўлгани аен. Жомий шеъриятининг мундарижаси ғоят ранг-баранг, шеърий шақллари хилма хил. Уларда эзгуликка чорлов,кишиларни турли фазилатлар касб этмокка ундов бош урин тутади.

Ало, эй шоҳи авги дилрабой
Ки хили некувонро подшой
Менки то метивони, бевафон
Ки дураст аз тарики ашной...

Маъноси:

Эй, дилраболик авжидаги ой
Эй, яхшилар гуруҳининг подшоҳи
қўлингдан келганча бевафолик килмагин
(Чунки) у дустлик йўлида йирокдир...

Жомий девонида ана шундай эзгуликка, ошикларга мурувват, рахм - шафкат кўрсатмокка ундовчи орифона шеърлари кўплаб учрайди. Жомийнинг ошикона ва орифона мазмундаги шеърлари соф инсоний кечинмаларнинг баланд бадиият билан ифода этилмогининг еркин намуналаридадир.

Жомий "Лужжат ул - асрор" ("Сирлар денгизи ") " Жило ур- урх" (Рухлар жилоси) сингари гўзал қасидалар ҳам ёзган. Бу қасидаларда шоир юксак инсоний фазилатлар - олийжаноблик, меҳнатсеварлик, покдиллик, фаолликни ташвик этади. У тубан, пасткаш, таъмагир кимсаларни коралайди, кишиларни бундай иллатлардан сақламокка чакиради.

Томеъон аз бахри таъма пеша ҳар хос сар неханд
Конеъонро ханда бар шоҳу вазири кишвараст
Мокейн аз бахри доно мебарат сар зехри кох
Кохкоха бир куху бар дар шеваи кабки дараст

Маъноси:
Таъмагирлар тамаъ йўлида ҳар бир чупак олдида бош эгадирлар.
Каноатли кишилар мамлакат шоҳи ва вазирларидан куладилар
Мокиен бир дона дон учун бошини хашак остига сукади.
Тог қақлиги эса тоглар ва водийларда кахкаха қилади.

Жомий подшоҳларни, улар атрофидаги амалдорларнинг зулмкорлигини каттик танкид килган. У подшоҳни ениб турган оловга, амалдорларни эса кусовга ухшатади. Ушалар биргалашиб кишиларнинг хонумонини куйдирадилар.

Шоҳ оташдону оташгира ин мушти авони хаш
Ки бохри хонумонро сухтан бошанд аъвонаш
Хазар кун, ей авон, аз нолаи мазлуму ашки у
Ки метарсам кунат кори дуои Нух туфонро.

Маъноси:Шоҳ оташ, унинг яқинлари эса оташкурак, уларнинг иши хонумонларга ут куймокликдир. Эй амалдор, эзилганларнинг ноласи ва кўз ешларидан эхтиет бул:кўркаманки(бу нолалар) Нухнинг дуоси (сингари) туфон келтириб чикармоклари мумкин.

Жомийнинг кексалик тугрисидаги қасидаси бундай мисралар билан бошланади;

Сафед шут чу дарахти шукуфадор сарим
В-аз ин шукуфа ҳамин меваи гамаст барам

Маъноси: Бошим худди гуллаетган дарахт каби окарди.
Бу гуллардан йигадиган хосилим ғам меваларидир.

Навоий Жомийнинг бу қасидасини укигач сўз подшоҳларининг бирортасидан ҳам бундай ажойиб қасида эшитмаганман, деб устозининг бу шеърига юксак баҳо берган эди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ.

2.1.1. Шоир шеьриятидаги етакчи хусусиятлар ҳақида сўзланг.
2.1.2. Қасидаларида илгари сурилган фикрларни таҳлил килинг.
2.1.3. "Баҳористон " асари ҳақида нималар биласиз?
2.1.4. "Юсуф ва Зулайхо" достонини пок инсоний муҳаббатни улуғловчи асар деса бўладими?
2.1.5. Юсуф образига тавсиф беринг.
2.1.6. Зулайхонинг Юсуфга булган муҳаббатига баҳо беринг.
3.1.1. "Хафт авранг" неча достондан иборат?
а) 5
б) 4
в) 6
д) 8
е) 7
3.1.2. "Баҳористон" качон ёзилган ва неча бобдан иборат?
а) 1485- 86 йилларда, 6 бобдан.
б) 1486- 87 йилларда, 8 бобдан.
с) 1487- 88 йилларда, 9 бобдан.
д) 1480- 83 йилларда, 8 бобдан.
е) 1485- 86 йилларда, 7 бобдан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Шомуҳамедов. "Форс-тожик адабиёти классиклари".Тошкент-1964 йил.
2. Жомий. /азаллар. Тошкент - 1983 йил.
3. Жомий. Достонлар. Тошкент - 1989 йил.
4. Жомий. Баҳористон. Тошкент - 1979 йил.
5. А.Қаюмов. Назм ва тафаккур куёши. Тошкент - 1992 йил.

МАВЗУ : САДРИДДИН АЙНИЙ
МАВЗУ РЕЖАСИ

1. Айнийнинг ҳаёти ва шеърияти.
2. Адибнинг насрий асарлари.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ.

Айний ва жадидчилик ҳаракати, шеъриятида маърифатпарварлик ғоялари, насрий асарлари, С.Айний ва ўзбек адабиёти.

1 -АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1.Айнийнинг ҳаёти ва шеърияти.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Адибнинг ҳаёти, фаолияти ва шеърияти ҳусусида талабаларда тасаввур уйғотиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. С.Айнийнинг ҳаёт йўли ҳақида гапиради.
1.1.2. Айний шеъриятида маърифатпарварлик ғояларининг пайдо бўлишини изохлайди.
1.1.3. С.Айнийнинг 20-30 йиллар ҳамда уруш давридаги шеърларини қиёслаб таҳлил қилади.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Садриддин Айний 1878 йил 15 апрелда Бухоро вилояти Гиждувон ноҳиясига қарашли Соктаре кишлогида туғилди. Унинг отаси Саидмурод камбағал, лекин маърифатпарвар киши эди.Ёш Садриддин бошланғич таълимни ўз қишлоғида олгач, Бухорога боради ва мадрасада ўқийди. У мадраса таълими билангина кифояланиб қолмасдан, Шарқ мумтоз шоирлари асарларини қунт билан мутолаа қилади. Натижада С.Айний Х!Х асрнинг охирларига келиб ўз даврининг илғор маърифатпарвар, халқпарвар зиёлиси сифатида танила бошлайди.

С.Айнийнинг маърифатпарварлик фаолияти дастлабки даврларда жадидлар таъсирида давом этади. У янги усул мактаблар очиб, янгича дастурлар, мажмуалар ёзди, халқ болаларини бепул ўқитди. Бироқ унинг бундай илғор, тараққийпарвар интилишлари амир жаллодлари томонидан қатъий таъкикланиб, амир фармони билан етмиш беш дарра урилиб улар холатда зиндонга ташланади. Йирик давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ёзувчининг инқилобдан олдинги маърифатпарварлик фаолиятига юксак баҳо берган.

С.Айний ўз ижодини Бухорода мадрасада ўқиб юрган чоғларида (1894-1895) кичик-кичик шеърлар ёзишдан бошлаган. Аввал у "Сифлий","Мухтожий", "Жунуний" тахаллуслари билан ғазаллар машқ килган. 18 ешидан (1896й) бошлаб "Айний" сўзини тахаллус қилиб олган.

С.Айнийнинг дастлабки шеърлари ишқий лирик ҳарактердаги мисралардан иборат эди, кейинчалик шеъриятида маърифатпарварлик ғоялари етакчи хусусиятга эга бўла бошлади.

С.Айний "Хуррият марши" , "Байналмилал марши", "Марсия", "Кун чиқарлиларга хитоб ", "Хилоли ахмар марши" каби шеърлар яратди. Шоирнинг бу қўшиқ маршлари Ҳамза шеъриятига ҳамохангдир.

"Байналмилал марши" шеърида шоир бутун дунё меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни эски дунё ўрнига янги дунё кўришга чорлайди:

Уйгон, дунё ишчиси, тургил!
Яқинлашди ойдин кунлар.
Ёруғ дунёга чиқ, ғайрат кил!
Кўп кўрдинг қоронғи тунлар.

Шоир шеъриятида ўқиш, илм ўрганиш, маьрифатли бўлишга даьват этиш ғояси ҳам илгари сурилади. Айний "Мактаб марши", "Дорилмуаллимин марши" (1919), "Мактаб шарқийси" (1920), "Лохутий дили" (1927) каби шеърларида ёш авлодни маьрифатли бўлишга чақиради.

С.Айний 20-йилларда давр талаблари даражасида туриб ижод қилди. Янги замоннинг бошланғич даври учун характерли бўлган янги мавзу ва янги ғоялари тараннум этган. Бу хусусият унинг 30-40 йилларда ёзилган шеърларига ҳам хосдир.

С.Айний 30-йилларда янги ҳаёт, маданий кўрилиш, бахтли ёшлик, мактаб маориф каби мавзуларда шеърлар ёзди. "Едгорлик" (1935) шеърлар тўпламини нашр эттирди. Шунингдек, С.Айний "Инсоннинг сув учун кураши" (1940) номли поэма ёзди. Унда Тожикистон меҳнаткашларининг асов дарёларини жиловлаб, инсонга ҳизмат қилдириш сохасидаги фидокорона меҳнати акс эттирилган. Сув ва инсон муаммоси образли тарзда ёритилган.

Ватан уруши даврида Айний ижодида жанговар публицистик руҳ янада кучайди. У бу даврда ҳарбий мудофаа мавзусида "Қасос марши", "/алаба қўшиғи", "Қахрамон Ленинград" , "Хой Москва" каби шеърлар ёзиб, турли рўзномаларда 30 тача жанговар шеър эьлон қилди.

Урушдан кейинги даврда С.Айний Жаҳонда тинчлик учун кўраш, меҳнат, халқлар дўстлиги мавзуларида шеърлар ёзди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида гапиринг.
1.1.2. Шоирнинг тахаллуслари тўғрисида нималар биласиз?
1.1.3. Айний шеъриятида совет мафкурасининг таьсирига берилиш сезиладими?
1.1.4. Шоирнинг 30-йиллардаги шеъриятини таҳлил килинг.
1.1.5. Айнийнинг уруш йилларидаги шеърларига баҳо беринг.
2.1.1. Айнийнинг "Ёдгорлик " шеърий тўплами қачон нашр этилган?
а) 1940 йил.
б) 1920 йил.
с) 1925 йил.
д) 1935 йил.
е) 1933 йил.
2.1.2. Урушдан кейинги шеъриятида қандай мавзулар етакчи хусусиятга эга?
а) Муҳаббат мавзуси.
б) Тинчлик ва Муҳаббат мавзулари.
с) Совет мафкурасини танқид қилувчи шеърлар.
д) Тинчлик, меҳнат, халқлар дўстлиги мавзулари.
е) Адиб урушдан сўнг Фақат насрий асарлар ёзган.

2 - АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1.Адибнинг насрий асарлари.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Айнийнинг прозадаги ижоди билан талабаларни таништириш. Асарларида кўтарилган муаммоларини таҳлил килиш ва улардан ибратли хулосалар чикаришга даьват этиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Адибнинг насрий асарлари тўғрисида умумий маьлумот беради.

2.1.2. "Эски мактаб" повестини таҳлил қилади.

2.1.3. "Одина" повестида кутарилган муаммоларни шархлайди ва қаҳрамонларига тавсиф беради.

2- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

С.Айнийнинг ижодий фаолияти йирик проза асарлари яратиш сохасида, Айниқса самарали бўлган. У янги типдаги чинакам реалистик асарлар яратишда намуна кўрсатди. Мозийга кайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар. С.Айний "Бухоро жаллодлари", "Эски мактаб", "Одина", "Дохунда", "Судхўрнинг ўлими", "Етим", "Куллар", "Эсдаликлар" каби йирик асарларида ўтмиш мавзуига шунчаки мурожаат этибгина қолмасдан, балки уларда тарихийлик билан замонавийликни узвий равишда бадиий омухталаштирди. Садриддин Айнийнинг барча йирик прозаик асарларида Ўрта Осиё халқларининг муштарақлиги феодализм зулми, зиддиятлари, бу тўзумнинг инқирози, инқилбий ҳаракатлар, янги ҳаёт сари интилаётган меҳнаткаш омманинг оғир турмуши реалистик равишда акс эттирилди.

Адибнинг амирлик салтанатини фош этувчи "Бухоро жаллодлари" асари Ўрта Осиё халқлари янги давр адабиётида яратилган энг йирик ва биринчи реалистик проза намунасидир. Амирлик тузумининг бутун жабру жафосини чеккан адиб асарда унинг бутун иллатларини астар-аврасигача очиб ташлайди ва зулмат устидан ёруғликнинг, истибдод устидан адолатнинг тантана қилишига қатъий ишонади.Замонавийлик ёзувчига эски тузумнинг қабих жиҳатларини, қонли фожиаларини - амир жаллодларининг вахшиёна ҳаракатларини кескин фош қилишга кенг имкон беради. Унда ёзувчи воқеаларни ва қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини янгича адабий формаларда кўрсатишга интилади. "Одина" повести янги ишчи синфи ҳаётини илк бор акс эттирган асар ҳисобланади. Унда бош қаҳрамон-камбағал Одинанинг машаққатли ҳаёт йўлини, огир турмушини ҳам ,хоким синф вакилларининг золимликларини ҳам тасвирлайди.

"Қулбобо ёки икки озод"(1927)повести биринчи бор 1928 йили "Маориф ва ўқитувчи" журналида босилиб чиқди . Ёзувчи унда салкам бир асрлик тарихий даврни тасвирлайди . Воқеани хронолик тартибда босқичма –босқич кўрсатади. Асарда катта бир вокеалар муайян танлаб олинган ҳолда ёритилади. Бош қаҳрамон Раҳимдоднинг ҳаёти ва қисмати мураккаб кечади. У ёшлигида Абдураҳмон бойга сотилади, қуллик азобини бошдан кечиради ва ниҳоят қулликдан озод бўлади. Асарда тарихий воқеалар ва Раҳимдоднинг ҳаёти йўли реалистик асосда тасвирланади.

"Доҳунда "романида адиб Бухоро амирлари зулми остида эзилган, хору зорликда жафо чеккан бутун Ўрта Осиё меҳнаткашлари ,жумладан тожик ва ўзбек меҳнаткашларининг аянчли ва уқубатли ҳаётини ака-ука Бозор, Сафар ва Бозорнинг ўғли Ёдгор ҳамда камбагал киз Гулнор образида еркин тасвирлаб беради.

"Доҳунда" да мураккаб муносабатлар, кескин зиддиятлар кенг эпик план-
да тасвирланди. Бу романда зулмга қарши,янги ҳаёт учун ҳақиқий курашчи кахрамонлар образи гавдалантирилади. Асар мураккаб йўлни босиб утган ёзувчининг,умуман, тожик ва ўзбек адабиётининг катта ижодий ютуги бўлиб қолди.

" Қуллар" романи " Қулбобо ёки икки озод " қиссаси замирида юзага келди. Романнинг бош қаҳрамони меҳнаткаш омма ва унинг вакилларидир. Асар халқ тарихини, унинг ўз озодлиги йўлида олиб борган жанговор курашлари-ю, ғалаба нашидаларини акс эттиради.Асар турли шароитда яшаган уч авлод вакиллари образини кенг ҳаётий лавхалар ёрдамида яккол гавдалантиради.

С.Айнийнинг ижодида сатира алоҳида ўрин тутади. Адибнинг "Судхурнинг ўлими" ёки халқ орасида " Қори Ишкамба" номи билан машхур бўлган мазкур повести Жаҳон адабиётида пулнинг ҳокимлиги ва унинг зарарли таъсирига багишлаб ёзилган сатирик асарлар ичида ўзига хос муносиб ўринлардан бирини эгаллайди.

Повестда 1895-1917- йиллардаги воқеалар тасвирланади ва сатирик кахрамоннинг кай йусинда пул жамгариши ва йирик судхўр даражасига кутарилиши жараёни хронологик тартибда босқичма-босқич кўрсатилади.

Санъаткор асарнинг дастлабки сахифаларидаёк Қори Ишкамбанинг бутун кирдикорларини ишонарли тарзда чизишга киришади. Қори Икшамба ўз тарихи, такдири, психологияси,тили,услуби,савияси,портрети,хатти-ҳаракатларига эга. У утакетган даражада хасис,зикна,ҳаромхур ва айер шахс. Унинг ягона мақсади-текинхўрлик ва халқни вахшийларча талаш оркали бойлик орттириш. Унинг бойлик орттиришдаги сарчашмалари беқиёс бўлиб, ҳар қандай номус-ордан воз кечувчи, макр ва хийлага уста , улгудек сук. Қори Ишкамба судхўрлик йўли билан йирик банкер, катта миллионер даражасига кутарилади.Унинг катта сармояга эга бўлиши билан ташвишлари ҳам ортади, талвасага тушишлари кучаяди. Адиб шунга мувофиқ унинг оғир ва мураккаб психологик кечинмаларини ёркин бадиий тасвир воситалари ёрдамида очади. Нихоят Ишкамбанинг таназзулини ҳеч
қандай шак-шубхаларга урин қолдирмайдиган даражада ишонарли кўрсатади.

С.Айний ярим асрлик ижодий тажрибасидан сунг мемуар ҳарактердаги турт китобдан иборат "Эсдаликлар" (1949-1954) асарини яратди. Ёзувчи асарни яратишда миллий ҳамда Жаҳон адабиётидаги анъаналарга суянди. "Мен ўз умримда, -дейди муаллиф,- кўплаб китоб ёздим, буларнинг ҳаммаси бир мавзуга багишланган бўлиб, ўз ҳаётим материаллари асосида юзага келган ". Асар марказида биричи навбатда илмга чанкок, хур фикрли ,ҳаёт кучогига отилган бола - Садриддин образи туради. Асардаги хикоя ва новеллалар эса муаллифнинг бошқа кўпгина асарларида кўтарилган масалаларни янада чуқурроқ тушунишга, мағзини чақишга ёрдам беради.

С.Айний ижодий меросининг каттагина кисмини унинг тожик ва ўзбек халклари маданияти ва адабиёти тарихини ўрганишга багишланган илмий ва илмий-оммабоп асарлари ташкил этади. Олимнинг Рўдакий, Фирдавсий, Саъдий, Хофиз, Бедил, Комил Хужандий, Навоий, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий ишлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, С.Айний хозирги замон тожик ва ўзбек адабиётининг шаклланишига, ўсишига катта хисса қўшди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Айнийнинг прозадаги ижоди хусусида нималар биласиз?
2.1.2. Насрий асарларида ҳаёт хақиқатининг акс этишини изохланг.
2.1.3. "Эски мактаб" асаридаги қахрамонларга тавсиф беринг.
2.1.4. "Эски мактаб " повестида совет мафкурасининг таьсири сеиладими?
2.1.5. "Одина " асарининг бош каҳрамонларига тавсиф беринг.
2.1.6. Асар каҳрамони Арбоб Камолда ҳам ижобий хусусиятлар борми, ёки?..
3.1.1. Адибнинг қиссаларини белгиланг?
а) "Одина" , "Куллар".
б) "Эски мактаб", "Дохунда".
с) "Қуллар", "Етим".
д) "Судхўрнинг ўлими", "Эски мактаб".
е) "Етим", "Дохунда".

АДАБИЁТЛАР:

1. С.Айний. Танланган асарлар. Тошкент - 1978 йил.
2. С.Айний. Эски мактаб. Тошкент - йил.

МАВЗУ: ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Халқ оғзаки ижоди.
2. Қозоқ ёзма адабиёти.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Эртаклар, қўшиқлар, достонлар, қозоқ шеърияти, прозанинг шаклланиши, таржимачилик.

1- АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. Халқ оғзаки ижоди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Қозоқ халқ оғзаки ижоди ва жанрлари хусусида талабаларда тушунча хосил қилиш. Халқ оғзаки ижодида яратилган ижобий қаҳрамонлардан ўрнак олишга даьват қилиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Қозоқ халқи ва унинг адабиёти тўғрисида гапиради.
1.1.2. Халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таьсирини изохлайди.
1.1.3. Халқ оғзаки ижоди жанрлари ҳақида гапириб, уларнинг тараққий этишини таҳлил қилади.

1- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Кучманчи чорвачилик шароитида яшаб келган қозоқларда ёзма адабиёт анча кеч шаклланди.

X1X асргача қозоқ адабиёти асосан халқ оғзаки ижоди асарларидан ибо-
рат эди. Бой ва хилма хил жанрларни ўз ичига олган қозоқ фольклори узоқ даврлар мобайнида меҳнаткаш оммага ажралмас руҳий йўлдош бўлиб унга маънавий озиқ бериб келди.Фольклор асарларнинг яратувчиси меҳнаткаш халқдир. Шунинг учун уларда адолат ва хақсизлик, яхшилик ва ёмонлик,бойлик билан камбағаллик ўртасидаги зиддият ҳар доим халқ манфаати фойдасига хал бўлади.

Қозоқ фольклорида кахрамонлик достонлари алохида урин тутади. "Қўбланди ботир", "Қамбар ботир", "Эр Тарғин" достонларида қаҳрамонлик, дустлик, ватанга мехр-Муҳаббат ғоялари романтик тарзда акс эттирилган.

Қозоқ халқи орасида "Қизжибек", "Қўзи Кўрпеш ва Баян сулув", "Сулувшаш" сингари ишкий-лирик достонлар ҳам жуда кўп.Бу достонда пок севги тараннум этилиб,ҳаётнинг жирканч томонлари очиб ташланади,эски удумлар фош килинади.

XV111-X1X асрларда қозоқ халқ оғзаки ижодида достончилик Айниқса ривожланди. Анъанавий халқ кахрамонлик достонини куйлаш билан бирга ўзлари ҳам оргинал достонлар яратадиган кўплаб окинлар,жировлар етишиб чикдилар. Буларга мисол қилиб Нисанбой, Дусхўжа, Маҳанбет Утешов ва Холибой Мамбетовларни кўрсатиш мумкин.Бу оқинлар ва жировлар ўзлари ҳаёт кечирган мухитдаги ижтимоий вокеалар ҳақида достонлар тукиб куйлаганлар.

қозоқларда халқ кахрамонлик достони ижро этувчи окинлар ўртасидаги тёз-тёз айтишувлар,яъни ижодий мусобакалар бўлиб турган.

Зўр ижрочилик махорати ва илгор дунёқараши билан шуҳрат қозонган окинлардан бири Жамбул Жабаев (1846-1945)эди.У Жамбул тоғи этакларида камбағал оилада дунёга келади. Ёшликдан поэзияга кизиққан, қўшиқлар туқиган. Жамбул анча мураккаб ижодий йўлни

босиб ўтди. Унинг ўланларида халқ ҳаётини куйлаш, хақиқат учун курашиш иштиёқи кучайди. Халқ аҳволини тўғри акс эттирувчи "Камбагалнинг шўри" шеъри, юқори табақа вакилларини хажв қилувчи "Шалтабойга", "Мирзабек бўлисиининг бошлиғига","Қодирбойнинг ити" номли асари Жамбулнинг шуҳратини бутун қозоқ чўлига ёйди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Қозоқ халқ оғзаки ижоди хусусида гапиринг.
1.1.2. Қозоқ халқ кахрамонлик достонлари тўғрисида нималар биласиз?
1.1.3. Ишкий лирик достонларда қандай ғоялар ифодаланган?
1.1.4. Нима учун XVIII - XIX асрларда қозоқ халқ оғзаки ижодида достончилик кенг тараққий этди?
1.1.5. Жамбул Жабаев ижодининг қозоқ халқ оғзаки ижодида тутган ўрнини аниқланг.
1.2.1. Каҳрамонлик достонларини аниқланг.
а) "Сулувшаш", "Эр Тарғин".
б) "Қамбагалнинг шури", "Қамбар ботир".
с) "Қизжибек", "Кодирбойнинг ити".
д) "Қамбар ботир", "Қубланди ботир".
е) "Қўзи Кўрпеш ва Баян сулув",
1.2.2. Ишқий лирик достонларни белгиланг.
а) "Қизжибек", "Сулувшаш".
б) "Қамбар ботир", "Эр Тарғин".
с) "Сулувшаш", "Эр тарғин".
д) "Кизжибек", "Кубланди ботир".
е) "Камбагалнинг шўри", "Сулувшаш".

2- АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Қозоқ ёзма адабиёти

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Қозоқ ёзма адабиётининг шаклланишида халқ оғзаки ижодининг роли ва ёзма адабиёт вужудга келган давр тўғрисида маьлумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Ёзма адабиётнинг шаклланиш йўлларини тушунтиради.
2.1.2. Халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга бўлган таьсирини изоҳлайди.
2.1.3. Қозоқ ёзма адабиётининг дастлабки вакиллари ижодини таҳлил қилади.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Қозоқ халқ оғзаки ижодидаги илғор оким X1X аср бошларида шаклланган ёзма адабиёт учун замин бўлди. Ёзма адабиётнинг шаклланиш жараёни Қозоғистон ҳудудининг Россия томонидан босиб олиниши даврига тўғри келди.

Шу туфайли қозоқ классик адабиёти ривожига рус адабиёти ва маданиятининг таъсири катта бўлди.

Қозоқ классик адабиётининг асосчилари Чўхон Валихонов, Ибрай Олтинсарин ва Абай Қўнанбоев қозоқ ва рус адабиётлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг тарғиботчилари сифатида майдонга чиқди. Уларнинг ижоди X1X аср қозоқ адабиётида янги воқеа эди.Замон бу ёзувчиларнинг ижоди туфайли қозоқ классик адабиёти юқори поғонага кўтарилди.

Қозоқ совет адабиёти Октябр тунтаришининг самараси сифатида туғилди. Бу адабиётнинг илк босқичида Испандиёр Кубеев, Султон Маҳмуд Турайгиров, Собит Дунонтоев, Иляс Жонсугуров, Сакен Сейфулленларнинг хизмати катта.

Адабиётда проза, поэзия ва драмтургия жанрларини тараққий эттиришга ўз ижодлари билан улкан хисса кушган қозоқ ёзувчиларидан М.Авезов, С. Муқонов, Г.Мусрепов, Г. Мустафин, Т.Жаронов, А. Тожибоев, Г.Ўрмоновларнинг номи Қозоқистондагина эмас чет элларда ҳам маьлум.

Қозоқ совет адабиёти тарихининг бошланғич босқичида халқ оқинлари аньаналари таьсирида вояга етган қозоқ совет шоирлари ўз асарларида революция ғалабасини совет кишиларининг саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий кўрилиш сохаларида фаолиятларидаги муваффаққиятини акс эттирдилар. 30-40 йилларга келиб қозоқ совет поэмачилиги олға қараб катта кадам ташлади. С. Муқоновнинг "Оқ айиқ", " Совет Армияси ҳақида қўшиқ", "Қозоқ овулиниг бир куни", Т. Жароновнинг "Йўлда ўрмон шовуллайди", "Пулат қуювчи" А. Тожибоевнинг
"Жамбул", "Болалик", " Қурмон қози" достонлари саноат, қишлоқ хужалиги, халқ маорифи, маданиятини ўстириш бобида тер тўккан халқ меҳнаткашлари онгида юз бераетган ўзгаришларни кўрсатишга багишланди. "Пўлат қуювчи" достонидаги Олтинбой Дорибоев, "Чўлда урмон шовуллайди" достонидаги Сармон бобо, Майри меҳнат қилаётган кишиларнинг умумлашма образидир.

Улуғ ватан уруши йилларидаги қозоқ поэзияси ўзининг кўтаринки жанговарлик руҳи билан ажралиб туради. Бу даврда адабиётга кириб келган Қосим Омонжолов, Холижон Бекхожин, Сирбой Мавленов, Жумағали Саин каби ёшлар кекса авлод ёзувчилари билан бир сафда туриб, собиғ совет халқининг немис фашистлари устидан галабасини, жангчиларнинг кахрамонликларини куйладилар.

Урушдан сунг поэзия адабиётнинг умумий тараққиётидан колмаган холда проза жанри етакчи мавкени эгаллади. И. Кубеев, М.Авезов, С.Муқонов, /.Мусрепов, /. Мустафинларнинг романлари қозоқ халқи босиб ўтган тарихий йўл эпик режада гавдалантирилди.

Қозоқ совет прозаси тараққиётида М.Авезов ва С. Муқоновлар қатори /.Мусрепов ва /. Мустафинларнинг ҳам самарали улуши бор.

/абиден Мустафиннинг биринчи йирик асари - "Ҳаёт ва мамот" автобиографик хусусиятга эга. Асар қайта ишланиб, 1947 йил "Қарағанда" номи остида босилиб чиқди. Унда муаллиф қозоқ ишчилари синфининг туғилиши ва ривожланиш мавзуини ёритади. Қарағанда кўмир конларига ишлаш учун келган кўчманчи қозоқлар асарнинг асосий каҳрамонларидир.

Кумир конларидаги ҳаёт қозоқлар тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Шу нуқтаи назардан романдаги кекса Жумабой ёш йигит Жонабил, партия ходими Майрам, кўчманчи Бокай, ишчи Ермакларнинг хаққоний чизилган образлари аҳамиятлидир.

Г.Мустафин "Миллионер" романида эса армиядан бўшаб келган офицер Жомард билан бир вактлар қишлоқларни коллективлаштиришда фаол қатнашган, аммо кейинчалик турмуш ортида қолган раис Жакип ўртасидаги конфликтни акс эттириш оркали тараққиётга тўсқинлик қилаётган эскилик билан янгилик ўртасидаги курашнинг моҳиятини тугри очиб берди.

/.Мусрепов ҳам йирик прозаикдир. Унинг "Қозоқ солдати" ва "Уйғонган ўлка" сингари ғоявий- бадиий етук асарлари урушдан кейинги давр қозоқ прозасига муносиб хисса бўлиб қўшилди.

"Уйғонган ўлка" романи ҳам қозоқ ишчилари синфининг шаклланиш жараёнини кўрсатишга багишланган. Романда ҳикоя қилинишича, камбагал йигит Бойжон тасодифан тошкумир кони бор жойни топади. Бу ерга Жуман сингари бойлар ҳамда Игилик каби капиталистлар епирилиб кела бошлайдилар. Шахта ва конлардаги елланма ишчиларнинг аҳволи огирлашиб боради.қозоқ ва рус ишчиларининг дустлиги, ҳамкорлиги революцион ҳаракатнинг кучайишига замин хозирлайди. Асарда Бойжон Сандиюой, Сайит, Жабай,

овчи Алшагир, пахлавон Буланбой, Инжнер Ушаловларнинг образлари эсда коладиган даражада ёрқин чизилган.

М. Авезов ва С.Сейфуллинларнинг "Энглик Кебек", "Қизил бургутлар" пьесаси билан бошланган қозоқ драматургияси утган давр мобайнида ажойиб сахна асарлари билан бойиди. Ишкий- кахрамон достонлари сюжети асосида ёзилган "Киз жибек"," Кўзи кўрпеш ва Баян сулув" (Г. Мусрепов), "Жумарт гилами"(А. Тожибоев), "Биржан ва Сара"(Жумалиев) пьесалари, тарихий -биографик характердаги "Абай","Тунги гулдирос"(М. Авёзов"),"Омонгелди"(Г.Мусрепов), драмалари, замонавий мавзуларни еритувчи "Чегарада","Номус гардияси", " Яланғоч қилич"(М.Авезов),"Ёлғиз дарахт ўрмон эмас","Майра" (А.Тожибоев) пьесалари шундай асарлардир.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Қозоқ ёзма адабиёти кайси даврдан шаклана бошлади?

2.1.2. Ёзма адабиётнинг дастлабки вакиллари ижодида қандай ғоялар етакчи хусусиятга эга?

2.1.3. Совет ҳокимияти давридаги қозоқ адабиётига бахо беринг.

2.1.4. Қозоқ шеърияти хусусида нималар дея оласиз?

2.1.5. Қозоқ прозаси тугрисидачи?

2.1.6. Қозоқ драматургияси качон шаклланган?

2.2.1./абиден Мустафиннинг "Карағанда" асари дастлаб қандай номланган?

а) "Миллионер"
б) "Уйгонган улка"
с) "Ҳаёт ва мамот"
д) "Энглик - Кебек"
е) "Кизил бургутлар"

2.2.2. Г.Мусреповнинг "Уйғонган ўлка" романида ...

а) ишчилар синфининг шаклланиш жараёни кўрсатилган.
б) Муҳаббат мавзуси тасвирланган.
с) халқлар дўстлиги мавзуси акс этган.
д) ўтмиш муаммолари ёритилган.
е) Абайнинг ҳаёти ва қозоқ адабиётидаги ўрни тасвирланган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абай Кунонбоев. Ўланлар. Тошкент - 1954 йил.
2. М.Авёзов. Қараш-қараш. Тошкент 1962 йил.
3. Г. Мусрепов. "Қирон қуш қўшиғи". Тошкент - 1970 йил.

МАВЗУ: АБАЙ

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Шоир шеърияти.
2. Шоирнинг достонлари.
3. Абай прозаси.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Абай ва рус маданияти, Абай ва Кунонбой, шеърияти, таржимачилик фаолияти, достонлари, прозаси.

1 - АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. Шоир шеърияти.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Шоирнинг ҳаёти, илм ўрганиши ва шеърияти хусусида талабаларга маълумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Абай туғилган ва вояга етган оила тугрисида сўзлайди.
1.1.2. Абай дунёкарашига туртки бўлган хусусиятларни изохлайди.
1.1.3. Абай шеърларини таҳлил қилади.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Буюк қозоқ шоири Иброҳим Қўнонбой ўғли Абай 1845 йил 10 августда Семипалатинск уьездидаги Чингизтов районида кучиб юрувчи Тубикти Уруғидан бўлган бадавлат чорвадор,машҳур бой Оғасултон Қунонбой оиласида дунёга келди. У бошлангич маьлумотни қишлогида олди.10 ёшидан бошлаб Семипалатинск шаҳридаги Аҳмад Розия мадрасасида ўқиди. Бироқ Абайни ўзига ворис қилиб қолдирмоқчи бўлган Қўнонбой ўғли 13 ёшга тўлгач, Абайни ўқишдан чиқариб олиб овулга келади,ҳамда уни қозоқ чулларини бошқаришнинг маьмурий масалаларига қозоқ бойлари ўртасида авж олиб кетган феодал низоларга торта бошлайди.Абай отасининг турли ТОПШИРИҚЛАРИ бўйича қўшни ўруғларга қатнаб, ўзаро низоларни бартараф этиш жараёнида мавжуд феодал-уруғчилик тартибларининг номаькуллигини, адолатсизлигини, меҳнаткаш халқ, бир томондан, подшо маьмурияти иккинчи томондан,маҳаллий феодаллар,бинобарин Абайнинг ўз отаси Қўнонбой ва унинг одамлари зулми остида оғир жабр-ситамларга дучор этилаетганини кўрди.16 ёшга тўлганида эса,бўлажак шоир феодал урф-одат нобоплигини бевосита ўз елкасида синаб кўрди. Қозоқ урф-одатларига риоя килган Қўнонбой Абайга у севмаган қизни мажбурлаб олиб беради.Ёш Абай ўз оиласи мисолидаек хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги хукуксизлигини кўради.Ўша давр одати буйича кўп хотинлик оила бўлган,бинобарин,худди шу туфайли юзага келувчи ички низолардан холи булмаган хонадонда вояга етган Абай Дунеқарашида демократик кайфиятлар жуда эрта уйғона бошлади. Отасининг юмушлари, ёхуд ўз ишлари билан Семипалатинскка борган пайтларида Абай у ерга сургун килинган рус революционерлари Леонтев,Михоэлис, Гросс, Долгополовлар билан танишди.

Ёшликдан қозоқ халқ оғзаки ижоди,қозоқ ва бошқа халқлар ёзма адабиёти билан танишади.Бўлажак шоир ўзбек,озарбайжон,форс-тожик, ҳинд классик адабиёти асарларини ўрганган.Хали йигит пайтидаёқ ёзган бир шеърида(1858)у:

Фўзулий,Шамсий,Сайқалий,
Навоий,Саьдий,Фирдавсий
Хужа Хофиз - бу ҳаммангиз,
Мадад беринг қилмай осий.

Абай рус революционерлари кўмагида классик рус адабиёти асарлари билан демократлар ижоди билан таниша бошлайди. Рус тилини яхши ўрганишга киришади. Гарбий Европа фалсафаси билан ҳам қизиққан. У Айникса, Гёте, Байрон, Аристотель, Суқрот, Дарвин асарлари билан танишади.Гёте ва Байрон асарларини қозоқ тилига таржима қилади.

Абай рус классикларидан Пушкин, Лермонтов, Крилов, Салтиков-Шчедрин ижодига хурмат билан каради. Абайнинг фикрлаш доираси нақадар кенглиги тугрисида бир кизикарли далил бор.Америкалик бир саёхатчи журналист Жорж Кеннон бундай дейди: "Мен бу ердаги кутубхонада бир билимдон олим-Қўнонбой ўғли Иброҳимни биламан.У китобни ғоят севади,жуда маълумотли. Ишонасизларми у мен билан учрашганида мендан индукция билан дедукцияни суради.Мен жуда хайрон бўлдим"

Ана шу тариқа буюк маьрифатпарвар ва ўз халқининг бахт-саодати учун тинмай курашган инсон ҳарактери шакллана борди. Тез орада Абай бепаён қозоқ чўллари бўйлаб машхур шоир ва жамоат арбоби сифатида танилади.Социал қарама-қаршиликлар Қўнонбой

оиласида ҳам кескинлаша боради.Нихоят,Абай катта акаси ва отаси билан алоқани узишга мажбур бўлади.

Феодал-патриархал ҳаёт ва ижтимоий тенгсизлик, халқнинг бахтсизликлари Абайнинг поэтик ижоди,достонларида,прозасида ўзининг ёркин ифодасини топди. Абай жуда ёшлигидан шеърлар тўқий бошлади.Абай ижоди,Дунеқараши чуқур халқчиллик, ватанпарварлик, гуманизм билан туладир.Кенг халқ оммаси Абайга чексиз ишонар эди.

Бийлар судида Абай ҳар доим адолат томонини олар, қозоқ камбағаллари манфаатини ҳимоя қилар эди. Унга зўр шуҳрат келтирган сабаблардан бири ҳам шунда.Қозоқ реалистик адабиётининг асосчиси сифатида Абай ижоди жанр нуқтаи назаридан хилма-хилдир.У жуда кўплаб лирик шеърлар ,поэмалар,прозаик асарлар яратган.Абай ижодининг учта асосий манбаи бор.Булар қозоқ фольклори,шарк адабиёти ҳамда рус классик демократик адабиётидир.

Абай дунёқарашининг ривожланишида Пушкин ва Лермонтовларнинг таьсири катта бўлди.Ўтган асрнинг 80-90 йилларида ёзилган "Баҳор","Куз" шеьрлари Айниқса диққатга сазовордир.Бу шеьрларда Абай реализмининг эволюциясини кўзатамиз. "Кўз","Ёз кетти,қишнинг боши"шеьрларида автор қозоқ халқининг турмуш лавхалари ни хаққоний акс эттиради.

Бировлар- пўстин тикар,териси мўл,
Бировлар-жулдур чакмон,кезади чўл,
Бий учун кигиз босар гала чўри
Бировлар куни учун олади йўл.

Кунгилсиз қора совуқ қирда юрсанг,
Биров келиб қарамас ёлгиз ўлсанг.
Гудаклар оч инграшар кампир ҳам чол,
Итлар ҳам оч инграшар қайда кўрсанг.

Ёки:

Гадой шурлик юради пода боқиб,
Ўтини йўқ илинса олов ёқиб.
Хотин урчуқ ,йигирар,юнг савалаб,
Чакмон тикар совуқда елка қоқиб.
Жулдур утов ичида мўзлар гўдак,
На қуюқ,на суюғи...бўзлар гўдак
Чурук кигиз остида титрар бобо,
Тушида гўшт кирганин сўйлар гўдак.

Бу мисраларда ейишга парча нон топа олмаган, жабр-зулм туфайли йўқчилик, қашшоқлик, очлик, ўпқонига улоқтирилган ғариб ва мискинларнинг реалистик тасвири берилаетир.Шоир ҳаётда мавжуд бўлган тенгсизликни,бой боласи билан карол боласини киес эттириш оркали тубандагича фош этади:

Бўронда тўнгмайди бой боласи,
Ўтов иссиқ кигизни айланаси.
Қарол ўғли бош эгар хизматида
Писанд этмас кўз ёши,оҳ ноласи.
Қароли оч қолса не,бой ўзи тўқ,
Меҳнат билмас хақ бермас кўзлари лўқ.
Ёш бола,кампир чолни тентирамай,
Ҳеч бўлмаса бир қиш боқ,инсофи йўқ.

Эзилган,хақ-ҳуқуқсиз меҳнаткаш халқ тўғрисида шу қадар қайғуриб, шеьр битган, унга чин юракдан ачинган шоирни кайси бир бой ёқтириши мумкин, ахир унинг шеърлари ҳар доим халқ тўғрисидаги чуқур ўй билан тўла.Халқ манфаатини куйлаш, халқнинг орзу-истакларини ифодалаш,унинг ғам-кулфатларига шерик бўлиш Абай ижодидаги бош

ғоядир.Шоир қозоқ халқи бошига тушаётган кўргуликларни жохилликдан деб билади ва шунинг учун ҳам ўз асарларида маърифатпарлик ғояларини илгари суради.

Абай асарлари орасида сатирик шеърлар ҳам анчагина ўринни эгаллайди. Бундай шеърларда феодал қозоқлар орасидаги тортишув фош килинади. Бой ва амалдорларнинг бўзукликлари, ахлоки, шунингдек, халққа наф келтирмайдиган текинхўр шахслар қораланади. Шунинг учун Абайнинг бутун поэзияси теран инсонпарварлик руҳи билан суғорилган.

Эрк бердим сайловга дейди ўрис,
Кимники сайласанг, дерман дуруст.
Бузилса бузилди, тўзалмади,
У тўра бўлгач ҳам бизнинг улус.
Жуда кўп ҳароми эп кўрганлар,
Гапирса юзини чирт бурганлар.
Борлиқни астойдил рози бўлиб,
Худонинг берганин деб юрганлар.
Отаси ўғлидан ор қилади,
Огаси инисин хор қилади.
Бирови мол учун виждон сотиб,
Ёпирай, йўқ ердан бор қилади.
Меҳр йўқ,қўним йўқ, бари чигал,
Бир-бирин кўролмас бағир-жигар.
Эл тўзгиб низодан,соб бўлдику
Жон деб нени яратдинг,парвардигор?

Абай реализми умуман танқидий реализмдир.Турмушдаги барча социал тенгсизликни нодонликда деб билган шоир тинмай ўқиди.Семипалатинскка келган пайтларида ўз хомийлиги остида ўқиётган болаларнинг аҳволидан хабар олади. Уларга бағишлаб панд-насихат руҳидаги шеърлар ёзади.Бу шеърларнинг асосий мазмуни илм-фаннинг фойдалари ҳақида, яхши инсоний фазилатлар хусусида бўлар эди. Ана шу тарика қозоқ классик адабиётида миллий шеърий шақл, тулгов шакли ривожланди.

Абай ижодида хотин-қизларнинг ўрни масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шоирнинг " Ярқироқ оқ кумушдай","Йигитлар, уйин арзон" "Йиғлама Магеш», «Азизим" шеърлари бунга мисол була олади. Бу шеърларда ернинг гўзаллиги, чинакам инсоний севги муҳаббатда тенглик ва ихтиёрийлик ғоялари олға сурилади.

Оқ манглай, қалин соч,
Соч деган бир қулоч.
Оқ томок, қизил юз,
Қарогим, юзинг оч.
Сенсан-жон лаззати,
Кўрк-тангри давлати.
Сулувни севмоклиқ-
Пайғамбар суннати.

Шоир иккинчи бир шеърида мана бундай дейди:

Чин юракдан севса экан,кимки севса,
Ўз сўзида турса экан,ёнса,куйса.
Бир хил нозик,ипак каби бўз болалар,
Арзон буёк каби айнир бир нам текса.
Хотининг сени суйса, сен уни суй,
Бирга ёниб, бирга шодлан,бир ўтда куй.
Эр ақлли, хотини-чи доно,лобар,
Тотув бўлиб яшаса,гуллайди уй.
Безанган,моли кўп деб бойдан олма,
Йўқсил қизи арзон деб ҳеч хўрлама.

Ори бор,ақли бор,номуси бор,
Ота- она қизидан ғофил қолма.

Абай прозаик асарларида ҳам, достонларида ҳам адолат, ҳақиқат,жабр-зулмга қарши норозилик,демократик кўрашларни илгари суради.

Шоир "Ўлан" шеьрида қуйидагича ёзган эди:

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,
Ўткан - кетган гапларни термак учун.
Мен ўланнини ёзаман тушунганга,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.

Абай даставвал истеьдодли лирик шоирдир. Шоир содда халқ қўшиқларига ҳамоханг, пишиқ мисраларда чуқур ижтимоий масалаларни бера олади, сержило табиат манзараларини яратади.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Абай яшаган даврдаги тарихий шароит тўғрисида маьлумот беринг.
1.1.2. Абай дунёкарашининг ўзгариши учун туртки бўлган омилларни изоҳланг.
1.1.3. Шоир шеьриятининг ўзига хослиги сифатида нимани кўрсатиш мумкин?
1.1.4. Шоир шеьрларида маьрифатпарварлик ғоялари қандай акс этган?
1.1.5. Шоир шеьрларида ҳаёт хақиқатининг акс этиши ҳақида нималар дея оласиз?
1.1.6. "Куз" шеьрида қандай ғоялар ифодаланган?
1.1.7. "Ўлан " шеьрини таҳлил қилинг.
1.1.8. Абайнинг таржимонлик фаолиятини баҳоланг.
1.2.1. "Ярқироқ оқ кумушдай", "Йигитлар, уйин арзон", "Йиғлама Магиш, азизим" шеьрлари қандай мавзуда яратилган?

а) Русларга нафрат мавзусида
б) Дўстлик мавзусида
с) Маьрифатпарварлик мавзусида.
д) Адолатни тантана килиши.
е) Хотин - қизлар мавзуси.

2- АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Шоирнинг достонлари.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Абайнинг достонлари ҳақида маьлумот бериш ва уларни таҳлил қилиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Абай достонлари тўғрисида умумий маьлумот беради.
1.1.2. "Масьуд" номли достонини таҳлил қилади.
1.1.3. "Искандар" дотонида кўтарилган муаммоларни тушунтиради.

2- АССОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Абайдан бизгача "Масьуд", "Искандар", "Азим киссаси" ("Минг бир кеча" дан), "Вадим" достонлари, "Ақлия" ("Насихатлари") номли прозаик асар етиб, келди. Шулардан "Азим қиссаси" ва "Вадим" тугалланмай колган.

"Масьуд" - киссаси сюжетли вокеа тугунига, ривожига, кульминацияси ва ечимига эга бўлган поэма. Унинг мазмуни куйидагича.

Халифа Хорунаррашид замонида Богдодда Масьуд исмли бир йигит бор эди. Кунлардан бир кун Масьуд шаҳар ташқарисига бир иш билан борганида бир чолни угри тунаб етгани устидан чиқиб колади. Чолнинг фарёдига рахми келган йигит угрига ташланади.Ўғри Масьудга қилич билан ҳамла қилади, лекин Масьуд чап беради ва ўғри қочишга мажбур бўлади. Чол Масьудхоннинг яхшилигига яхшилик қилмокчи бўлиб, эртага фалон ерга келишини сурайди. Эрталаб учрашганларида чол Масьудни бир уйга бошлаб киради. Уйда бир гул бўлиб, унда бир сариқ, бир қизил, бири оқ, учта мева ғарқ пишиб турган эмиш Мусафид Масьудга шу мевадан бирини танлаб ейишини сўраб:

Оқини есанг - ақлинг жондан ошар,
Сариғини есанг-давлатинг сувдай тошар
Агар қизил мевани олиб есанг,
Хотин -қизда жон бўлмас сендан қочар, - дейди.

Масьуд уйланиб туради -да, кизил мевани ейишга бел боғладим, дейди. Чол сабабини сўраганда, йигит "Меҳнатсиз мол сўраш - тиланчилик", "элдан ортикроқ ақлли бўлиб нима қилдим", деган фикрларни айтади -да , қарорини бундай даллилайди:

Кизилини есам мени аёл суяр,
Эгри йўлга юрмаса, не жон куяр,
Аёл -киз ҳам кўп жон-ку, дўстим бўлса,
Деб эдим бир фойдасиз менга тияр.
Эркакнинг эркак одам бўлса қасди,
Хотин, ана қизи йўқ кимнинг боши?
Хон қахр, қора киши қасдлик қилса,
Шунда аёл бўлмасми арачачи?
Аслда одам боши соғ бўларми?
Уйида текширилмас дов бўларми?
Эри аччиқ айтса, хотин босиқ айтиб
Ўтирса, бурунгидай ёв буларми?

Кўринадики, поэмада Масьуд ижобий каҳрамон, ақлли - фаросатли, хотин-қизларга муносабат масаласида илғор фикрли киши. Зеро шоир аёл - эркакнинг тенгликка асосланган дўстлигини тарғиб этмоқда. Демак, жамиятнинг тенг ярмини ташкил этувчи аёлларнинг ижтимоий ҳаётда ҳам улкан ўрни борлиги ва бўлиши кераклигини таькидламокда. Шоир аёлларнинг Фақат оиладаги эмас, балки жамиятдаги ролига ҳам юқори баҳо бермоқда.

Искандар - жаҳон адабиётининг кўҳна мавзуларидан бўлиб, машхур саркарда Александр Македонский эканлиги маьлум. /арбу Шарқнинг талай қаламкашлари Искандар ҳақида кўплаб қиссалар, романлар, достонлар яратганлар. Бироқ ҳар бир автор Искандар образига турлича ёндошиб, турлича талқин қилди. Абай ҳам Искандар образига ўзича муносабатда бўлди.

Александр ҳақида ўз замонида ҳам, ўзидан кейин ҳам кўп ёзилган. Эски грек, лотин тилларида ёзилган қисса, роман, поэмалар ўрта аср авторларига негиз бўлди: Франция, Англия, Германия, Испания, Италияда Александр тўғрисида кўп сонли романлар вужудга келди. Шу мавзуда ўрта асрлар Шарқида пайдо бўлган энг муҳим асарлар Фирдавсий "Шоҳнома"си, Низомий "Искандарнома"си, Навоийнинг "Садди Искандарий" сидир. Хуллас, Искандар дунё адабиётидан кенг ўрин олган адабий қаҳрамонлардан бири.

Абай Искандар ҳақида бой адабиёт билан танишганлиги шубхасиз. У тарихий асарларни ҳам яхши билган.

Маълумки, Александрни Фирдавсий Доро II нинг ўғли, Эроннинг машхур подшоларидан бири, атокли лашкарбоши сифатида, Низомий - лашкарбоши, одил подшо, философ ҳамда пайғамбар - сифатида, Алишер Навоий адолатли ва маьрифатпарвар, идеал подшо тарзида тасвирладилар. Уларнинг ҳар бири Искандар образига ўз ижтимоий - сиёсий, адабий эстетик идеалларидан, ўз даврининг талаб ва эхтиёжларидан келиб чикиб ёндошдилар.

Абай бу мавзуга Шарқ классикларидан бошқача муносабатда бўлди. Аввало у Искандарга гуноҳсиз элларни куч билан босиб олувчи қонхўр подшо деб қаради ва шундай гавдалантирди. Иккинчидан, Абай Искандарга тарихий нуқтаи назардан қаради.

Абай поэмасида ҳам адолат, донишмандлик, ёвузликлар ҳақида сўз боради. Бирок бундаги адолат ва донишмандлик Искандарда эмас, Аристотель образида мужассамлашган. Поэмада икки образ бор. Бири - Искандар, иккинчиси - Аристотель. Асар хажмининг чоғлилига қарамай, ҳар иккала образ бадиий етук ишланган. Автор буларнинг бирини конхур, ёвуз одамларнинг вакили қилиб, иккинчисини, адолатсизликларга ғазаб билан караган оқил кишиларнинг вакили қилиб кўрсатади. Бошқа шоирларда тасвирланган одиллик, донолик Абай Искандарида йук.

/аразгуй, қизгончиқ, очкўз, қора юракли, қонхўр, бесабр Искандарга донишманд олим Аристотель қарама -қарши қўйилади. Поэманинг мазмунига кўра, Македонский Филипп ўлиб, 21 яшар ўғли Искандар тахтга чиқади. Очкўз ва мағрур, шафқат ва адолатни нималигини билмайдиган Искандар зулм - зўрлик билан ер юзини эгаллайди. Охири дунёнининг энг чеккасида бир олтин касрга етади. Бироқ ер юзини титратган жаҳонгирга олтин қаср дарвозасини очмайдилар. Искандарнинг қаҳри келиб, дарвозини очишни талаб қилади. ғойибдан "Ижозат йўқ, -бу- тангри эшигидир" деган нидо келади. Ер юзини енгган Искандар мен бўламан, "У - худо, мен подшо, нима бупти, энг сўнгги кальа учун келганман!" - деб дағдаға қилса ҳам қаср очилмайди. Нихоят Искандар: "Кальангни-ку очмадинг, ҳеч бўлмаса биронта ҳадя бер, одамларимга кўрсатай"- дейди. Шунда тепадан бир тугун келиб тушади. Очиб караса тугун тула суяклар. Шоҳ газабдан тутақиб, тугунни Ирғитади. Шу пайт Арасту яқин келиб, "Шоҳ, бу тортиқ бежиз эмас, огоҳ бўлки, бу - хосиятли суяк", дейди. Искандар ноилож қолиб, "Майли, кўрайликчи", суяк оғирми ё олтин, торозини келтиринг,- деб фармон беради. Тарозининг бир палласига олтин - кумушлар тўлдириб, бир палласига битта суяк қўйишади. Суяк оғирлик қилади, хуллас, Искандарнинг бутун хазинасини тарозига куйганларида ҳам суяк вазмин чиқаверибди.

Шаханшоҳнинг боши котиб бунинг маьносини сураганда Арасту:

Бу - одам кўз суяги, - деди хонга,
Тўяма одам кўзи минг - ман санга?
Жемит кўз ер юзина тўймаса -да,
Ўлса тўяр, кўзга қум қуйилганда.

Бу табирни эшитганда Искандар уйга толиб, барча ишларим бекор экан дейди ва ўз юртига қайтиб кетади.

Қисқаси Искандар образини салбий қилиб яратганда Абай тарихий хақиқатга асосланган. Иккинчидан, Абай мазкур мавзуга ўз халқи, ўз замонининг талаб интилишларидан туриб ёндошган: XIX асрнинг II ярмида қозоқ халқи учун ҳаётий масала уруш эмас, балки ўкиш, хунар маданият эгаллаш эди. Искандарга Аристотелни ибрат қилиб тасвирлаш шоирнинг маьрифапараварлик, инсонпарварлик ғояларига мос эди.

"Вадим" - М.Ю.Лермонтовнинг 1833-1834 йилларда деҳқон қўзғолонлари мавзуида ёзилган романи, роман 24 бобдан иборат. Абай шу романни қозоқчага шеърий йўл билан таржима қила бошлаган, бироқ 1-3 бобларни ағдариб улгурган халос. Таржима тугалланмаган шунинг учун "Вадим" ва "Азим киссаси" поэмаларининг мазмуни ғояси ҳақида муайян бир хулосага келиш қийин. Фақат шуни айтиш мумкинки, сақланиб колган парчалари ҳам Абайнинг моҳир таржимонлигини, рус тилини чуқур билмаганини исботлайди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Абайнинг достон жанридаги ижоди хусусида гапиринг.

2.1.2. "Масьуд" достонида қандай муаммолар кўтарилган?

2.1.3. Масьуд нима учун кизил мевани ейишга карор қилди?

2.1.4. Абайнинг "Искандар" достони Шарк адабиётидаги Искандар тугрисидаги бошқа достонлардан нимаси билан фарк қилади?

2.1.5. Достондаги Искандар образи оркали қандай муаммолар кутарилган?
2.2.1. "Масьуд" достонидаги вокеалар каерда бўлиб утади?

а) Эронда
в) Багдодда
с) Туркистонда
д) Арабистонда
е) Қозоғистонда

2.2.2. Аристотел образи Абайнинг кайси достонида учрайди?
а) "Масьуд"
в) "Искадар"
с) "Вадим"
д) "Азим киссаси"
е) "Ақлия"

3 - АСОСИЙ МАСАЛА:

3.1. Абай прозаси

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Талабаларга Абайнинг проза йуналишидаги ижоди хусусида маьлумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

3.1.1. "Ақлия" ("Насихатлар") асарининг юзага келиши учун сабаб бул-
ган омилларини тушунтиради
3.1.2. "Ақлия" асарида куйилган муаммоларни боблари юзасида шархлайди.
3.1.3. Абайнинг прозадаги ижодига бахо беради.

3- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Абай- донишманд шоир. Ҳар бир доно одам утган умрига кўз ташлаб , те-
варак атрофидагиларни кўзатиб, ундан ўзича хулоса чикаради, ўзининг
ҳаётидаги уй-мулохазаларини кейинги авлодларга қолдиришга ҳаракат қилади. Абай ҳам турмуш тажрибаларини умумлаштирувчи шундай асар ёзишга киришади. "Ақлия" ("Насихатлар") номли прозаик асар шу тарзда юзага келди. Абайнинг "Насихатлар"и жами 43 сўздан (бобдан) иборат бўлиб, булар бадиий хикоялар эмас, балки турмуш, жамият, инсон умри ва фаолияти, илм-хунар, дустлик, олижаноблик, меҳнатсеварлик, халоллик ва хоказолар ҳақидаги панд-насихат, ахлокий - дидактик мазмунли фикрлар, фалсафий умумлашмалар, хулосалардир. Абай "биринчи сўз"да: "Охири шундай карорга келдим: хаелимга келган нарсаларни ок когозга ёзаверайин, ок когоз билан кора сиехни эрмак килайин. Кимда -ким бундан ўзига керакли сўз топса - ёзиб олсин, е укисин, кераги йук деса -ўз сўзим ўзимники, бошқада ҳеч бир ишим йук, дедим -да, нихоят, ёзишга утирдим"- дейди.

Абай ута киска, гохо бир бет,-ярим бетлик угитларида ўз замонасидаги
мухим бир ижтимоий масалани ўртага куяди. кўп боблар ўз темасига, ўз ғоявий мазмунига эга. Лёкин бундан унинг "Нисихатлар"идаги мустакил бобларда мазмун жихатдан ўзаро яхшилик йук экан, деб хулоса чикармаслик керак, зеро бу боблар бир- бирини тулдиради, бир - бирини такозо этади.

Масалан, "Еттинчи", "Уттиз биринчи", "Ун туккизинчи" сўзлар авторнинг илм -хунар, уни қандай эгаллаш хусусидаги уй - фикрларини ўз ичига олган. "Еттинчи сўз" да Абай ёзади: "Дунёдаги барча мавжуд ходисаларнинг сирини ҳеч булмаса юзакирок бўлса ҳам билмаслик - бу одамгарчиликдан эмас. Шуни ҳам билмаганидан кейин, бу одам - одам эмас, балки хайвондан ҳеч фарки йукдир".

6,8,11 - сўзлар халқ бирлиги, ахиллик масаласига багишланган. Ёзувчи "Бирлик - кўрангдаги молда эмас, тушунчангда бўлиши керак" (6-сўз)деса, илм-фанга , хунарга интилмай, бутун кучини мол-дунё тўплашга сарфловчи бойлар ҳақида: "кунгиллари тук, гамлари йук, кўзлари осмонда, улар учун халол-ҳаром,ақл-идрок, илм -фан каби нарсалар мол-дунёдан киммат эмас. Мол бўлса Олло-таолани ҳам пора билан сотиб ҳам, ақл-идроки, элу-юрти, илм-хунари, ор-номуси, яқин-йироги ҳамма-ҳаммаси мол-дунё", - деб уларни каттик фош этади.

2-сўз шоир замондошларининг асоссиз мактанчоклиги, бошқа халқларга хурмат билан караш, уларнинг яхши фазилат ва илм-хунарларини ўзлаштириш, 3-сўз ўзаро душманликнинг сабаблари ва зарари, 4-сўз уринсиз кулгининг бемаьнилиги, умрни бефойда утказмаслик, меҳнатсеварлик, 10-сўз бола тарбиясига, 11- сўз XIX аср қозоқ жамиятидаги угрилик, игвогарлик, манфаатпараслик, алдокчилик, талончилик каби ярамас иллатларни фош этишга, 12-сўз маьрифат масалаларига багишланади.

Жамиятни, одамларни маьрифатли килиш йўли билан яхшилашга ёзувчи 10-сўзда "Илмсиз охират ҳам йук, дунё ҳам", 12 - сўзда "... Илм ўрганишни ҳамиша давом эттиравериш керак. Агар кимда - ким уни тула урганмай туриб, шу билганим етади, деб бор билимга каноат хосил килса -у одамни худо ургани: Унинг килган тоат - ибодати ҳам охиратда кабул килинмайди)", - дейди.

Абайнинг эьтикодига кўра, адабиёт, шеьр ва шоир халққа хизмат килиши ерак, одамларни олижаноб фазилатларга ургатиш лозим. Шундай фазилатлардан энг мухими эса меҳнатсеварлик, халол меҳнат килишдир. Абай меҳнатни тирикчилик воситасигина эмас, балки инсонлик кадр - кимматининг, ижтимоий бурчнинг мёзони деб хисоблайди.

Шу жихатдан шоирнинг бутун поэзияси, прозаси чинакам ҳаёт дарслиги була олади. 15 - сўздан олинган мана бу парча устида уйланиб кўрингчи: "Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида булгинг келса, ҳар куни бир марта, е хафтада бир марта ўзингга ўзинг хисоб бер! утган умрингни қандай утказибсан: е илмга, е жамиятга ва е ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми? Ёки қандай қилиб утказганингни ўзинг ҳам сёзмай колиб утказганингни ўзинг ҳам сёзмай колибсанми? "

Абай рус илм -фани, маданиятига юксак бахо бериб, ўз халқини руслардан таьлим олишга, ушанда ҳам рус чоризмига хушомадгуйлик килиш ниятида эмас, балки ўз халқига фойда келтиришини кўзлаб ўрганишни таргиб этади: "Русларнинг илмини ўрганиш, укиш керак. Хикмат ҳам, илм - хунар ҳам, билим ҳам, мол ҳам- ҳаммаси русларда. Уларнинг овлок фойдасига шерик булиш учун ҳам тилини, илмини, билимини ўрганишимиз керак. Сен уларнинг тилини билсанг, калб кўзинг очилади. Уларнинг тилини, илмини билган киши руслар билан тенгхукуклик даьвосини кила олади, уларнинг олдида ор-номусини сотиб олишмайди. Тил билмаган нодон қандай қилиб уларга яхши кўринсам экан, деб ким елкасига кокиб куйса, шунга ота-онасини ҳам, ошна - огайнисини ҳам, эл-юртини ҳам, динини ҳам, одамгарчиликни ҳам сотади. Фақат рус майори кулса бас, деб ўзининг обруси кетганига ҳам парво килмайди. Русларнинг илм-хунари дунёни билишнинг калитидир, уни билган одамга дунё арзонрок тушади.

Бирок шу кунларда боласига русча ургатган одамлар углининг илми билан тагин ҳам қозоқларни алдаш райига тушган. Йук асло бундай емон ният килиш керак эмас. Балки, аксинча, мол - дунёни халоллик билан топишни ургатишимиз ва бошқалар ҳам биздан шундай ибрат олсин дейишимиз керак. Ана шундагина биз русларнинг баьзи бир конунсиз зурликларига йўл куймаган булур эдик. Илм урганганда ҳам қозоқларга гамхур булай деб, бизлар ҳам элу -юрт бўлиб, одамлардек тинч тотув яшайлик, деб ният қилиб ўрганиш керак. Хозирча русча укиган қозоқ болалари ўртасида тўзукрок чикканлари кам. Чунки уларни ота -оналари, ошна огайнилари йўлдан урмокдалар..."

Абай юкори табакаларни эмас, камбагал кашшокларни ўзига дуст деб билди. "Насихатлар" дан худди шу кунларда қозоқларнинг ичидан кимни яхши кўрай, кимни кадрлай, деб уйладим. Булис билан Бийни кадрлай десам, хиралик қилиб пора билан сотиб олинган Булислик ва Бийликнинг хосияти булмайди. Хайхот, энди кимни кадрлай, кимнинг

бахтини тилай!... Албатта ўз меҳнати билан ўзини бока олмай, угри, золим, шумларга ем бўлиб юрган чин маьнода меҳнаткаш чорвадорни кадрламасам, шуларнинг бахтини тиласам булмайди, шундан ўзгани топа олмадим", деган Абай бечора халқ икки томонлама зулм остида колганлигини кўриб уларга катик ачинади:

Козогим, шурлик юртим, вайрон юртим!
Коронгуда йўл топмай хайрон юртим!
Емон билан яхшини фарк килолмай,
Огзида ҳам кон, ҳам мой сарсон юртим.

деб фигон қилди. Шундай бўлсада, у келажаккага умид билан каради, эркин ҳаётга ишонди, ўз замонида кадр - киммат топмай: уланда ҳеч ким менга тенг келмади. Лёкин кадрим тополмай уксийман жим, деган Абай ўзидан кейинги даврларда кадрини топди. Зотан, у: Улди деса, бўладими, айтингларчи. Орқасида улмайдиган сўз қолдирган? деганида хақли эди. Халқ учун яшаб, халқ учун ижод килган, бир умр халқ бахтини, тинчлигини куйлаган ва кўрашганлар ҳеч качон улмайди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

3.1.1. "Насихатлар"асари тугрисида умумий маьлумот беринг.
3.1.2. Мазкўр асарни ҳаёт дарслиги дейиш мумкинми?
3.1.3. Абай "Насихатлар" ида рус маданиятига қандай бахо беради?
3.1.4. Асарни боблари буйича таҳлил килинг.
3.2.2. "Насихатлар" неча сўз (боб)дан иборат?
а) 45
в) 43
с) 40
д) 35
е) 30

АДАБИЁТЛАР:

1. Абай Кунонбоев. Уданлар. Тошкент - 1954 йил
2. Абай. Шеьрлар, Тошкент - 1980 йил.

МАВЗУ: МУХТОР АВЁЗОВ.

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. М.Авёзовнинг ҳаёти ва ижоди
2. М.Авёзов - романнавис.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Ешлиги, илм ўрганиши, ижодга кириб келиши, драматургияси, "Абай" романининг яратилиш тарихи, хикоялари, киссалари.

1- АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. М.Авёзовнинг ҳаёти ва ижоди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

М.Авёзовнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, хикоя, кисса ва дараматургияси тугрисида маьлумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Адибнинг ҳаёти ва ижодга кириб келиши хусусида сўзлайди.
1.1.2. М.Авёзовнинг хикоя ва киссаларини таҳлил қилади.
1.1.3. Адибнинг драматургиядаги ижодига бахо беради.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Мухтор Умархонович Авёзов 1897 йил 28 сентябрда Семипалатинск область,Абай районига карашли Чингизтов деган жойда туғилган.Отаси Умархон ва бобоси Авёз маданий кишилар эди.Улар ўзларига қўшни бўлган Абайлар овули билан яхши муносабатда эдилар.Шунинг учун ҳам ёзувчининг болалиги буюк маърифатпарвар шоирнинг таъсири кучли бўлган мухитда утди.

Абай шеърлари халқ афсоналари,ривоят ва қўшиқлари (уларни бобоси Авёз кўплаб биларди), Мухторда бадиий адабиётга кизикиш уйготди.Амакиси Косимбек уни Семипалатинскка олиб бориб мадрасага укишга жойлаштирди.Тёзда 11 ешли Мухтор беш синфли шаҳар мактабига утади.1915 йилда уни тугатиб Авёзов Семипалатинск ўқитувчилар семинариясига киради. Бу ерда у рус ва чет эл классикларининг асарлари билан танишади,ўзи ҳам кичик хикоялар шеърлар машк кила бошлади. Ўзининг дастлабки асарларидан булмиш "Энглик-Кебек"драмасини Авёзов 1917 йили февраль революцияси арафасида ёзди.Унга фожиали севги тугрисидаги қозоқ афсонаси асос қилиб олинган. Пьесанинг кучли томони унда ошик-маъшуклар Энглик ва Кебек фожиали такдирининг сабаблари хакконий очилган. Муаллиф феодал уругчилик тўзимининг кингир урф-одатлари ва ахлокини кескин фош этади.

Пьесанинг дастлабки вариантлари жиддий ғоявий нуксонларга эга эди. Лёкин ёзувчи асарни бир неча марта кайта ишлади, камчиликларни бартараф этди ва пеьса қозоқ театрлари репертуаридан мустахкам урин олди.

М.Авёзов профессионал ёзувчиликкача катта сиесий мактабни утади.1919 йилдан у Семипалатнск губисполкомида губерния судида сунг гувисполком раисининг уринбосари лавозимида, Оренбургда Қозоғистон Марказий Ижрокомида ишлайди. 20-йилларга доир айрим чинакам реалистик асарлари бунга далилдир. Улардан энг яхшилари 1936 йил нашр этилган "Караш-караш" тўпламига кирди.

1921 йил ёзилган "қўрғонсизнинг куни "(химоясизнинг кисмати) хикоясида революциядан аввалги овул ҳаёти тасвирланади. Асарнинг бошиданок автор китобхонни тахликали,кескин мухитга олиб киради. Оркалик тогларидан эсувчи, одамнинг суяк-суягидан утиб кетувчи аччик изгирин кор шамолда буралиб уйнайди;икки номаълум шубхали йўловчи кухна,гўё "кимдир унитиб қолдирган" ярим вайрона кулба; ярим чакирим нарида корларни изгирин супуриб кетган кичик дунгликда иккита кабр,бири баландрок,бири жуда кичкина.

Езувчи икки йўловчи волость бошлиги Акан ва унинг дусти Калтай ҳақида кискача сўзлагач,кухна вайронада яшовчи мункайиб колган 80 дан ошган кампир,40 ешлардаги кўр аел ва унинг 13 ешли кизи АЗИЗА тасвирига утади. Дунгликдаги кабрларда шу хонадон эгаси Жакиб ва унинг кичкина угли Мукаш дафн этилган. Кампир кўзда еши билан мехмонларга аччик кисмати ва турмуши ҳақида сўзлаб беради.

Аммо есирлар нолаю- хасрати Акан билан Калтайга заррача таъсир этмайди. Аксинча "худо урган "ларни улар ҳам хурлашади ва 13 яшар Азизанинг номусига тегишади. Номусига чидамаган киз уйдан кочиб чикиб, отаси ва укасининг кабри енида совукда мўзлаб улади.

Хикояда зуравонлар ва хужайинлар дунёси билан химоясиз, хак-хукуксизлар дунёси бутун дахшати билан гавдаланади.

Авёзовнинг дастлабки энг яхши асарларидан бири "Караш-караш вокеаси" (1927) повестидир. Унда муаллиф камбагал Бахтикулнинг огир тагдирини хикоя қилади. Бахтикул тогда яшайди,овчилик билан шугулланади.Аммо овнинг ўзи билангина кун кўриши кийин. Очлик, мухтожлик уни угирликка судрайди. Муттасил кўркув, очлик озоби жонига текан кахрамон Волост бошлиги Жарасбай хўзурига бориб, ҳамма нарсани очик айтади ва халол иш сурайди. Бирок Жарасбай Бахтигулни алдаб, уни душман уругнинг йилкиларини угирлашга юборади. Уруглар ярашгандан кейин эса Жарасбай хоинлик қилиб Бахтикулни бийлар судига беради. Бундан газабланган йигит яна токка кочади, сунг Жарасбайни

улдириб камокка тушади. Бу ерда рус революционери билан учрашиб, кичик ешли углини унинг карамогида қолдиради. қаторгага хукм килинган, Бахтикул сунгги сахнада углига карата "уки углим ! менинг йўлим кувончсиз ва хато эди, сен эса тугри йўлни топишинг керак" - дейди. Шу сўзларда асарнинг бош ғояси ифодалангандир. 1928 й М.Авёзов Ленинград универистетининг филология факултетини кейин Тошкентда САГУ нинг аспирантурасини тамомлайди.

Ижодининг дастлабки ун йили ичида Авёзов драматик асарлар яратиш устида кўпрок ишлади. У турли мавзуларда 20 га яқин пьеса ёзди, рус Жаҳон ва совет драматургиясининг " Ревизор" (Гоголь), " Отелло", "Кийик кизнинг куйилиши" (Шекспир)," Аристократлар" (Н.Погодин), " Любов Ядовая" (К.Тренив), "Флот офицери" (А.Крон), сингари қатор асарларни қозоқчага таржима қилди. Авёзов революцион мавзудаги "Октябрь учун" (Д.Фурмановнинг" Исен" романининг инсцнеровкаси) номли иккинчи қозоқ пьесасини ёзди. Урушдан олдинги йилларда у "Тош пат" (1935), "Ок кайик", "Кўраш" (1934), "Олмазорда", "Чегарада" (1937) номли пьессаларни "Жарлик", "Елкама-елка", "Излар", "Уч кун"сингари повест ва хикояларни яратди. Бу асарлар бадиий фазилатлари жихатидан ҳам ёзувчи ниятининг чукурлиги жихатидан бир хил савияда эмас.

Авёзовнинг 30-йилларда яратган хикоялари орасида "Бургутчи" ажралиб туради. Хикояда тасвирланишича, икки овчи-Бекбул ва Жонибек овга жунамокчи. Шу пайт йилкичилик заводининг бригадири Успонкул уларга бир канча от угирланганини хабар қилади. Бекбулдан угриларни тутиш
ва отларни топишда ёрдам беришни сурайди Нихоят, Бекбул от угрисини чегарадан утишга шайланаетган пайтга кулга туширади. Угри Бекбулнинг собик хужайини бой бўлиб чикади. Хикоя умуман реалистик ва ҳаётий чиккан.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. М.Авёзов туғилган оила тугрисида гапиринг!

1.1.2. Адибнинг ешлиги ва илм олиши хусусида нималар биласиз?

1.1.3. Мухтор Авёзов хикояларидаги етакчи хусусият сифатида нимани кўрсатиш мумкин?

1.1.4. "Караш - караш вокеаси" киссасида кайси давр вокеалари акс эт-
тирилган?

1.1.5. Киссадаги Бахтикул образига тавсиф беринг.

1.1.6. Асардаги бошқа образларни таҳлил килинг.

1.1.7. Адибнинг илк драмалари ҳақида гапиринг ва умуман бу сохадаги
ижодига бахо беринг!

1.2.1. М.Авёзов кайси йили ижодга кириб келган?

а) 1920 йил.
б) 1900 йил.
с) 1910 йил.
д) 1917 йил.
е) 1921 йил.

1.2.2. "Караш - караш вокеаси" асари качон ёзилган?

а) 1927 йил.
б) 1930 йил.
с) 1925 йил.
д) 1928 йил.
е) 1926 йил.

2- АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. М.Авёзов - романнавис.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Адибнинг "Абай" ҳамда "Абай йўли" тарихий романлари тугрисида талабаларда тасаввур ва тушунча хосил килиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. "Абай " романининг яратилиш тарихи ҳақида сўзлайди!

2.1.2. Романда шоирнинг ҳаёти, унинг жамиятга муносабати қандай акс этганлигини изохлайди.

2.1.3. Романдаги бошқа кахрамонларга тавсиф беради.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

40- йилларда М.Авёзов янги ижодий ютукларга эришади. Бу йилларда у Абай тугрисидаги романлардан ташқари "Синов соатида " пьесасини , А. Абишев билан ҳамкорликда "Номус гвардияси" пьессасини ёзди .Улар кишиларнинг ватан урушидаги кахрамонлиги афсонавий 8- гвардиячи Панфилов дивизияси жангчиларнинг жасорати ҳақида химоя қилади. 1945 йил Авёзов "Абай"операси Либреттосини "Абай қўшиқлари" бадиий фильми сценарийсини ёзди.

М.Авёзов 1940 йилдаек рус адиби Л.Соболев билан биргаликда "Абай" трагедиясини ёзган эди. Бу асар келгусида эпопеянинг ўзига хос фрагменти бўлди. Эпопеянинг "Абай"деб номланган биринчи китоби 1942 йил, иккинчиси 1947 йил босилиб чикди. Роман хозиргача қозоқ тилида кўп марталаб, рус тилида 12 мартадан ошик нашр этилди, Жаҳондаги турли тилларга таржима килинди.

Авёзовнинг Абай тугрисидаги романларининг мухим хусусияти шундан иборатки, адиб ўз халқи тарихига ўз даври нуктаи назаридан туриб назар ташлаган. Абай яшаган XIX асрнинг 2-ярмидаги қозоқ жамиятининг ҳаёти мураккаб вокеаларга бой эди. Шунинг учун Авёзов олдида эпопеяни ёзишда улкан кийинчиликлар турарди. Абайнинг болалиги, усмирлиги, поэтик фаолиятининг биринчи даврини кўрсатиш керак эди. Холбуки, бу хакда ҳеч қандай босма маьлумотлар йук эди. Буларнинг ҳаммаси Абай тугрисида турли - туман кишилардан эшитган халқ ривоятларини тўплаш, текшириш, тартибга солиш буйича катта меҳнатни такозо этарди. М.Авёзов ўз автобиографиясида кайд этишича, у Абай тугрисидаги роман устида 20 йил ишлаган. Абайни билган кўплаб кишилар, чунончи, унинг шогирди ва яқин дусти Кукпай билан сухбатлашган, Абай ва хатто Кунонбойни ҳам билган ўз бобоси Авёзнинг хотираларни тинглаган, Абайнинг биринчи хотини Дилдан кўрган, иккинчи хотини Айгерим билан сухбатлашган, Абайнинг ижодий меросини тўплаб, илмий - тадкикот ишлари олиб борган.

"Абай" романи буюк шоир шахсий ҳаётининг солномаси эмас, унда бутун бир тарихий даврнинг карама - каршиликлари, халқ ҳаёти ва кайфияти хакконий кўрсатилган. Романда XIX аср 2-ярми қозоқ жамиятидаги мураккаб ижтимоий вазият: феодал уругчилик кўрашининг конли манзаралари ҳам, кучманчилик ҳаётининг манзаралари ҳам, социал тенгсизлик ҳам, меҳнат кашларнинг коронгу турмуши ва рус маданиятининг усиб бораетган таьсири ҳам, ҳар томонлама кўрсатилган.

Романнинг бош конфликти ўз ҳаёти ва фаолиятини меҳнаткаш халқ манфаати билан боглаган шоир Абай билан унинг отаси Огасултон Кунонбой ва тарафдорлари ўртасидаги карама -каршилик асосига кўрилган. Абай образи боб сайин усиб боради. Еш Абай калбида ўз отаси бошқа бойлар томонидан халққа утказилаетган жабр зулмга нисбатан норозилик кучая боради ва биринчи китобнинг оҳирида у отасига очикдан - очик карши чикади. Иккинчи китобда XIX аср қозоқ чулидаги муросасиз кўраш, меҳнаткашлар онгининг уйгониши тасвирланади. Бунда Михайлов сингари рус кишиларининг роли катта.

Авёзовнинг " Абай йўли" романининг биринчи китоби 1952 ва иккинчи китоби 1956 йилда эьлон килинди.Агар "Абай" романида шоирнинг шахсий ҳаёти, унинг жамиятга муносабати, поэтик талантининг шаклланиши кенг манзарада кўрсатилган бўлса, эпопеянинг 2- романида, муаллиф Абайнинг халқ билан алоқасини, ижодини халқчилигини, ижтимоий фаолиятини очишга кўпрок аҳамият беради.

Абай халқ тугрисида гамхурлик килувчи, халқ дардини куйловчи киши сифатида тасвирланади. Абай такдирининг халқ такдири билан ўзвий боглик-лиги Авёзов романларининг ҳарактерли фазилатидир.

Эпопеяда Абайдан ташқари Даркенбой,Биржан, Михайлов, Павлов, Абиш, Бозорали, Дармен, Зере, Улжон, Айгерим сингари ижобий образлар яратилган. Абай бошлик бу кахрамонлар Кунанбой, Такежон, Исхок, Шубар, Уразли, Жиренши, Азимбой каби образларга қарама-қарши кутбни ташкил этади.

1955 йил "Абай" романи учун Давлат мукофоти, 1954йил эса "Абай йўли"романи учун Ленин мукофоти берилди.

1955 йил Авёзов кўрик ерларни ўзлаштиришга багшланган" Туркистон шундай тугилди"очеркини ёзди. Очерк чулда ташкил этилган "Туркистон" совхози ҳақида хикоя қилади.

Шу йили ёзувчи совет адиблари делегацияси таркибида Хиндистонга боради. Сафар таассуротлари асосида Хиндистон ҳақидаги очерклар китоби юзага келади.(1956йил нашр этилди.)

Авёзов умрининг охирларида замонавий мавзудаги беш томлик янги эпопея устида иш бошлади. Бирок биринчи китобигина ёзилди. Ажал улкан саньакорни бу ниятини амалга оширишга тускинлик қилди.Ёзувчи 1961 йил 27 июнда Москвада вафот этди. 1962йилда нашр этилган " Еш авлод"номли бу романда қозоқ чорвадорларининг ҳаёти ва кўраши, қозоқ халқининг фидокорона меҳнати Нил Карпов, Олмосбек, Асия, Жокен, Ойсулув,Илес, Армон, Петро, Мадат, Саодат сингари образларда гавдалантирилди.

М. Авёзов ҳақида гапириб, Луи Арагон: "Авёзов совет ёзувчиларининг биринчи сафида туради"-деган эди.

Машхур адиб, драматург, тилшунос, адабиётшунос, таржимон, жамоат арбоби М.Авёзовнинг қозоқ адабиёти олдидаги хизматлари жуда катта.

У совет даврида Меҳнат Кизил Байрок ва Ленин орденлари билан, Давлат ва Ленин мукофотлари билан такдирланган.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Абай тугрисидаги романлар вужудга келгунча М.Авёзов яна кайси жанрлардаги асарларига Абайни бош мавзу қилиб олди?

2.1.2. Авёзовнинг Абай ҳақидаги романларининг бош хусусияти нимада?

2.1.3. "Абай" романида Абай образининг акс эттирилишига бахо беринг.

2.1.4. "Абай йўли" романида Абай образининг еритилишини таҳлил килинг.

2.1.5. Абай тугрисидаги романларда оддий халқ вакиллари образларининг тасвирланишини таҳлил килинг.

2.1.6. Романларда тасвирланган юкори табака вакиллари образларига тав-сиф беринг.

2.2.1. "Абай" романининг биринчи ва иккинчи китоблари качон ёзилган?

а) 1942, 1949 йиллар.
б) 1945, 1948 йиллар.
с) 1944, 1949 йиллар.
д) 1942, 1947 йиллар.
е) 1941, 1945 йиллар.

АДАБИЁТЛАР:

1. М.Авёзов. Караш - караш вокеаси. Тошкент - 1962 йил.
2. М.Авёзов. Абай. Тошкент - 19 йил.
3. М.Авёзов. Абай йўли. Тошкент 19 йил.

МАВЗУ: ТУРКМАН АДАБИЁТИ.
МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Туркман халқ оғзаки ижоди.
2. Туркман ёзма адабиёти.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Эртак, қўшиқ,достонлар, ёзма адабиётнинг шаклланиши, Мулланафас ижоди, Мулланафас достонлари.

1 - АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. Туркман халқ оғзаки ижоди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Туркман халқ оғзаки ижоди хусусида талабаларда тасаввур хосил килиш ва уни жанрлар нуктаи назаридан таҳлил килиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Туркман халқ оғзаки ижоди ҳақида умумий тушунча беради.
1.1.2. Туркман халқ қўшиқ, ашула, эртақларини таҳлил қилади.
1.1.3. Туркман халқ достонлари ва уларнинг кахрамонларига тавсиф беради.

1- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Ўрта Осиёда энг кадимги халқлардан бўлган туркман халқининг адабиёти маданияти қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг адабиёти ва маданияти сингари фольклор асарлари шаклида ривожланди. Чунки Октябрь тунтаришигача Туркманистонда хукм сурган уруг-аймокчилик қолдикларини ўз ичига олган феодал-патреархал тўзум ва кучманчилик ҳаёти ёзма адабиётнинг барвакт шаклланишига монелик қилди. Бундан ташқари, туркман халқи асрлар давомида чет эллик боскинчилар - форс,араб, мугил истелочилари, Бухоро ва Хива хонлари зулми остида колиб келганлиги сабабли туркман миллий адабиёти ва маданиятининг ривожланиши учун зарур шароит булмади.

Туркман фольклори бу халқнинг эрамиздан аввалги даврдан то хозиргача бўлган ҳаёти тугрисида маълумот берувчи асосий манбалардан биридир. Туркман халқ оғзаки ижодида эртак, ашула, қўшиқ ва достон жанрлари кенг таркалган кадимий жанрлардир Кейинчалик халқ эртақлари сюжети асосида кахрамонлик рухидаги ва ишкий-лирик достонлар юзага келди Туркман халқ достонларининг баъзиларига, худди ўзбек халқ китобларида бўлганидек, Шарк классик адабиёти асарлари ва диний китоблар ("Лайли ва Мажнун", "Юсуф ва Зулайхо") мазмуни, баъзи бирлари учун эса эртак ва ривоятларнинг сюжетлари манба бўлиб хизмат қилади ("Шоҳсанам-Гариб", "Зухра-Тохир", "Асли-Карам"). Ёзма адабиётнинг жуда кўп асарлари халқ достонлари, эртақлари замирида яратилган. Шунинг учун ҳам туркман классик адабиётининг кўпгина намояндаларини халқ оғзаки ижоди муаллифларидан ажратиш кийин.

Туркман фольклорида "Гуругли" циклидаги достонлар алохида урин тутади. Бу достонларда Гуругли ҳаммавакт адолатли ва доно хукмдор. Гарчи у хон бўлсада, ҳар вакт меҳнаткаш халқ бошини силовчи,ватан мудофааси учун кўрашувчи кахрамон сифатида гавдаланади.Туркман халқ латифаларида хозир жавоб ва окил Камина образи яратилганки, бу образ кўп хусусиятлари билан ўзбек, тожик, озарбайжон халқ латифалардаги Афанди ва Мушфикий образларига яқин туради.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Туркман халқ ашула ва қўшиқлари ҳақида гапиринг.

1.1.2. Туркман халқ латифалари тугрисида нималарни биласиз?
1.1.3. Халқ достонларида қандай муаммолар кутарилган?
1.1.4. Халқ оғзаки ижодида яратилган Камина образини таҳлил килинг.

2- АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Туркман ёзма адабиёти.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Талабаларда туркман ёзма адабиёти, унинг шақлланиш тарихи ва бугунги кундаги аҳволи хусусида тасаввур уйготиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Туркман ёзма адабиётининг юзага келиши тарихи ҳақида сўзлайди.
2.1.2. Ёзма адабиётининг дастлабки вакиллари ижодини таҳлил қилади.
2.1.3. Ёзма адабиётнинг совет давридаги аҳволини изохлайди.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Туркман ёзма адабиёти XIV асрда юзага кела бошлади. Унинг йирик вакиллари Бурхониддин Сивосий ва Саид Имодиддин Насимийлардир. Туркман адабиёти тарихини ўрганишда бу шоирларнинг ижоди салмокли урин тутади. Хоразмда тугилиб, ҳаётини Кичик Осие шаҳарларида утказган Сивосий ўз шеърларини биринчи бўлиб туркман тилида ёзди, поэзияга арўз вазнини киритди, Бутун умри дарбадарликда кечган хунарманд Насимий уткир хажвий асарлари учун вахшийларча улдирилади.

Туркман классик адабиёти тараққиётининг дастлабки боскичида панд-насихат мотивлари катта урин эгаллаган эди. Кейинги даврларда Озодий, Махтумқўли, Мулланафас сингари забардаст туркман шоирлари ижодида бу мотивлар чукур ишланди.

Туркман классик адабиётининг тараққий этган даври XVIII-XIX асрларга тугри келади. Бу даврда туркман халқи тарихида таркок туркман кабилаларини бир бутун давлатга бирлаштириш учун кўраш кучайиб кетган эди. Ватанни чет эл боскинчилардан мудофаа этиш масаласи адабиётда кун тартибига куйилди. Натижада туркман адабиётида дидактик шеърият урнини инсонпарварлик-ватанпарварлик шеърияти эгаллаб олади.

XVIII аср туркман адабиётининг йирик вакиллари Андалиб ва Озодий ўз ижодларида форс-тожик, озарбайжон ва ўзбек адабиётининг энг яхши анъаналари давом эттирди. Нурмуҳаммад Гариб Андалиб яратган қатор достонлар орасида энг машхури "Лайли ва Мажнун" достонидир. Унда А. Навоий "Лайли ва Мажнун" достонининг сюжети, образлар системаси асосан сақланган бўлсада, асарда XVIII аср туркман халқининг ҳаётини акс эттиришга интилган. Достон наср ва назмда ёзилган бўлиб, унда туркман фольклорининг кучли таъсири сёзилади.

Андалибнинг замондоши Давлатмамед Озодий ўз шеърларида бир канча ижтимоий масалаларни кутариб чикди. У Бухоро ва Хива хонлари зулми остида эзилиб келаетган она халқининг озодлигини орзу қилди, хонавайронлик келтирувчи феодал ўзаро урушларни коралади.

Махтумқўли ижоди туркман классик адабиётининг чуккиси хисобланади. Ҳаётнинг аччик-чучигини тортган, кўп юртларда бўлган Махтумқўли туркман классик шеъриятини шақлан ва мазмунан мукаммал ғазаллар, рубоийлар, китъалар билан бойитди. Унинг лириқасида тасаввуф окимининг таъсири сёзилиб турса-да, дунёвий-инсонпарварлик рухидаги шеърлар устунлик қилади.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган туркман шоирлари Сеидий ва Зелилий Махтумқўли анъаналарини давом эттирувчилар бўлдилар. Сеидий Эрон подшосининг асири, Зелилий эса Хива хонининг туткуни сифатида кўп машаккатларни

кечирадилар. Бу шоирлар ўз ватанларидан ўзокда яшаган булишларига карамай уларнинг шеърлари ватанпарварлик ва кахрамонлик рухига тула.

Туркман классик шеърларининг яна бир йирик намоёндаси Мулланафас ўзининг лирик ва эпик ижоди билан ҳам халқ оғзаки ижодида, ҳам ёзма адабиётида муносиб урин эгаллади. Мулланафас ўз шеърлари оркали туркман классик поэзиясига озарбайжон, ўзбек ва тожик шоирларнинг яхши анъаналарини сингдирди.

Адабиёт тарихида Мулланафас ўзининг нафис ва жушкин ғазаллари, шунингдек, "Гелмишам" ва " Зухра Тохир" достонлари билан танилган.

"Гелмишам"достонида шоир пок дунёвий севгининг ҳар қандай кучдан устун туришини Непес номли ошик йигит ва унинг вафодор маъшукаси образларида талкин килган. "Зухра Тохир" Ўрта Осиёда кадимдан машхур сюжет, афсона ва образлардан ижодий фойдаланиб ёзилган том маънода янги оргинал асардир.

Мулланафаснинг замондоши, ажойиб лирик ва сатирик шоир Камина ижодига чукур социал мазмун ва тенденциозлик хосдир. Камина ўз шеърлари билан халқ орасида катта обру ва шухрат козонди. Унинг асарлари огиздан-огизга кучиб халқ онгига чукур сингиб кетиши туфайли фальклор асарларига ҳам айланиб кетган. Камина номи хукмдорларни аевсиз танкид килувчи сатирик сиймо бўлиб қолди. Зотан у ўз шеърларида бойлар, рухонийлар, амолдорларни хажв остида олиш бараварида халқ огир аҳволининг сабабларини кажрифтор фалак гардишидан эмас, балки ижтимоий тўзумдан ва ундаги адолатсизлик ва нохақликдан кидирган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида туркман мумтоз адабиётида халқпарварлик йуналиши кучайди. Бу давр адабиётининг йирик вакиллари Мискин Килич, Байрам шоир, Кўрмулла, Мулла Мурт ва Дурди Киличлар 1905-йил революцияси ва Октябрь революциялари таъсирида ўз адабиётларида туркман халқининг инкилобга бўлган муносабатини акс эттирдилар ва туркман совет шеъриятининг биринчи намояндалари бўлиб қолдилар.

Туркман совет адабиётини бошлаб берган халқ шоирлари ижоди шу мафкўрага мос йуналишда ривожлана бошлади. Кардош ўзбек, тожик ва қирғиз адабиётларида бўлгани каби туркман совет адабиёти тараққиётининг биринчи даврида ҳам поэзия етакчи жанр бўлди. Кўрмулланинг шу йилларда яратган " Большевик " достони, Дурди Киличнинг " Золимлар ", " Камбагаллар ", Мулла Муртнинг " Туркманистон учун азизсан ", " Озодлик " сингари шеърий асарлари даврнинг кундалик масалаларига багишланган эди.Бу даврда туркман адабиетига Б. Кербобоев, А. Аламишев ўзларининг биринчи шеър ва достонлари Билан кириб келдилар. Аламишевнинг " Суна ", Кербобоевнинг " Кизлар дунёси ", "Одат кўрбони " достонлари туркман шеъриятининг дастлабки йирик намуналари эди.

Б. Кербобоев ва А. Дурдиевлар ўзларининг биринчи хикоя ва повестла-
ри билан проза жанрини, А. Ковшудов " Закаспий фронти " пьесаси билан драматургия жанрини бошлаб бердилар.

Социалистик беш йилликлар даври туркман совет адабиётида поэзия билан бир қаторда проза ва драматургия жанрлари ҳам тараққий этди. Бунда айникса Б. Кербобоев, Н. Сарихонов, А. Дурдиев, А. Ковшудов, К. Бургунов кабилар фаол ижод билан шугулландилар. Кичик новелло устаси бўлган Н.Сарихоновнинг"Орзу", "Ок уй", "Ширин","Куев","Бойнинг газаби" хикояларида Чехов ва Горький хикоячилигининг таьсири катта.

Бу хикояларда юз бераетган ижтимоий-маданий ўзгаришлар акс этган.

Уруш арафаларда туркман прозасида хикоя ва повестлар билан бирга
аксарияти тарихий мавзуларда бўлган кўпгина романлар ҳам яратилди.Бу ерда Б.Кербобоевнинг" Дадил кадам" романини алохида кайд килиш лозим.

Уша йилларда туркман совет драматургияси ҳам такомиллаша борди. К. Бурунов ва Б. Амановларнинг"Кеймир кўр", Т, Эсеновнинг"Шемшат", А. Кавшудовнинг "Жума","А.Карлиевнинг "Айна"пьесаларида замонавий ва тарихий мавзулар каламга олиниб, ажойиб кахрамон образини яратишга эътибор кучайди.

Уруш йилларида туркман совет адабиётида Ватан мудофаси ва немис боскинчиларига карши кўраш мавзуси етакчи урин олди. Туркман ёзувчиларининг барча жанрлардаги асарларида кишиларнинг фронт ва фронт орқасидаги фидокорона ишлари акс эттирилди.

Урушдан сунги йилларда ғоявийлик ва партиявийлик туркман адабиётининг асосий ишлари бўлди. Проза сохасида Б. Кербобоевнинг "Дадил кадам" романининг янгича кисми ва "Небитдог" романи, А. Ковшудовнинг "Капетдог эртақлари" романлари, Х, Исмоиловнинг "Икки отанинг угли" повестлари пайдо бўлиб, бу ёзувчиларнинг номини собик иттифок китобхонига танитди.

Умуман, туркман адабиётида совет хокимияти даврида проза ва драматургия сохасида кўпгина жанрларга асос солинди ҳамда мазкўр жанрлар тараққий этди. Хозирги пайтда туркман адабиёти мустакиллик шабадаларидан бахраманд бўлиб, янгича рухдаги асарлари билан ривожланмокда.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Туркман ёзма адабиёти кайси даврдан шақллана бошлади?
2.1.2. Ёзма адабиётнинг дастлабки вакилларидан кимларни биласиз?
2.1.3. XVIII-XIX аср туркман ёзма адабиётида кутарилган ғояларни изохланг.
2.1.4. Мулланафас ижодининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил килинг.
2.1.5. Совет хукмронлиги даврида туркман адабиётидаги етакчи хусусият сифатида нимани кўрсатиш мумкин?
2.2.1. Андалиб ва Озодийлар кайси даврда ижод килишган?
а) XVII аср
в) XVIII аср
с) XV аср
д) XIX аср
е) XVI аср

2.2.2. Камина қандай мавзудаги асарлари билан халқ орасида машхур бўлди?
а) Муҳаббат мавзусидаги
в) Дустлик мавзусидаги
с) Ватан мавзусидаги
д) Сатирик мавзусидаги
е) Адолат ва хакикат мавзуларидаги

АДАБИЁТЛАР:

1. Р.Иногомов. Адабий кардошлик тароналари. Тошкент - 1972 йил.
2. Туркман шоирлари. Тошкент - 1963 йил.
3. Кўзларингга бокканимда. Тошкент - 1966 йил.

МАВЗУ: МАХТУМҚЎЛИ.

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1.Шоирнинг ҳаёт йўли.
2. Махтумқўли шеърияти.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Илм тахсили, шеърияти , Махтумқўли ва Навоий, шоир ижодида панд-насихат, Махтумқўли ва ўзбек адабиёти.

1 - АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. Шоирнинг ҳаёт йўли.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Шоирнинг ешлиги, илм олиши, шунингдек, у яшаган даврдаги ижтимоий-сиесий ҳаёт тугрисида талабаларга маьлумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Махтумқўли вояга етган оила тугрисида сўзлайди.
1.1.2. Шоирнинг илм олиши ва фаолияти ҳақида тушунча беради.
1.1.3. Шоир яшаган даврдаги ижтимоий - сиесий ва тарихий шароитни изохлайди.

1- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Туркман мумтоз адабиётининг йирик намоёндаси , шоир ва мутафаккир Махтумқўли - Фирогий тахминан 1733 йил Туркманистоннинг жануби-гарб томонида ,Атрек даресига яқин Хожигавшон деган жойда тугилди.

Махтумқўлининг отаси Д.Озодий даврининг кўзга кўринган шоирларидан бири эди. У шеърлар тўплами ва "Ваъзи Озод" китобининг муаллифидир.

Еш Махтумқўли бошлангич маълумотни ўз кишлогида олиб , сунг Хивага боради ва у ердаги Шергозихон мадрасасида таълим олади. Мадрасани тугатиб кайтгач ,Махтумқўли мактабда домлалик килса ,ҳам асосан заргарлик билан шугулланади. Унинг ижодий фаолияти ешлигидан бошлаб , умрининг охиригача давом этган севимли касби эди. Шоир шарк халқлари адабиёти ,санъати билан чукур танишди, араб,форс,эски ўзбек тилини ўзлаштирди, граматика ,математика, астраномия каби фанларни , Шарк донишмандлигининг ижтимоий - фалсафий карашларини , ислом динини ва унинг тарихини урганди. Махтумқўли йигитлигида ҳамкишлоги Менгли исмли кизни севган , унга атаб шеърлар ёзган. Унинг:

Парда тортиб юзларимга,
Пардоз бериб сўзларимга ,
Махтумқўли, кўзларимга,
Елгиз Менглихон кўринур .

каби жушкин мисралари шоир Менглини чин калбдан севганлига далилдир.

Аммо севишганлар етиша олмаганлар. Менглининг ота онаси уни бошқа кишига бериб юборган. Шундай қилиб Махтумқўли севганига етолмай, ярамас урф-одат утида куйиб-енди.Унга Оккиз исмли тул колган янгасини мажбуран олиб бердилар. Бу вокеа ҳам шоир ижодида учмас из қолдирди.

Баъзи бир маълумотларга кўра,Махтумқўлининг Сари ва Иброхим номли икки угли бўлиб, улар ешлигиданок улиб кетишган.Шоирнинг "Буларми", "Бошимни мубтола қилди"деган шеърлари шу мусибатга багишлаб ёзилган.

Махтумқўлининг качон вафот этганлиги хозирча маълум эмас.Лёкин ўзининг баъзи шеърларидан англашилишича 18 асрнинг 80 йиллари вафот килган деб тахмин этиш мумкин . Ривоятлардан,шунингдек,шоирнинг айрим шеърларидан маълум бўлишига кўра, у Ўрта Осиё ва Яқин Шаркнинг бир канча мамлакатларида, Бухоро, Хива, Афгонистон, Озарбайжонда, Эронда бўлган, бу мамлакат халкларининг огир кисмати, аччик турмуши билан танишган. Махтумқўлидан жуда бой бадиий мерос колган. У ўзиниг чукур лиризим билан тулган шеърлари оркали туркман меҳнаткашлари хис-туйгуларини , орзу-умидларини, урф-одатларини ўз замонидаги кабих зулм-ситамларни ғоят реалистик буекларда акс эттириб берди. Унинг асарлари 18 асрда Туркманистондаги асосий ижтимоий-сиесий, маданий- иқтисодий, ахлокий масалаларни камраб олади.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1.Махтумқўлининг ота - онаси, шунингдек оиласи тугрисида нималар биласиз?
1.1.2. Шоирнинг илм ўрганиш ҳақида гапиринг.
1.1.3. Махтумқўли кайси Шарк мамлакатларида саехатда бўлган?
1.1.4. Шоир яшаган даврдаги тарихий шароитни изохланг.

1.2.1. Махтумқўли Хивада кайси мадрасада укиди?

а) Мир Араб
б) Шергозихон
в) Шердор
д) Хоким ойим
е) Кукалдош

2 - АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Махтумқўли шеърияти.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Шоир шеърияти, шеърларининг мавзу доираси ва ғоявий хусусиятлари тугрисида талабаларда тасаввур уйготиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Шоир шеъриятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.
2.1.2. Махтумқўли шеърларининг мавзу кулами ҳақида тушунча беради.
2.1.3. Шоир шеърларининг ғоявий мазмунини изохлайди.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

XVIII асрнинг иккинчи ярмида туркманлар орасида миллий жихатдан бирлашиш учун ҳаракат зурайиб кетди. Бу масала Махтумкул ижодида ҳам марказий урин эгаллади. Шоирнинг:

Туркманлар богласин бир ерга белни,
Кўритамиз Кулзум, дареи Нилни,
Така, Евмут, гуклан, алили -
Бир давлатга хизмат этсак бешимиз.

ёки:

Бир-бирини чопмок эрмас эрликдан,
Бу иш шайтонийдир, балки кўрликдан,
Огзи олалик айрар, элни тирикликдан,
Мунда давлат дуниб душмана келгай.

каби мисралари мана шу вокеаларнинг акс-садоси сифатида янграйди.

Махтумқўли эл-юрт манфаати учун хизмат килиш, дустлик, ахиллик ғояларини майдонга ташлаб, халқнинг, бирликнинг куч-кудратига юксак бахо беради, меҳнаткаш халқ манфаатлари учун кўрашувчи, ҳар сохада ахиллик билан иш тутувчи мард йигитларни мактади ва "Элга даркор булмаган одам кўриб кетсин" деди.

Шоирнинг ана шундай ғояларни олга сурган мисралари халқнинг калбига жо бўлиб, маколларга айланиб кетган.

Махтумқўли ўз она эли, ватанини севган, унинг ор номусини ҳамма нарсадан юкори куйган ижодкордир.У ватанпарварлик меҳнаткаш оммагагина хосдир, деб тушунади. Ва юрт бошига огир кунлар тушганда бевосита халққа мурожаат қилади:

Фирогий гоз тутар туркман элига,
Душман кул урмасин кизил гулига,
Дустлар, бизни охиратнинг селига
Гарк этмасдан, ракиб кирилсин энди.

ВАТАН ПАРВАРЛИК

1) Кел кунглим, ман санга насихат килай
Ватанни тарк этиб кетувчи булма.

2) Махтумқўли, бу ватанни ҳеч тарк қилиб юрмагил,
Хуру пари, гилмон-башар, анча жонони бордир.
3) Ҳар кимнинг ўзина Мисрдир жойи,
Едингдан чикмаслар байрами, туйи,
Жон соғлигинг булмас ҳеч тенги-жойи,
Окшом етиб, эрта шукрон кил яхши.

Шоир она юрти Атрек, Тургон атрофларининг гўзал табиати, серхосил ерлари, зилол чашмалари, ботир йигитлари, сулув кизлари, чорва-молларини зур бадиийлик билан гавдалантиради.

Унгинда баланд тог, соринда туман,
Денгиздан эсади ели Гургоннинг.
Булут уйнаб, борон бўлса сойларда,
Окар бўз-буланиб сели Гургоннинг.

Тукайлари бордир карга-камишли,
Гўзаллари бордир олтин-кумушли,
Бўз гусфанд, гир йилки, кора говмишли.

Бу мисралар туркман халқини юртнинг мустакиллигини сақлашга ҳам чакиради. "Кўрганинг", "Сунгги дог", Гуклан", "Туркман биноси", "Илк замонлар", "Билинмас" каби шеърлари унинг она ватанга бўлган чексиз Муҳаббатидан далолат беради. Шоирнинг умумхалқ хурматига сазавор бўлишининг бош сабабларидан бири ҳам шу ватанпарварлик. Махтумқўли мардлик, кахрамонликка эл-юрт манфаати нуктаи назаридан ендашиб, тор шахсий манфаати, ўз нафси кўрбони бўлган номардларни, худбинларни лаънатлайди.

Мардлик-номардлик масаласи туркман классик адабиётининг, айникса мумтоз шеъриятнинг энг яхши ишланган мавзуларидандир. Махтумқўли асарларининг кўпчилиги ҳам шу мавзуга багишланган.

Муйлов товлаб, ҳар ен тортар,
Хайбати йўлбарсдан ортар
Кукдек гурлаб, томок йиртар,
Хозир булар ош устида

каби мисраларда номардларнинг афт-башарасини очиб ташлайди. Шоир яратган салбий типларни халқ ҳам емон кўради.

Муханнаснинг булмас номуси, онги,
Бир уруш кунида айламас жанги,
Ога-беклар, муханнаснинг ун минги -
Мард ақлининг олти юзига тенгмас.

Махтумқўли халқ оммасининг кунглидаги орзу-уйларини, даврнинг жуда мураккаб масалаларини ғоят содда тил ва юксак бадиий махорат билан тасвирлаб берганки, шоир асарларининг чукур халқчилиги ҳам шунда.

Махтумқўли ўзининг бутун кучини эзилган, камситилган халқнинг манфаатини куйлашга багишлайди.

Ким нон топмас емокка,
Ким ер топмас куймокка,
Ким тун топмас киймокка,
Ким тирма молни кўзлар.

сингари мисраларида гариб ва мискинларга чин юракдан ачинади.

Золимлар унитар зикри оллони,
Арзон олиб, киммат сотар галлани,
Судхур ноинсофлар халол тиллани,
Ҳаром фойдасига беришин кўринг,

деб судхур бойларнинг халқни талаганларини, халқ бошига огир кунлар солганини тасвирлайди. Шоир:

Рие бўлди кўпнинг укиган номози,
Тангри ҳеч биридан булмади рози,
Пайгамбар урнида утирди кози
Пора учун қўлин чўза бошлади.

деб ёзади. Махтумқўли сипохиларнинг порахурлиги, вазирларнинг адолатсизлигини "Колмади" шеърида шундай фош этади:

Сипохи бариси порахур бўлди,
Шоҳ олдида одил девон колмади.

XVIII аср туркман ҳаётининг умумий манзараси ва унга шоирнинг муносабати мана бу сатрларда жамулжамдир:

Хозир бизнинг замонда,
Емон сўзлар забонда,
Зулм ишлари Жаҳонда
Жушди дебон йигларман.

Махтумқўли ижодида угит-насихат мавзуси кенг урин олган. У китобхонга энг яхши инсоний фазилатларни сингдиришга инлилади, уни мехмондуст, тугри сўз, яхши киликли, одоб ахлокли булишга чакиради:

Мард угилдир, элга ёзар дастурхон,
Тугри сўз устида берар ширин жон,
Умрини утказар, айтмайди елгон,
Жахд айлаб, елгон сўз айтувчи булма.

Инсонпарвар шоир ижодида севги-Муҳаббат, хотин кизларнинг турмушдаги урни масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Шоирнинг хотин-кизларга багишлаган асарларини куйидаги гуруҳларга булиш мумкин.

1) ишк-Муҳаббатга доир шеърлар.
2) келин-кизларнинг одоб-икроми, яхши ва емон киликларига ба-
гишланган шеърлар.
3) аелларнинг ҳаётдаги урни масаласига доир шеърлар.

Махтумқўлининг Менглига багишланган ишкий шеърларига "Гулъўзор уйнашар", "Уят айлаюр", "Гўзал ерим кўринмас", "Менгли еримдан" кабилар мисол була олади. Шоир келин-кизларнинг гўзаллигини Шарк поэзияси анъаналари рухида тасвирлайди:

Шуъласида гунашдекдир жамоли,
Ҳар кесма этдирмас васфи-камоли,
Мунаккаш сифатли зоти-жамоли,
Мисолидур жаннат хури дилбарнинг.

Анчагина шеърларида шоир келин-кизларнинг хусни билан бирга одобли, икромли, мулойим, ширинсукхан булмокларини орзу этади.

Одобли, икромли, мулойимзода,
То улгунча бирга юргинг келади.
Сўзлаган сўзлари мисли бол кимин.
Топиб не ерда бўлса олгинг келади.

Бирок хотин-кизлар орасида ўзини унгара олмайдиган, рўзгорда, юриш-туришда нунок, бефаросатлари ҳам бор, дейди шоир ва уларни танкид қилади.

Бордир гўзал сирка босар бошини,
Артмас, ювмас товогини, дошини,
Сийламас отасин, эна-ешини,
Унинг хизматидан кочгинг келади.

Махтумқўлининг ишкий шеърлари ўзидан кейинги ижодкорларга кучли таьсир утказди: Унинг

Карокчими,е саидми,хужами,
Е сокийми,е шаробми,е жомми,
Е йилмисан,е кечами,кундўз,

Е оймисан,е кунмисан,нимасан?
деса:

МУЛЛАНАФАС

"Зухро Тохир"достонида
Бог ичинда булбулмисан,гулмисан,
Е булбула ўхшаш ширин тилмисан,
Асалмисан,е кандмисан,болмисан,
Ширинмисан,шакармисан,нимасан.

Махтумқўлининг илгор ғоялари ўзидан кейинги туркман шоирлари учун намуна мактаби бўлди. Х!Х аср туркман шоирлари уни ўзларига устоз деб билганлар. Кардош халқлар адабиётининг атокли намояндалари ҳам Махтумқўли ижодига катта хурмат ва эхтиром билан карайдилар.

Карокалпок мумтоз адабиётининг асосчиси Бердак Махтумқўли ҳақида бундай дейди:

Махтумқўлини укиганда,
Айтар эдим ҳар замонда,
Нуксон борми,беклар,анда,
Сўзин тавоф килар эдим.

Дархакикат Махтумқўлининг дурдона шеърларини саньаткорларгина эмас, балки умуман меҳнаткаш омма ардоклайди. Шоирнинг "Адабнинг яхшиси-каттани сийла", "кишига каттик сўз айтувчи булма" "Осмонда емгирсиз булутга ўхшаш-кишида хайр ила химмат "шақлидаги мисралари маколларга айланиб кетган.

Доно бўлсанг, мискинларни унутма,
Афзал бўлсанг, номардларга бош тутма
Эрк истасанг, гўзал достонинг сотма
Элингга бахш айлаб утгин Фирогий.

деган шоир умрининг охиригача меҳнаткаш халққа содик қолди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Махтумқўли шеърларининг ўзига хос томонлари ҳақида гапиринг.
2.1.2. Шоир шеъриятининг ғоявий хусусиятлари ҳақида нималар дея оласиз?
2.1.3. Махтумқўлининг адолат ва ватанпарварлик тугрисидаги шеърларига бахо беринг.
2.1.4. Шоирнинг Муҳаббат мавзусидаги шеърларини изохланг.
2.1.5. "Намасан" шеърини таҳлил килинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Махтумқўли. Шеърлар. Тошкент - 1976 йил.
2. Туркман шоирлари. Тошкент - 1963 йил.

МАВЗУ:БЕРДИ КЕРБОБОЕВ (1894-1974).

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Б.Кербобоев шеърияти.
2. Б.Кербобоев прозаси.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Илм ўрганиши, фаолияти, шеърияти, достонлари, насрий асарлари, романлари.

1 - АСОСИЙ МАСАЛА:

1.1. Б.Кербобоев шеърияти.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Берди Кербобоев шеърияти ҳақида умумий маьлумот бериб, шеърларидан намуналар таҳлил қилади.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Шоирнинг илк шеърлари ҳақида гапиради.
1.1.2. Б.Кербобоевнинг совет давридаги шеърлари хусусида мулохаза билдиради.
1.1.3. Достонларини таҳлил қилади.

1- АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Берди Кербобоев 1894 йилда Туркманистоннинг Тажан туманида тугилди. Октябрь тунтаришидан илгари овул мактабида, сунг Бухоро мадрасаларидан бирида укиди, араб, форс тилларини урганди, Туркман, Ўзбек ва бошқа шарк халклари адабиёти намуналарини мутолаа қилди. Совет хокимиятининг дастлабки йилларида Кербобоев турли муассасаларда, республика газета ва жўрналлари редакцияларида ишлади. Бир канча муддат Ленинграддаги Шаркшунослик институтида таълим олди.

Кербобоев ўз адабий фаолиятини 1923 йилда газета сахифаларида шеърлар эълон килишдан бошлади. Дастлабки пайтларида у шоир сифатида кўринган бўлсада, 20-йиллар охирларидан эътиборан кичик-кичик хикоя ва киссалар ёза бошладики, бу билан Кербобоев Туркман бадиий прозасига ҳам асос солди.

Б.Кербобоевнинг 20-йилларда яратилган шеърларида совет мафкўрасига хос бўлган фикр ва ғоялар етакчи хусусиятга эга эканлиги кўзга ташланади. Масалан, шоирнинг "Шуро сайлови" (1926), "Утибди","Хой кизлар "(1926), "Укинмадим", "Укисанг", "Чуллар" , "Гулла, менинг кувончим " (1927), "Муаллим" (1928), "Трактор яхши" (1929), "Бокий яшил дарахт", "Пахта" (1930), "Отамга сунги хатим " каби шеърларида социалистик кўрилишнинг дастлабки жабхаларидаги вокеалар, коллективлаштириш йилларининг қарама-қаршиликлари ўз ифодасини топган.

Шоир "Кизлар дунёси", "Такилма", ("Бешкарти") "Ёз мавсумидаги бир гўзал" поэмаларида Туркман хотин- кизларининг утмишда бошдан кечирган турмушларини тасвирлайди."Амударе" поэмаси эса Туркман халқи асрлардан бери орзу килган масалага - Амударе сувини Коракум саҳросига окизиш, чулни гулистонга айлантириш муаммосига багишланган.

30-йиллардан бошлаб Б.Кербобоев Туркмкан давлат нашриетининг адабий ходими (1931-35) сифатида А.Гайдарнинг бир канча хикояларини, Л.Тольстойнинг "Хожимурод" киссасини, М.Горкийнинг "Она", М.Шолоховнинг "Очилган кўрик", Войничнинг "Суна" романларини Туркмачага таржима қилди. Таржимачилик ёзувчи ижодининг юкори боскичга кутарилишига катта таъсир кўрсатди.

Уруш йилларида Б.Кербобоев бошқа ёзувчилар сингари адабий фронт сафларида хизмат қилди. Туркманистон ёзувчилар союзига бошчилик килиш билан бирга ижодий ишни ҳам тинмай давом эттирди. Кахрамонлик, ватанпарварлик туйгуларини васф этувчи, ватанга Муҳаббат, душманга нафрат рухида анчагина шеърлар яратди.("Фронтга хат","Москванинг елкини" ва бошқалар.)

Ёзувчи Туркман маданияти ва санъати ходимларининг делегацияси таркибида Фронтда ҳам бўлди. Жанг майдонларида кўрган вокеалари асосида халкнинг фронт ва фронт орқасида кўрсатаетган фидокорликларини тасвирловчи "Ватанган Муҳаббат" , "Ким кимни севади?" (1942), "Биродарлар" пьесаларини, "Кўрбон Дурди" киссасини, "Комиссар Гелдиев", "Ватан кизларига" (1942) очеркларини, "Ойлар " поэмасини яратди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Шоирнинг ҳаёти ҳақида сўзланг.
1.1.2. Шоирнинг 20-йиллардаги шеърларига бахо беринг.
1.1.3. 30-йилларда ёзилган шеърларини таҳлил килинг.
1.1.4. Б.Кербобоевнинг уруш мавзусидаги шеърларида қандай ғоялар илгари сурилган?
1.1.5. "Амударе " поэмаси ҳақида нималар биласиз?

2 - АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Берди Кербобоев прозаси.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Б.Кербобоевнинг проза сохасидаги ижоди хусусида тушунча беради ва асарларини таҳлил қилади.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Б.Кербобоевнинг дастлабки хикоялари ҳақида сўзлайди.

2.1.2. Ёзувчининг адабий- танкидий маколалари ва таржимонлик фаолиятини таҳлил қилади.

2.1.3. Адибнинг драматургия жанридаги ижодига шарх беради.

2.1.4. Ёзувчининг кисса ва роман жанридаги ижодини бахолайди.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Б.Кербобоев туркман адабиётининг турли масалалари буйича адабий-танкидий маколалар билан ҳам кўп чикишлар қилди. У 1926 йили Махтумқўли шеърларини биринчи марта босмага тайерлаб, алохида китоб шақлида нашр эттирди. Ёзувчининг "Туркман бадиий адабиёти","Мулла мурт Хужаниёз угли" , " Сўз ва образ", "Еш ёзувчиларининг ижоди ҳақида", "Махтумқўли ва унга бўлган карашлар","Туркман адабиётининг йирик жанрлари", "Зехн,юрак,ЎҚУВ ва меҳнат керак" каби маколалари туркман адабий танкидчилиги тараққиётига катта хисса бўлиб кушилди.

У анча йиллар собик СССР ёзувчилар уюшмасининг котиби, Туркманистон ёзувчилар уюшмасининг бошлиги, Туркманистон Олий Советининг депутати сифатида улкан жамоатчилик ишларини олиб борди. Тинчлик учун кўрашувчи сифатида қатор конференцияларда, халқаро форумларда катнашди. Шу тарика туркман адабиётини "Йўл хотиралари" номли янги жанр билан бойитди.

У таржимон сифатида Пушкиннинг кўпгина шеърларининг, "Евгений Онегин" романидан парчани, М.Иброхимовнинг "Шундай кун келади", Ойбекнинг "Навоий" романларини, Муса Жалилнинг шеърларини,У.Ҳайём рубойиларини туркман тилига таржима килган.

Б.Кербобоев драматургия жанрида ҳам калам тебратиб, турли йилларда"Елгончи", "Боболакки", "Хурлико ва Ҳамро", "Она", "Биродарлар", "Халқ шоири" сингари сахна асарлари яратди.

Адибнинг илк пьессаси "Тареккаш ва табиблар" 1926 йилда ёзилган бўлиб, сатирик рухга эга. Унда утмишнинг зарарли саркити - гиехвандликка берилган шахсларнинг турмуш фожиаси нашаванд Хужаберди, Гелди, Аннажамол каби образлар оркали очиб берилади. Адиб 1942 йилда ватан урушида туркман йигитларидан биринчи дафъа совет иттифоки кахрамони унвонига созовор бўлган Кўрбон Дурдиевнинг карамонликларини тасвирлашга багишланган "Кўрбон Дурди" повестини ёзди. Повестнинг биринчи кисмида Кўрбоннинг колхоз даласидаги фидокорона меҳнати, армия сафидаги халол химати хикоя килинган. Урушнинг дастлабки кунлариданок жангга отланади.

1936 йилда адиб "Дадил кадам" романини ёзишга киришди ва 1937 йилда унинг биринчи китобини тугаллади. Б.Кербобоев уруш йилларида романнинг иккинчи ва учинчи китоблари устида иш олиб борди ва 1944 йилда унинг иккинчи китобини ёзиб томомлади."Дадил кадам" романи 1947 йилда туласинча нашр этилди. Бир йилдан сунг роман иккинчи даражали Давлат мукофоти билан тагдирланди.

Асарда Туркманистонда совет хокимиятининг ўрнатилиши вокеалари кенг манзарада гавдалантирилган бўлиб, унинг марказида 1916-1920 йилда Тажан вохасида бўлиб утган вокеалар туради.

Романнинг 1-кисми туркман халқининг Октябрь тунтаришидан олдинги ҳаёти ҳақида хикоя қилади. Иккинчи кисм Феврал ва Октябрь тунтариши вокеаларини кўрсатишга, учинчи кисм эса Туркманистонда совет хокимиятининг ўрнатилишига багишланган.

Романнинг бош кахрамони камбагал дехкон Ортикдир. Вокеалар маказида мана шу Ортик орази туради. Муаллиф у оркали туркман меҳнаткаш оммасининг оддий вакили такдирини гавдалантиради.

Б.Кербобоев 1957 йилда ёзилган "Небитдог" романида туркманистон нефтчилари ҳаёти ва меҳнатини тасвирлашга ҳаракат килган. Асар устида ишлар экан муаллиф икки йилдан кўпрок бевосита Небитдогда яшаб, булгуси роман кахрамонларининг турмуши, меҳнатини яқиндан кўзатган.

Хулоса қилиб айтганда, Б.Кербобоев совет даври туркман адабиётининг етакчи вакилларидан бири эди. Совет хукумати ёзувчини икки марта Ленин ордени, уч марта Менат Кизил Байрок ордени ва медаллар билан мукофотлаган. Унга "Туркманистон халқ ёзувчиси ", "Социалистик Меҳнат Кахрамони" унвонлари берилган.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. Ёзувчининг прозадаги дастлабки ижоди ҳақида сўзланг.
2.1.2. Б.Кербобоев кимларнинг кайси асарларини туркман тилига таржима килган?
2.1.3. Адибнинг адабий - танкидий маколаларига муносабатингиз?
2.1.4. Адибнинг драмаларида қандай муаммолар кутарилган?
2.1.5. Ёзувчининг роман жанридаги ижодини бахоланг.
2.1.6. Б.Кербобев киссаларида кутарилган муаммоларни изохланг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Б.Кербобоев. Туркманистон бахори. Тошкент - 19 йил.
2. Б.Кербобоев. Дадил кадам. Тошкент - 1960 йил.

МАВЗУ: ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Ч.Айтматов - киссанавис
2. Ч.Айтматов романларида ахлокий - маьнавий муаммолар.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

Илк ижоди, очерк хикоя, киссалари, романлари, ижодида миф ва афсоналар.

1 - АСОСИЙ МАСАЛА.

1.1. Ч.Айтматов - киссанавис.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Ёзувчининг ҳаёт йўли, илк ижоди тугрисида тушунча беради ва киссаларини таҳлил қилади.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.1. Ч.Айтматовнинг ҳаёт йўли ва илк ижоди ҳақида сўзлайди.
1.1.2. Кисса жанрининг адиб ижодида тутган урнини тушунтиради.
1.1.3. Ёзувчининг "Жамила", "Сомон йўли", "Сарвкомат дилбарим", "Ок кема", "Биринчи муаллим" каби киссаларини таҳлил қилади.

1 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Чингиз Айтматов 1928 йил 12 декабрда қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар кишлогида дунёга келган. У аввал рус сунг қирғиз мактабида таьлим олди.1942 йили Шакар қишлоқ кенгашининг котиби, кейинчалик трактор бригадасининг хисобчиси бўлди. Урушдан кейин зооветеринария техникумини тугатгач,қирғизистон қишлоқ хужалиги институтида укиди.Укишни битириб 1956 йилгача зоотехник бўлиб ишлади.

Чингиз Айтматов 1956-1958 йилларда Москвада Ёзувчилар уюшмаси кошидаги олий адабиётчилар кўрсида таьлим олди.

Адиб ижодининг бошланиши унинг талабалик йилларига тугри келади. Дастлаб унинг "Газетачи Дзюйдо", "Хошим","Сепоячи", "Ок емгир", "Ракиблар" каби илк хикоялари босилди.

1958 йили ёзилган "Жамила" киссаси Ч.Айтматов номини бутун Жаҳонга танитди.Кисса 1959 йилда рус ва францўз тилларида чоп этилди. Уни францўз тилига таржима килган Луи Арагон "Муҳаббат ҳақида ёзилган Жаҳондаги энг гўзал кисса" деб атади.

Киссада инсон эрки ва хукуки масаласи кутарилган бўлиб,бу муаммо Жамила ва Дониер образлари оркали очиб берилган.

"Сарвкомат дилбарим", "Бутакўз", "Биринчи муаллим", "Сомон йўли", (1963) "Алвидо Гулсари" (1966),"ОК кема"("эртакдан сунг"-1970), "Эрта кайтган тўрналар"(1975) каби киссаларнинг ҳар бири ёзувчининг еркин истеъдодини кун сайин камол топаетганлигини намойиш қилди.

"Сомон йўли" асарининг бош кахрамони Тулганой ҳаётнинг огир кийинчиликларини бошдан утказган. Урушдан эри ва уч угли кайтиб келмаган, келини Алиман ҳаётдан бевакт кўз юмган.Такдирнинг бешафкатлигини каранг! Лёкин ёзувчи тасаввурича такдир батамом бешафкат бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳаёт шундай. Келинидан Тулганойга едгор бўлиб набира колади. Унинг ҳаётида ҳаётнинг давоми, Тулганой авлодлари касбкорининг абадияти мужассам.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Ч.Айтматовнинг ҳаёти тугрисида гапиринг
1.1.2. Адибнинг илк ижоди ҳақида нималар биласиз?
1.1.3. Ч.Айтматов киссаларига хос бўлган хусусиятларни сананг.
1.1.4. "Жамила" киссасида кутарилган муаммоларни изохланг.
1.1.5. "Сомон йўли" киссасининг бош кахрамони Тулганойга тавсиф беринг.
1.1.6. "Ок кема" киссасини таҳлил килинг.

2- АСОСИЙ МАСАЛА:

2.1. Ч.Айтматов романларида ахлокий - маьданий муаммолар

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚСАДИ:

Ёзувчининг "Киемат", "Асрга татигулик кун" романлари тугрисида тасаввур хосил килиш ва уларда кутарилган муаммоларни изохлаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1.1. Роман жанрининг ёзувчи ижодида тутган урни ҳақида гапиради.
2.1.2. "Киемат" романини таҳлил қилади.
2.1.3. "Асрга татигулик кун" романида кутарилган муаммоларни изохлайди.

2 - АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ:

Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун " ва "Киемат" романларида замон дошларимизни алохида тулкинлантираетган маънавий - ахлокий муаммолар бадиий гавдалантирилган.

"Асрга татугилик кун " романида вокеалар асосан Сариўзак чулида, Буронли темир йўл бекатида бўлиб утади. Гап бутун онгли ҳаётини бекатда оддий темир йўлчи бўлиб яшаган Казангапнинг вафотидан сунг дафн этиш тараддудлари тасвири билан бошланиб, романнинг нихоясида маросим мусибат устига мусибат билан тугайди. Шу орада Казангап билан Эдигей Буроннинг ҳаёти, уларга чамбарчас боглик ёки боглик булмаган холда тинч океани тепасида Совет - Америка "Паритет" космик кемасининг парвози билан боглик ходисалар, Она Байит кабристони, Найман она ва унинг бахтсиз фарзанди Жуломон, мактаб муаллими Абутолиб

Куттибоев, унинг садокатли рафикаси Зарифа ва фарзандларининг бошига тушган фалокатлар хикоя килинади.

Бир замонлар зуровон гуруҳлар заифрок кабила - уругларни ўзларига карам қилиб-манкўртларга айлантирганлар. Манкўртлар-мустакил фикрлашдан махрум,утмиш,хотираси ва кимлигини унутган, кўркок, эрксиз, хукуксиз, одамлар. Адиб оддий меҳнаткаш кишиларни мехр билан тасвирлар экан, инсониятни манкўртлик маломатларидан сақлаш, ҳамма жамиятнинг тенг хукукли аьзоси бахт саодатдан баб-баравар фойдаланиши лозим, деган ғояни олга суради.

"Асрга татигулик кун " романида илмий-техника революцияси билан инсон кадр-киммати орасидаги зиддият Казангапни кумиш билан боглик вокеалар, шахсга сигинишнинг акс-садоси бўлган Абутолиб Куттибоев тугрисидаги Буронли Эдигейнинг уйлари оркали ифодалайди. Казангап - окил,Эдигей-собит, Найман она-буюк жабирдийда,Ойзода- муштипар, Собитжон - вайсаки, лейтенант Тансикбоев гирт тўпори ва хоказо. Ҳар бир персонажнинг ўз хулк атвори, ўз эътикоди ва фалсафаси, ўз манфаати ва ички дунёси табиий, ишонарли бир тарзда очиб берилган.

Ч.Айтматовнинг "Киемат" романи инсон туйгуси,калб тугени,адолатсиз-лик,евўзлик,гафлат ва маломатга карши исен сифатида жаранглаган асар. Адиб бу янги романи билан одамларни,хусусан,бефарк Фақат шу бугуни билан яшаетган кишиларни огох булишга чакиради,табиатда ҳамма нарсанинг хисоб-китоби,тошу тарозиси борлиги ҳақида эслатади,инсон атроф-мухит билан ҳамиша мулокатда, мувозанатни бўзмасдан яшагандагина унинг кадри,одамийлиги ошишини,мехр -шафкат,инсоф - адолат ва эьтикод - ишонч каби инсоний омиллардан сира юз угириш мумкин эмаслигини ҳаётий,афсонавий ва рамзий образлар оркали уктиради.

Роман Муйинкум сайгокзорида руй берган вокеалар,евўз жонивор бурилар тасвири ва баьзи калтабинлик окибатида жонли мавжудотнинг кирилиши табиатга етказилган маломат вокеалари билан бошланади.Асар мураккаб сюжетли, бир караганда ҳар хил вокеа ва ходисалар асосида кўрилган.Аслида ёзувчи романда тасвирланаетган вокеаларни,афсона ва ривоятларни бош ғояга-инсон, унинг жамиятдаги урни,гарданидаги бурчи,одамзод ўз тараққиётида жар екасига бориб колаетганлиги ва дархол бу дахшатнинг олдига банд солиниши зарурлиги МАҚСАДларига буйсиндиради.

Бустон Уркинчиев образи-камчиликлар, маломат, хато ва кусурларга, уларнинг бошида турган мансабпараст Кучкорбоев, Кандаловлар ва уларнинг хатти ҳаракатларига карши куйилган образ. Бустон - ўз ишини билиб қиладиган, жамоат иши,халқ иши учун фидоий киши.Муаллиф томонидан катта ҳарорат билан тасвирланган бу образ сунгги йиллар авж олган конунбўзарлик,айрим ижтимоий адолатсизликлар,одамлар билан табиат ўртасидаги муросасизликлар кўрбони сифатида гавдаланади.

"Киемат"да каламга олинган табииий ва ижтимоий ҳаётнинг барча сохаларига дахлдор хох типик,хох типик булмаган образлар ва тимсолларнинг замирида фожеий кисмат етади. Акбара ва Тошчайнар тимсолида бир жуфт бури уларнинг уч авлоди,10дан зиед зурриеди кисматида - киемат. Ўз умматларига ўзича бахт ато этиш учун кўрашган Иисус Христос чормих килинади - бошини дорга куяди. Бу ерда ҳам -киемат. Исонинг вориси сифатида гавдаланган Авдий Каллистратовни бошида ҳам киемат кўпади. Кўрбоши Гурам Жухадзе ва унинг йигитлари ватан билан видолашиш онларида айгокчи Сандро томонидан ногахонда битта колмай кириб ташланади. Бу ерда ҳам киемат койим. Лёкин топширикни "аьло" бажарган Сандро - чи ? Энг сунгги дамда, виждон кийногига чидолмай, у ҳам ўзини - ўзи отади. Унинг бошида ҳам киемат кўпади. Ола Мунгу тогидаги тубсиз мўз жарлигига ўз оти билан тушиб кетган,жасади хатто кора мозорга ҳам зор бўлиб колган Эрназар кисматида ҳам,севимли фарзанди Кенжашни олиб кочаетган бурини отаман деб,унга кушиб норасида боласини ҳам ўз қўли билан улдириб куйган Бустон Уркенчиевнинг шурпешона рафикаси Гулимхоннинг тақдирида ҳам - киемат.

Барча ижобий кахрамонларни ёзувчи катта фожияга гирифтор бўлган холда кўради. У деярли бironта ҳам кахрамонини "аямайди". Нима учун?

Сабаби, ҳаётнинг ўзи канчалик пурзие бўлса шунчалик шафкатсиз. У ҳеч кимни сийламайди. Холбуки, уша соф ниятли, олижоноб Авдий, Гурам ва унинг йигитлари, Эрназар, Кенжаш ва бошқалар омон колишлари, ўз "мурод-МАҚСАДларига етишлари" ҳам мумкин эди. Бунинг учун ҳаётдаги локайдлик, акидапарастликка карши кўрашиши керак, инсонлар бошида киемат кўпмаслиги учун соф ниятли барча кишилар бирлашиши керак,деган ғоя етади асарда. Чунки киемат Фақат осмондан егилмайди, уни одамларнинг ўзлари ҳам "ясайдилар", бинобарин, уни даф килувчи куч, тафаккўр ва идрок ҳам одамзоднинг ўз ихтиерида, деган нихоятда асосли, окилона даъвони илгари суради адиб.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

2.1.1. "Киемат" романи қандай вокеалар билан бошланади?
2.1.2. Нима учун роман "Киемат" деб номланган?
2.1.3. Романда кутарилган ахлокий- маьнавий муаммолар ҳақида гапиринг.
2.1.4. Бустон Уркинчиев образига тавсиф беринг.
2.1.5. Акбара ва Тошчайнарлар оркали романда қандай муаммолар кутарилган.
2.1.6. "Киемат "даги бошқа образларни таҳлил килинг.
2.1.7. Нима сабабдан роман "Асрга татигулик кун" деб аталади?
2.1.8. Романдаги "Найман она" киссасини таҳлил килинг.
2.1.9. Эдигей ва Казангап образларига тавсиф беринг.
2.1.10. Романдаги бошқа образларни таҳлил килинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ч.Айтматов. Танланган асарлар. 2 томлик. Тошкент 1978 йил.
2. Ч.Айтматов. Киемат. Тошкент - 1986 йил.

МАВЗУ: ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ
МАВЗУ РЕЖАСИ:

1. Бердак ижоди.
2. Т.Кайипберганов ижоди.

МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида достонлар, қўшиқлар Тулапберган Каипберганов фаолияти, шеърияти, прозаси, "Маманбий афсонаси"романи, романлари.

АСОСИЙ МАСАЛАНИНГ БАЁНИ.

Тулапберган Каипберганов 1929 йил 7 майда Кегайли районида дехкон оиласида тугилди. 1944 - 1945 йиллари 6-7 синфларда укиб юриб, шу мактабнинг 2-4 синфларига дарс берди.

1945-1947 йилларда у Хужайли педбилим юртида укийди. Уни битиргач 1947-1950 йиллари ўзи туғилган овулда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1950 йили Каипберганов қорақалпоқ давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига укишга киради. Шу пайтдан унинг адабиётга аралашуви бошланади. 1951 йили унинг " Тилагим" деган биринчи шеьри республика "Еш ленинчи" газетасида босилиб чикди. Шундан бошлаб унинг шеьрлари газета - жўрналларда мунтазам кўрина бошлади.

Ёзувчининг прозага кул уриши 1955 йилга тугри келади. Шу йили унинг "Почтальон келганда" деган дастлабки хикояси босилди.

1955 йили Каипберганов пединститутни битиради. Шундан сунгги йилларда у турли жамоатчилик ишлари ва матбуот органларида ишлаб, бу вазифаларни адабий ижод билан ўзвий кушиб олиб борди. У "қорақалпоқгистон адабиёти ҳам искуствaси" жўрналида, сунг Коракалпогистон Ёзувчилар уюшмасида масьул котиб, Коракалпогистон радио эшиттириш комитетида , қорақалпоқ давлат нашриетида ва бир канча газеталарда ишлади. Ёзувчи 1956-

1967 йилларда адабий ижод сохасида ҳам самарали меҳнат қилди. 1956 йили унинг "Секретарь," 1958 йили "Муаллимга рахмат" повестлари, 1960 йили "Сунгги хужум" романи, 1961 йил "Блокнот сўзлайди" номли очерклар ва хикоялар тўплами, 1964 йили "Совук томчи" (дастлабки номи "Номус кучи"), 1965 йили "Уйкусиз тун" повестлари, 1966 йили эса "қорақалпоқ кизи" романининг иккинчи китоби
(биринчи китоби 1964 йил чиккан эди), нихоят, "Маманбий афсонаси" романи босмадан чикди.

Каипберганов ижодининг илк боскичи оз сонли кичик шеърлардан иборат бўлди. Буларда еш шоирнинг тилак - уйлари ўзи яшаетган замонага бўлган карашлари куйланди. " Тилагим" (1951), "Ленин бор" (1954), "Келинчакнинг кувончи" (1954), "Муаллим" (1955) сингари шеърлар шу жумладандир.

Бирок муаллиф тёз орада поэзияда танилиб улгурмай, биратула про-
зага утиб келди.

Каипберганов прозаси кичик жанрлардан бошланди. Бу унинг 1954 - 1959 йиллар орасида ёзилган ва 1961 йили босилиб чиккан "Блакнот сўзлайди" тўпламига кирган бир қатор хикояларидир. Бу хикоялар болалар ҳаётини кўрсатишга ("Ариза", "Ишинг сўзингдай эмас", "Почтальон келганди") шаҳар меҳнаткашининг овулга ёрдами ("Ойгул"), сунгги вактларгача адабиётда кам ишланган зиелилар турмушининг ("Укинч"), хотин - кизлар онгининг усиши, уларнинг озодликка, бахтга интилиши ("Катьий кадам") кабиларни тасвирлаган асарлардир. "Икки кучли", "Она газаби", "Йўлдаги жанжал","Ким айбдор?" сингари хикояларида ҳаётда учраб турадиган айрим камчиликлари, ярамас одатлар каттик танкид килинди.

50- йилларнинг II ярмида қорақалпоқ адабиёти ҳам олга тамон янги одим
ташлади. Бу янги одим унда проза жанрининг ривожи билан ҳарактерланади.

Т.Каипбергановнинг "Секретарь" номли биринчи повести 1956 йили " Караколпок адабиёт ва искусстваси" жўрнали сахифаларида эълон килинди. (1958 йил айрим китоб бўлиб чикди). Повест уруш йилларидаги овул турмуши тасвирига багишланган. Муаллифнинг "Муаллимга рахмат " деган иккинчи повести (1958) ҳам болалар ҳаётидан олиб ёзилди. Унда 20-йиллар оҳиридаги қорақалпоқ овули ўзининг ҳар тарафлама ифодасини топган. Ўзок овуллардан бирига дастлабки укитувчининг келиши, унинг овул болаларини йигиб мактаб очуви, уларга билим беруви, мактаб ва муаллимнинг таьсири туфайли еш успиринлар онгининг шақлануви повестнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Адибнинг дастлабки хикояларидагидек, повестларида гохо саёзлик кўзга
ташланади. "Секретарь" повестидаги бош кахрамон - 7- синф ЎҚУВчиси Отамуроднинг ўзини катталардек тутиб, катталардек фикр юритиши, 1942 йил ёзида чекка бир овулда 7-синфни битирган угил - кизларнинг кўриниши, хатти-ҳаракатлари 13-14 ешли болаларнинг маданий ва билим даражаси мёзонига сигмайди.

Роман вокеалари кичик бир овул доирасига жамланган. Унда ҳаракат
этувчи кахрамонлар ҳам асосан шу овул одамлари. Бирок шулар оркали муаллиф бутун қорақалпоқ халқи учун ҳарактерли бўлган ҳаётни бадиий умумлаштириб берган. Жисмурот огир мухитга келиб тушади. Овул дехконларининг бошлиги Айтжон утган кечаси номаьлум шахслар томонидан улдириб кетилган. Баьзи рахбар лавозимларни Жалман сингари кишилар эгаллаб олган, фаоллар эса оз бўлиб, онг- билим савияси ҳам паст.

Мана шу ахволдан кутилиш учун бўлган кўраш пайтида бош кахрамон характерининг барча кирралари очила боради. Тиришкоқ, кўркмас, омма билан ишлашда тажриба тўплаган йигит кўп утмай махаллий халқни ўз ортидан эргаштира олди.

Муаллиф турмушнинг, кахрамон характерининг ривожини диалек-
тик режада тасвирлайди. Жисмурот образи ҳам шундай. Кахрамоннинг ички дунёси, характери турмуш тускинликлари билан кўрашда усиб боради. Масалан, у келган пайтида Саркабойникига кунади, Жалманга ишониб юради, дехконлар томонидан яширин бой боласи деб айбланади, Умирбекнинг нохак камалишига йўл куяди. Бирок бу камчиликлар

кахрамон учун сабок бўлиб, унинг онгини уткирлаштиради. Шу хил кийинчиликлар элагидан утган кахрамон роман оҳирида ғоявий жихатдан чиниккан, ички дунёси бой кўрашчи сифатида намоён бўлади. Ромонда Жалман, Турманхужа, Саркабой, Калмансуфи сингари салбий образларга кенг урин берилган.

Ёзувчининг "қорақалпоқ кизи" номли иккинчи романида қорақалпоқ хотин кизларининг хукуксизликдан, коронги турмушдан озодликка, порлок ҳаётга чикишдан иборат ўзок ва машаккатли йўли гавдалантирилди. Бирок роман муаммоси шу билангина чекланиб колмайди. Бош кахрамон тақдири оркали кора калпок халқининг XX аср биринчи чорагидаги тарихи, кундалик ҳаёти, урф-одати, хис-туйгуси ҳам ҳар тарафлама кенг очилган. Бош каҳарамон - 13 яшар Жумагул - қорақалпоқ феодал тўзумининг барча укубатларига дучор бўлади: тиланчилик қилади, золимларнинг зулм - ситамини чекади, ўзи севмаган эрнинг азобини тортади. Нихоят, янги тўзум туфайли у эски одатлар кишанини парчалаб, янги турмуш сари кадам куяди.

Романнинг иккинчи китобида биз Жумагулни халқ оммасининг бошчиларидан бири сифатида кўрамиз. Муаллиф каҳаром ҳарактерининг шақланувидаги обьектив сабаблар ва карама -каршиликларни тугри, ишонарли очган.

Асарда қорақалпоқ аелларининг озодликка чикиш ва жамиятда ўз урнини эгаллаши қарама-қарши кучларнинг кўраши оркали кўрсатилади.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.1.1. Тулапберган Каипберганов ҳаёти ҳақида сўзланг.
1.1.2. Тулапберган Каипберганов шеърларини қандай бахолайсиз?
1.1.3. "Маманбий афсонаси" романи тугрисида нималар биласиз?
1.1.4. "Маманбий афсонаси" романида қандай муаммолар кутарилган?
1.1.5. Романнинг бош кахрамонларига бахо беринг.
1.1.6. Мурод шайх образини таҳлил килинг.
1.1.7. Уразан ботир нима учун улимни афсал билди.

АДАБИЁТЛАР:

1. "Шаҳриер". Т., 1977. Бердак. Шеърлар, достонлар. Т., 1978.
2. Б.Кўрбонбоев. "Бердак ва ўзбек адабиёти". Т., 1982.
3. Т.Кайипберганов. Сайланма. 3 томлик. Т., 1982.